



R 496
1992/9-10

ISSN 0134-2207



№5

GULISTAN
ГУЛИСТОН
9-10
1992



Жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаш арафасида Тошкент шаҳрида ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XII халқаро кинофестивали оламшумул воқеа бўлди. Биз ҳам ўз саҳифамиздан жаҳоннинг таниқли киносанъаткорларига жой ажратдик. Кинофестивал ҳақидаги мақолани эса ойнаманинг ички саҳифаларидан бирида ўқийсиз.

В. ДУБРОВСКИЙ, Л. ГЛАУБЕРЗОН ва В. ЖИРНОВ суратлари

№ 9—10

(511—512)

Мезон — Ақраб

(Сентябр — Октябр)

1992

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган

МУАССИС:
Ўзбекистон жумҳурияти «Шарк»
нашриёт-матбаачилик концерни
ҳамда «Гулистон» жамоаси.

НОШИР:
Ўзбекистон Республикаси
«Шарк» нашриёт-матбаа
концерни

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:
Оқилжон ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари)
Абдусайд НУРБОЕВ
(масъул котиб)
Абдураззоқ КАРИМ
ШУКРУЛЛО
Ҳамид ЗИБЕВ
Эргаш МУҲАММАД
Хуршид ДАВРОН

Бадий муҳаррир
Мирвосил ОДИЛОВ

Техник муҳаррир
Бойназар БОЙМУРОДОВ

Манзилгоҳимиз:
Тошкент — П, 700000,
«Правда» рўзномаси
кўчаси, 41.


Таҳририят телефонлари: бош муҳаррир — 33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари 33-35-90; масъул котиб ва умумий бўлим — 33-36-02; безатиш бўлими ва мусакхих — 33-36-58.

С «Гулистон» 9—10, 1992



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ҳн иккинчи чақириқ Ҳинчи сессиясида халқ ноиблари жумҳурият аҳли манфаатларини қўлайдиган қирқта масалани муҳокама этиб, қарорлар қабул қилдилар.

Суратларда: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов нутқ сўзламоқда; Халқ ноиблари сессия мажлисларида ҳам, ҳатто танаффус пайтларида ҳам кун тартибидagi масалаларни қизгин муҳокама қилдилар.



БУ СОНДА:

Сафар БАРНОЕВ:

— Эркин фикрланг, — дея тайинларди у, — айтганларимнинг мағзини чақинг. Китобда нима ёзган бўлса, сўзма-сўз ёд олишни ўрганманг. Қуруқ ёдлаш фикрлашни ўлдиради, тилингизни қашшоқ қилади. Мен фақат сизларга йўналиш берман, қолганларини ўзингиз мушоҳада қилишга ўрганинг.



Севара ВАФО:

Аллоҳу акбар деб турнам кўзи нам,
Каптарлар пагидан тўкилгай ояг,
Эзгулик иқлими пойингда хуррам,
Оллоҳнинг уйдан оқди июнат.



R 496
1992/9-10

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХЕЛЬСИНКИГА ТАШРИФИ

- Тарихий жиҳатдан аҳамиятга молик
- Энг нуфузли анжуманда
- Ўзбекистон Президенти — Кенгаш ишига раис
- Хельсинкидаги фаол иш



Маълумки, шу йил 8—10 июл кунлари Ўзбекистон Президенти Ислому Каримов расмий ташриф билан Финляндияда бўлди.

Хаёт шунини кўрсатаётгани, республика Президентининг ҳар бир хорижий давлатга сафари мустақиллигимизни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлаётир. Аммо Ислому Каримовнинг бу галги сафари нафақат сиёсий, балки тарихий жиҳатдан ҳам мислсиз аҳамият касб этди.

Бу — Ўзбекистон Президентининг Хельсинкига иккинчи ташрифи. Ислому Каримовни илк бор Финляндияга шу йилнинг феврал ойида таклиф қилишган эди: у Ўзбекистон Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашига аъзо этиб қабул қилингани ҳақидаги ҳужжатга имзо чеккан эди.

9—10 июл кунлари эса ана шу нуфузли халқаро ташкилотнинг 17 йил давом этган танаффусдан кейинги дастлабки йигини бўлиб ўтди. Унда Ер юзидаги 51 давлатнинг раҳбарлари иштирок этишди. Улар орасида Жорж Буш, Сулаймон Демирел, Гельмут Коль, Франсуа Миттеран, Жон Мейжор, Лех Валенса каби ҳозирги замон сиёсатининг йирик намояндalари бор эдилар.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, НАТО, ЮНЕСКО сингари бир қанча халқаро ташкилотлар, шунингдек, Япония ҳукумати вакиллари ҳам кузатувчи сифатида қатнашди.

Учрашув ишини ёритиш учун Хельсинкига Ер юзидаги 40 та энг катта телекомпания, йирик радиостанция ва газеталарнинг мухбирлари, аниқроқ қилиб айтганда, бир ярим мингдан зиёд журналист тўпланди.

Кенгашнинг биринчи куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов нутқ сўзлади. Иккинчи куни эса Ислому Абдуганиевич анжуман ишига раислик қилди. — Бу — мустақиллик йўлида илк қадамлар ташлаётган Ўзбекистонга, ана шу мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш, республикамизни жаҳондаги энг тараққий этган мамлакатлар сафига олиб чиқиш йўлида бетиним изланаётган Президент Ислому Каримовга кўрсатилган ниҳоятда юксак ишонч эди. Ислому Абдуганиевич уни шараф билан адо этди. Туркия Бош вазири С. Демирел, Россия Президенти В. Ельцин, Қирғизистон Президенти А. Акаевлар Каримовнинг раислик ва умуман Кенгашдаги фаолиятига юқори баҳо беришди.

Шуни айтиш керакки, Ислому Каримов Хельсинкида фаол иш олиб борди: АҚШ Президенти Ж. Буш, Франция Президенти Ф. Миттеран, Туркия Бош вазири С. Демирел, Финляндия Президенти М. Койвисто ҳамда бир қанча бошқа мамлакатларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар олиб борди. Шубҳа йўқки, бу суҳбатлар Ўзбекистон билан жаҳон мамлакатлари ўртасидаги алоқаларни яна бир поғона юқори кўтарди.


Хўш, Кенгашда асосан қандай масалалар ўртага қўйилди? Қизил империя кулаб, «совуқ уруш»га барҳам берилгандан кейин дунёда, айниқса, собиқ СССРнинг бир қанча республикаларида, шунингдек Югославияда этник, миллий ҳамда ҳудудий низолар авж олиб кетди. Анжуманда ана шундай хуружларга барҳам бериш йўллари хусусида сўз юритилди.

Айрим давлатларда майда миллатлар қувғин остига олинаётгани куюнчақлик билан қайд этилди, Кенгаш ҳузурида ана шу жиддий масала билан шуғулланувчи олий комиссар вазифаси таъсис қилинди, туб аҳоли ҳақ-хуқуқларининг поймол этилишига тек қўйиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув иштирокчилари имзо чеккан якуний ҳужжатда ана шулар, шунингдек, кадриятлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида сўз юритилган, демократия ҳамда бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларга яқиндан мадад бериш ҳар бир ривожланган мамлакатнинг олий бурчи ҳисобланиши алоҳида кўрсатилган.

Анвар ЖУРАБОВЕ
Тошкент — Хельсинки — Тошкент
(ЎзА)

МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

УЛУҒ БАЙРАМ



... Дунёга келган чақалоқ аввал эмаклаб, кейин тетапоя бўлади. Вазият шундай келдики, Мустақил Ўзбекистон туғилган кунинёқ оёққа туришга, ўзи юришга мажбур бўлди.

Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўнинчи сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ нуткидан.

Мустақиллик... Истиқлол... Дунёда инсон борки, шу улуг туйғуни дилига жо қилиб, унга интилиб яшайди. Шу буюк, эзгу ниятни амалга ошириш учун жасорат билан курашишга бел боғлайди. Тарихда ўтган авлодларимиз тақдири бунга яққол мисол бўлади. Широқ, Жалолиддин, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур... Ватан мустақиллиги, юрт озодлиги учун курашганларнинг улуг байроқдорларидир. Улардан кейин ҳам мустақиллик, тенглик, инсоний ҳуқуқларни талаб қилганликлари учун қанчадан-қанча фидойи аждодларимиз жонларини қурбон қилдилар. Она Туркистон истиқлоли учун курашганларнинг бугун руҳлари шод бўлсин. Чунки ўнлаб авлодлар кўрмай ўтган Ватан мустақиллиги тантанасини биз байрам қилмоқдамиз. Асрий тобеликдан кейин Ўзбекистонни дунё мустақил давлат сифатида тан олмоқда.

Ўтган йили, 31 август куни Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Жумҳурияти давлат мустақиллигини эълон қилди. Ватан ва халқимиз тарихи ҳамда ҳаётида ҳар жиҳатдан улкан янги давр бошланди. Мустақиллик биз учун тасодиф эмас, у қонуний амалга ошди. Бу маълум омиллар ва аниқ сабаблар натижасида инсон қони тўкилмасдан эришган катта ютуғимиз бўлди. Собиқ СССРнинг инқироzi, қабиҳ жамятининг чириши, «қи-

зил» империянинг ҳалокати муқаддас озодликни рўёбга чиқарди.

Мустақиллигимиз рост бўлсин! Оллоҳ жафокаш ўзбек ўлкасига озодликни барқарор қилсин!

Мустақилликка, эркинлик ва озодликка эришиш ҳеч қачон осон бўлган эмас. Ўтган бир йиллик давр озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва оғир бўлишини кўрсатди. Мустақилликка эришган қисқа вақт мобайнида ким бизга дўсту, ким душман, ким яхшилик, тинчлик тилайдикю кимнинг қўйнида тоши борлигини тобора аниқ билиб олмоқдамиз. Дунёнинг бизга хайрихоҳ бўлган 105 давлати Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олди. Ўнлаб давлатлар дипломатик алоқалар ўрнатди. Туркия, Саудия Арабистони, Америка, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатлар билан кенг қўламда иқтисодий, маданий алоқалар йўлга қўйилди. Кўп соҳаларни қамраб олган битимлар имзоланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 46 сессияси илк мажлисида яқдил овоз билан Ўзбекистонни БМТга қабул қилди. Инсониятнинг жаҳоншумул муаммоларини халқиладиган энг нуфузли халқаро ташкилот биноси олдида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпирай бошлади.

Ўзбек халқининг шаъни ва қадр-қиммати-

ни таъминлайдиган мустақиллик энди бизга бегона бўлмасин! Жумҳуриятимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида жабр тортган боболаримиз руҳи бизга мададкор бўлсин!

Сиёсий-инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланган мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги порлоқдир. Юртимизда Ўзбекистон халқларининг фаровон яшаши учун, етук мамлакатлар сафидан ўрин олиши, умуминсоний тараққиёт йўлига тушиши учун дастлабки ишлар қилинди. Зеро, жумҳуриятимиз, эл-юртимиз бой, жуда катта имкониятларга эга. Энди эркин ва барқарор, тўқин ҳаётни тиклашимиз учун жиپслашимиз, юртининг асл фидойиси бўлишимиз лозим. Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан маънавий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги, ислон маданиятига қайтилаётганлиги халқимизни бениҳоя шод қилмоқда.

Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгашининг 1 сентябрни байрам ҳамда дам олиш куни — Ўзбекистон Жумҳуриятининг Мустақиллик куни деб эълон қилиш тўғрисидаги Қарори халқимизнинг асрий орузи амалга ошганлигининг аниқ исботидир.

Ватанимиз, миллатимиз, халқимиз учун, 1 — сентябр улуг тарихий кундир.

Бу улуг байрам абадул-абад барқарор бўлсин!

Мухбир: Абдуолим ака, мана, сиз қатор йиллардан буюн Сурхондарё вилоятидаги йирик шаҳарлардан бири ҳисобланган Денов шаҳар ижроқўмида масъул лавозимларда ишлаб келаяпсиз. Айтинг-чи, сиз ишлаган даврда шаҳарда қандай ўзгаришлар юз берди?

Абдуолим Бўриев: Бевосита Денов шаҳри хусусида тўхталадиган бўлсам, бу шаҳар турлитуман халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари билан вилоятимиздаги йирик саноат шаҳри ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда 100 дан ортиқ завод-фабрикалар ва маданий-маиший муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, пахта тозалаш, ўсимлик ёғи заводи ва салқин ичимликлар заводи ҳамда пахтани қайта ишлаш фабрикаси, нон комбинати шаҳримиз саноатининг асосий тармоқларидир. Ҳозирги кунда шаҳарда 54 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг яхши яшашлари ва ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар ярати беришга ҳаракат қилаяйми. Жумладан, 158 та шаҳар кўчасининг бешдан тўрт қисмига қувурлар орқали сув олиб келинган, 26 қақирим узунликдаги канализация шохобчалари ишлаб турибди. Хонадонларнинг ярмидан кўпроғи газ билан таъминланган.


Мухбир: Узоқ йиллар давом этиб келган уй-жой муаммосини ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон жумҳурияти Президенти Ислон Каримов «Жумҳурият фуқароларини уй-жой ва шахсий томорқа хўжаликлари билан таъминлаш» ҳақида фармон чиқарди. Шу қарор асосида шаҳарда қандай тадбирлар амалга оширилётми?

А. Бўриев: Фуқароларга шахсий томорқалар учун ер берилиши халқимизга нисбатан қилинган савоб ишлардан биридир. Президентимиз фармонида амалда бажариш учун шаҳримизда бир қатор ижобий ишлар қилинмоқда. Чунончи, шаҳар ижроқўми томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида 57 гектар ер ажратилиб, 902 кишига шахсий томорқа учун ер берилди.

Бундан ташқари, сўнгги йилларда ҳаммаси бўлиб 1 минг 454 оиллага мўлжалланган уйлар қурилды. Шахсий томорқаларни биринчи навбатда уй-жой учун узоқ вақт навбатда турганларга, давлатимиз томонидан турли хилдаги имтиёزلарга эга бўлганларга, кўп болали оилаларга ҳамда бошпанга мухтож ўқитувчиларга беришга қарор қилиди. Жумладан, уй-жойга мухтож маориф ходимларидан 42 таси шахсий томорқалар билан таъминланди. Бундан ташқари турли жамоа ва давлат хўжалиklarининг ерларидан яшаш шартини оғир бўлган 1000 дан зиёд шаҳарлик фуқароларга томорқа учун ер ажратиб берилди.

Бошпанга мухтож оилаларга ер берди. Бу яхши албатта. Лекин фуқароларнинг уй-жой қуришлари учун зарур бўлган қуриш материаллари топишда

анчагина қийинчилик сезилиб қолди. Негак, ҳозирги кунгача барча қурилиш жиҳозлари (ёғоч-тахта, шифер ва ҳоказолар) бизга Россиядан келтирилар эди. Бугунга келиб эса россияликлар бизга зарур бўлган қурилиш жиҳозларини етказиб беришмаяпти. Жумладан, уларнинг нархи ҳам бир неча ўн баробар ошиб кетди. Бу ҳам иморат тиклаётган фуқароларга маълум қийинчиликлар туғдирмоқда.



лекин бирон-бир ижобий натижа бўлмади.

Нихоят, 1990 йилда бухоролик ажойиб уста ва меъмор Исмаи ака Маҳсумов мадрасани таъмирлаш ишларига қўл урди. Шаҳримиз аҳолиси ўртасида эса уни таъмирлаш учун алоҳида маркааз ҳам тузилди. Турли корхона ва ташкилот раҳбарлари ва фуқаролардан йирилган 350 минг сўмдан зиёд пул шу маркаазнинг жамғарма ҳисобига ўтказилди.

Денов шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари **Абдуолим БҮРИЕВ** билан суҳбат

ЯХШИ

ЯШАШГА

КАФОЛАТ

Мухбир: Шаҳар марказига жойлашган ва унинг хуснига ҳусн кўшиб турган мадраса менинг диққатимни ўзига тортди. Илтимос, шу мадраса хусусида бир оз тўхталсангиз.

А. Бўриев: Ўзининг кўркамлиги ва жозибadorлиги билан шаҳримиз меҳмонларининг диққатини тортган бу бино XVI асрда қурилган Саид Оталиқ мадрасасидир. Бу муқаддас мадраса тарихий ёдгорликлар китобида, кейинчалик «Меъмор» романида ҳам алоҳида эътибор билан тилга олиб ўтилган. У вилоятимизда ягона бўлган диний билим маскани ҳисобланади. Аммо бу ажодларимиздан қолган тарихий ёдгорликка жумҳуриятимизнинг айрим давлат раҳбарлари томонидан «эскилик саркити» деб қаралиши унинг ташландиқ ҳолда қаровисиз қолишига сабаб бўлди. Мадраса биносидан ҳар хил — автомашиналар сақлайдиган гараж, сўнгра расомлар устахонаси каби мақсадларда фойдаланилди. Натижада, нафақат ташқи қиёфаси, балки ички қисмлари ҳам емирилди. Охириги ўн йил ичида эса уни таъмирлаш учун кўпгина уринишлар бўлди,

Шу ўринда аччиқ бир ҳақиқатни айтиб ўтишим керакки, у ҳам бўлса мадраса биносини шундай аянчли қолга тушишида тоталитаризм «булоғи»дан сув ичган аввалиги маҳаллий раҳбарларнинг ҳам айблари йўқ эмас. Чунки уларнинг айблари билан мадраса шу кўйга тушди.

Ҳозирги кунда эса мадрасанинг икки қавати ҳам тўлиқ таъмирланиб, диний маросимлар ўтказиладиган гавжум жойга айлантирилди. Чунончи, Ислон динига эътиқод қилган, эски ўзбек ёзувини ва араб тилини ўрганишга иштиёқманд талабалар ҳозирда бу даргоҳда сабоқ олмақдалар. Бир сўз билан айтганда, Саид Оталиқ мадрасаси шаҳримиз кўрки ҳисобланади.

Шаҳримиздаги тарихий ёдгорликлардан яна бири — ажодларимиз томонидан бир неча юз йиллар олдин паҳса деворлардан қурилган Каттакўрғондир. У ҳам ўзининг осмонўпарлиги ва жозибadorлиги билан ажралиб туради. Биз бундай тарихий ёдгорликларни асраб-авайлашимиз зарур. Чунки булар ўтмиш ҳаётимиздан садо бериб туради. Уларга бўлган ҳурмат муқаддас динимизга ва маданиятимизга бўлган эҳтиром-

дир. Қолаверса, уларнинг қадрига етиш ҳар бир имон-этиқодли кишининг муқаддас бурчидир. Бу нарсани кўпчилик ҳамшаҳарларимиз аллақачон тушуниб етганлар.

Мухбир: Ҳозирги кунда шаҳарда ўз ечимини кутаётган муаммолар ва келгусида қилинажак ишлар ҳақида тўхталсангиз.

А. Бўриев: Бугунги кунда шаҳримизда юзгага келган муаммо, яъни қурилиш жиҳозларининг етишмаслиги хусусида юқоридаги фикримда ҳам тўхталиб ўтган эдим. Маълумки, шаҳар иссиқ иқлимли ҳудудда жойлашган. Саратон куёсининг тафтини қайтаришда эса дарактлар муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда шаҳримизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш зарур. Бу эса ҳар жиҳатдан шаҳар кўрига кўрк қўшади. Чунки шаҳримиз тўзаллигини унинг равон кўчалари, ёдгорликлари, бог-роғлари, дарёлари, фавворалари ва спорт майдонларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу хусусда бир қанча ишлар қилинди. Жумладан, шаҳримизни янада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мақсадида 1991—1995 йилларга мўлжалланган бош режаси тузилди. Мазкур режа асосида ҳозирги кунгача шаҳар коммунал хўжалиги ходимлари 160,8 минг сўмлик ҳар хил ободонлаштириш ишларини бажарди. Жумладан, 1992 йилда 80 мингга яқин мевали ва манзарали даракт кўчатлари экилди. Аҳоли ўртасида ҳар ойнинг охириги шанба кунини ободонлаштириш кунини, охириги сешанба кунини эса табиатни муҳофаза қилиш кунини деб эълон қилинди. Қисқаси, шаҳримизнинг обод ва кўркам бўлиши учун атроф муҳитимизни мусоффо қилишимиз, еримизни тозалашимиз ва кўкаламзорлаштиришимиз зарур. Шундангина аҳолининг саломатлиги яхшиланади, булоқларимиз тоза, тупроғимиз захарли кимёвий моддалардан холи, ҳавомиз эса мусоффо бўлади.

Энди келгуси режаларимиз хусусида тўхталадиган бўлсам, замонавий кутубхона, 700 ўринли маданият саройи, 140 ўринли болалар богчаси, 844 ўринли иккита мактаб, «Бахт уйи», спорт комплекси ва қатор кўп қаватли уй-жойларни қуриш ишлари бошлаб юборилган. Яна аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, йилга 10 минг тонна совун ишлаб чиқарадиган корхона ва бир йилда 3 минг тонна маҳсулот тайёрлайдиган қандолат фабрикасини қуриш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу корхоналарни шу йил охиригача ишга туширишга ҳаракат қиламиз. Яна 40 хонадонга мўлжалланган 4 та кўп қаватли иморат, 10 минг аҳолини алоҳида телефон билан таъминлаш учун телефон станциясини ҳамда уч қаватли меҳмонхонани қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ҳамшаҳарларимизнинг яхши, маданий яшашлари учундир.

Мухбир: Мазмуни суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош
Тўрамурад РАҲМОНОВ

Мурод қасри

Достон

Йўқ экан-да, бор экан, ҳақнинг йўли тор экан, боз устига қор экан, кўкка боқсанг дор экан, ерга боқсанг ор экан. Биров ўтга, биров сувга, биров бир бурда нонга, биров бир қатра меҳрга зор экан. Дарёю тоғи билан офтоб, юзида доғи билан ой, дарду ғамлари билан фалак чархи тинимсиз айланар, кўҳна тарих занжирига ҳар кунни бир ҳалқа бойланар экан.

Қуяларнинг бирида борлиқни қуюқ туман, кўнгилларни гумон қоплабди. Замин Осмонни, инсон инсонни кўрмас, ҳеч ким ҳолинг не деб сўрмас эмиш. Туманли кун келганда мўл келибди, бу ҳол кўпларга қўл келибди. Биров билиб, биров билмай кунини ўтказар, қоронғу аралаш бир-бирига бол деб оғу тутқазар, орадан оқибатни кетказар инсонлар ҳам кўп экан. Одам кўнган қоронғу кунларга Само билан Ер кўнмабди. Бир-бирига манғу ташна икки азобли кунларга қолибди. Заминнинг бағри тўла ғам, Осмоннинг кўкси тўла алам эди. Зеро, интилишлар ҳамиша қўшиқ билан қоришиқ бўлар экан:

ОСМОН:

*Диллар хира, йўлларимиз туман аро қолибдир,
Еруғ ун беш қачон ўтди, ун беш қаро қолибдир.*

ЗАМИН:

*Хира фақат дилинғимдир, хира фақат дилимми,
Бир хиралик аро букун ўзи дунё қолибдир.*

ОСМОН:

*Бу не тақдир, меҳробимиз остонага айланмиш,
Манглайимиз қўйган эдик, ўрни яро қолибдир.*

ЗАМИН:

*Юлдузларнинг чехраларин беркитмишдир бул туман,
Битта юлдуз юрагимда менинг аммо қолибдир.*

ОСМОН:

*Ўзгаларга хосиятсиз эрур балки бу зулмат,
Дунёнинг бор эркинлиги икки жонга қолибдир.*

ЗАМИН:

*Икки ошиқ жони асли битта жондир, Осмоним,
Битта жонга икки дунё дарди танҳо қолибдир.*

ОСМОН:

*Бекин, эй дил, адаш, эл дил, бу туманли чоғ аро,
Ки қўрқ, ҳоли ошқорингга туман даво қолибдир.*

ЗАМИН:

*Туманли тун қаро тортмиш яноғдаги ҳиндудан,
Ул ҳиндудан битта армон дилимда жо қолибдир.*

ОСМОН:

*Ҳунарини бошлабдим, яноғдаги ул қотил,
Отма, девдим, отган ўқи бир дилда бо қолибдир.*

ЗАМИН:

*Уша ўқни излаб кўксим, минг йилдирки, ёнамен,
Фош бўлмақни истабдик, ўққа шайдо қолибдир.*

Эй-й, Осмон, нега юзингни бекитиб олдинг? Ой юзингни кўрсат, юлдуз кўзларингни чарақлат, висолингдан бенасиб этма мени! Нега жимсан, не-г-а-а, не-г-а-а?!

Замин Осмон рухсориға боқолмай қийналибди. Унинг ҳар тўлғо-нишидан вулқонлар отилар, дарёю денгизлар кўкка қараб сапчир,

баланд-баланд иморатлар қулар, миноралар оғар, минг йиллик чинорларнинг япроқлари сочилиб, илдизлари очилиб кетар эди.

Етти қат қабрлар бузилибди, ғамлар тизилибди, руҳлар эзилибди. Ушбу тўфондан сесканиб, энг аввало Бибиҳоним (аёл қалби сезгир эмасми) ва унинг садоқатли канизақлари уйғонибдилар. Регистон майдони узра тизилишибди, бир-бирларига сузилишибди. Кўрсаларки, Ернинг белбоғи эшилган, Самонинг кўкси тешилган, яхшию ёмон кўшилган, бировлар ҳайрон, бировлар бийрон, тоза кўнгиллар вайрон эмиш. Осмону Заминни висол боғига, МУРОД ҚАСРИГА элтадиган бирор очик йўл, бирор мард, бирор ботир дил йўқ эмиш...

Бибиҳоним қаср тикламоққа эви бор, тадбиркор аёл эмасми, дарҳол канизақларига бир сўз деб турган экан:

*Бошингизга оқ рўмолни ёпинглар,
Бул фалакнинг тўрт буржисига чопинглар.
Тўрт фаслидан тўрт унсурни топинглар,
МУРОД ҚАСРИН тикламасак бўлмайд.*

*Туман тарқалмаса ёмон бўладир,
Рангу рўйлар заҳил, сомон бўладир,
Еру Осмон рақиб томон бўладир,
МУРОД ҚАСРИН тикламасак бўлмайд.*

*Меҳр истаб тиграмасин Еримиз,
Осмон йиғлаб қуримасин шўримиз,
Манғу очик қолмасин-а, гўримиз,
МУРОД ҚАСРИН тикламасак бўлмайд.*

Бибиҳоним тўрт канизагини йилнинг тўрт буржи йўлларига тўрт унсур (сув, олов, ҳаво, тупроқ)ни келтирмоққа йўллабди, оппоқ ойдин йўллар тилабди. Ўзи эса қурилажак қасрга жой танлаш ниятида Регистонни айланибди, кўҳна Самарқандни кезибди. Хаёллари тўрт томонга тўзибди, вайрон бўлаётган мадрасаларни кўриб, армонлари бағрини эзибди.

Шу тобда суюкли набираси Улуғбек Мирзо қурдирган расадхонани томоша қилгиси келиб қолибди. Воҳ-ҳей! Тўрт қабатли бинодан чалаярим вайроналар изи бор, расадхона хору зор, ҳар қалай устурлоб жойида экан. Канизақлари ушбу асбоб бирла сайёралар ҳаракатини кузатиша бошлабдилар.

Соҳибқирон Амир Темирни жангга йўллаб, то кўринмай қол-гунларича шу тепаликдан кузатиб турганлар, Улуғбекнинг ширин ва бурро тили, ёқимли қилиқлари эсига тушиб, кўнгли алланечук бўлиб турган Бибиҳонимни канизақлари сўроққа тутишибди:

— Биби! Нега тинмай чарх урайдир ер,
Бағри тилка-тилка, пешонаси шўр?

— Поёнсиз юксак бўлса ҳам осмон
Рўмолчининг гирди нега қизил қон?

— Манғулик ўт ичра ёнса ҳам қуёш,
Нега чархи каждан олиб кетмас бош?

— Гоҳо ёруғ чехра, гоҳо эгик ёй,
Нечун ҳар ўн бешда бир озади ой?

Бибиҳонимни канизақлари билан ўз она Самарқандига қўяйлик-да, тўрт унсурни излаб кетган тўрт канизақ изидан борайлик, ҳол-аҳволини сўрайлик.

БУРЖИ ОБИИ — БАҲОР ФАСЛИ ЕКИ СУВНИНГ ТОПТАЛГАНИ ҲАҚИДА

Бибиҳонимнинг тилли-жағли, кўркли-боғли, бир гапириб, ўн куладиган, яхши-ёмоннинг фарқини биладиган, кеккайганга осмондан, энкайганга ердан келадиган Қасида номли канизағи фалакнинг сувли-ёмғирли фаслига сув келтириш учун йўл олибди. Зеро, Мурод Қасрини тикламоқ, лойини қормоқ учун сув зарур экан. Агар сув тоза бўлмаса, деворлар шўрлар, оқариб тўрлар, вайроналик чор атрофга ўрлар экан.

Қасида киз Орол энадан тоза сув тилашга аҳд қилибди. Унинг ҳимматидан умидвор бўлиб, дили орзуларга тўлиб, йўлдан йўлга ўтибди, элдан элга етибди, дилдан дилга кетибди ва ниҳоят буржи обийга етибди. Вир замонлар бувиси Бибиҳоним ва қирқин қизлар билан келганларида, Орол энанинг кўзлари тиник, кўзлари ёниқ, сўзлари тўлиқ, бағри бўлиқ гўзал жувон бўлгич эди. Чеккаларида кулгич эди. Қадамида гул очиларди, оғзидан дур сочиларди.

Уни ҳамма кўргиси, аҳволини сўргиси, ёнида тургиси, биргалишиб юргиси келарди. Бири бирдан ширин ва шўх ўғиллари бағрида тўлқин уриб ўйнардди...

Хазир Қасида рўпарасида юзи буришган, пешонаси тиришган, сочлари тўкилган, қадди букилган, кўнгли эзилган ва бузилган кампирни кўриб юзларига ишонмабди. Момони сўзга танибди, кўкисида бир ўт ёнибди:

*Мен кўрганда кўзларингиз чўғ эди,
Пешонада тузларингиз йўқ эди.
Кўнглингиз ҳам кемтик эмас, тўқ эди.
Орол эна, айтинг, Сизга не бўлди?*

*Ўтган кимса бир қайрилиб боқарди,
Чаккангизга баҳор гуллар тақарди.
Қилигингиз дала-тузга ёқарди,
Орол эна, айтинг, Сизга не бўлди?*

*Саҳроларни чаманларга боғлаган,
Ташналарнинг димоғини чоғлаган,
Қай зот бўлди кўксингизни доғлаган,
Орол эна, айтинг, Сизга не бўлди?*

— Ай-й, қизим, дафтаримни варақлаб нетасан, сўрайсан-да, кетасан, ёнар дунёмга ўчоғимни титма, деб Орол эна ушбуни айтиб турган жойи экан:

*Эслайсанми, етти ўғлим бор эди,
Тўнғичим оқ эди, исми Қор эди.
Шўхлигизга қирроқларим тор эди.
Кўрганмидинг, етти ўғлим бор эди?*

*Дўлворгина ўғлим номи Дўл эди,
Парвонаси райҳон эди, гул эди.
Хотами Той, саховати мўл эди,
Эсингдами, етти ўғлим бор эди?*

*Оқар эдим қўшиқ айтса Сел болам,
Юксақлардан келар эди дил болам.
Ҳар чаманга, ҳар гулшанга эл болам,
Эсингдами, етти ўғлим бор эди?*

*Ўғлим ёмғир қандай ширин куларди,
Чопиб қолса жон-жаҳоним тўларди,
Муз боламга тегажаклик қиларди,
Билармидинг, етти шўхим бор эди?*

*Буг боламнинг манглайдан ўпардим,
Шўр ўғлимнинг кўнглин кулиб топардим.
Шулар билан иззатимни топардим,
Кўрганмидинг, етти мардим бор эди?*

Ув, қизим-а, бу одамзод деганининг хизматини ўзим ҳам, етти кўрар кўзим ҳам йўқ демай қилардик. Қаерда чорласа, ўша жойни меҳрор деб билардик. Ҳар чўпини ниҳол этдик, ҳар уругини меваю гулга айлантдик, баҳорига гуллар тутдик, хизматига тўққиз думалаб чопдик, очик жойи бўлса, майсалар билан ёпдик. Вари бир одамнинг кўзини тўйдиролмадик. Улар етти асов тойларини нўхталаб олишди, не-не кўйларга солишди. Асрий чўлларга етаклаб гулга айлантди, дейишди. Оқмас кўлларга, қинғир йўлларга бошлашди. Тарҳи тоза ўғилларимнинг ошига захар қўшиб хандақларга ташлашди. Эҳ-ҳе, оқкўнгил жигарбандларим қўли билан не-не ифлосликларни ювишмади...

Бу ноҳақликларни, зулму хиёнат кўтаролмай болаларим тилдан қолишди. Тилсиз ёвга айланишди. Сел болам бешикларни оқизди, уйларни бузди, Дўл болам ўзи кўкартирган ниҳолу майсаларнинг бошини олди. Муз ўғлим инсон юрагига чанг солди. Қор ўғлим нажот истаб осмонга қочди. Буг болам меҳр истаб куёшга кетди. Шўр болам бўм-бўш бағрини қучди, Емғирим булутдан-булутга учди.

Болаларимнинг қалби ўчга тўлди, инсофу мурувват ўлди, ёлғиз қолиб бўларим бўлди.

Етти суянчининг доғида қолган она қандай яшасин, қандай кулсин? Хору зорлигимни билди. Эгамнинг раҳми келди, етти ўғлим етти йўлга кетгач, менга биргина қиз берди...

Шу пайт суҳбат устига ранглари сариккина, нимжону ориқкина бир қиз йиғлаб-ҳўнграб кирибди. Қасидага ҳам йиғи аралаш салом берибди. Орол энанинг кўкси тарам-тарам сўкилиб, кўзидан чўнг ёшлари тўкилиб, қизи Томчибонудан сўрабди:

— Сенга нима бўлди, эркатойим, танҳо оймим, тезроқ айтақол! Томчибону сўзлабди. Кўшнлари бўлмиш қуриган Ариқ кампир, пешонаси ёриқ кампир кўшни қизларнинг барини меҳмонга чақирибди. Қизлар келишгач, акаси бор қизлар тўрға ўтирсин, акаси йўқ қизлар кулга ўтирсин, дебди. Акалик-акалик қизлар тўрға ўтиришибди, ҳеч кими йўқ учун Томчибону мунгайибгина кулга ўтирибди. Увидан ўтганини ўзи билибди, манглайининг доғини кўзи билибди. Шу пайт шум кампир қизалоққа қараб:

— Сенинг бир эмас, етти аканг бор, тўрға ўт, қизим. Улар сен туғилмай туриб уйларингдан чиқиб кетишган,—дебди.

Бу сўзни эшитган Томчибону этагининг кулини қоқиб шахт ўрнидан туриб, онасининг ёнига югуриб келган экан, онасига таъналар билан ушбу сўзни деган экан:

*Оқтовларда йилгизга қормиди,
Гулпушталар чақнаб сувга зормиди,
Қиз туққанинг уятмиди, ормиди,
Ўғилларинг лочинмиди, зормиди,
Ростини айт, акаларим бормиди?*


*Акаликлар тўрға чиқиб йўлтирди,
Оғзи қийшиқ сўйладию кулдирди,
Яксақлим кўкайимни тилдирди,
Бул дунёда ёлғиз қизлар хормиди,
Мен шўрликнинг акаларим бормиди?*

*Кўринг, акасизнинг кўзда ёшини,
Таловчилар кўп бўларкан ошини,
«Силовчилар» кўп бўларкан бошини,
Орқа тоғи йўққа дунё тормиди,
Она, менинг акаларим бормиди?*

*Очкўз девлар сўрайдилар қўлимни,
Ялмоғизлар пойлаб ётар йўлимни,
Тушунмайди имонсизлар тилимни,
Яйраб жойим дарёемиди, гормиди,
Онажоним, акаларим бормиди?!*

— Акаларинг борлигини айтсам, излаб йўлга тушишингдан кўрқардим...

— Менинг бир эмас, етти акам бор экан, нега етти қат ер остига кўнглимни чўктириб юборибман? Уларни топмасдан қайтмайман,— дея Томчи қиз ортига бурилмай йўлга тушибди. Орол энанинг яна кўкси гамга, кўзи намга, оёғи дойга ботиб, оғзи куриб, шўрға кириб, энг сўнгги томчисидан ҳам айрилиб, умидлари қайрилиб қолаверибди... Бир қултум сувга зор бўлиб инграбди:



*Ёлғизлик шамлари ёқди танимни,
Ёриб кетолмадим йироқларга бош.
Ёриб чиқолдим у замин бағрини,
Аммо, оёғимдан тутиб қолди тош.*

Ҳабиб АБДИЕВ

Тандан кетди дармомим-а, болам-ов,
Юрак тўла армомим-а, болам-ов,
Аҳволимдан хабар олинг, мардларим,
Гумон қайтиб кўрмогим-а, болам-ов.

Кучим борда ҳар кунларга ярадим,
Сувларимни минг эгзатга тарадим.
Вугунликда тинкам қуриб борадир,
Болаларим, бир қатра сув сўрадим!

Давлатимда бир-бириндан ўзганлар,
Ёруғ-ёруғ юлдузини узганлар,
Кемаларда чайқалишиб сўзганлар,
Бир қултум сув келтиринглар, тойларим!

Минмогимга ёғоч отим шайланди,
Ётмиш икки томирим ҳам бойланди,
Бир коса сув келтиринглар, алларим,
Қуриётган кўксимда тош айланди...

Орол эна ҳолсизланиб бошини ерга қўйибди, дили куйгандан куйибди. Қасида чархи кажрафторнинг бир бурчида оби ҳаёт хор бўлганини, Орол энанинг ўзи биргина томчиға зор бўлганини батафсил айтиб бериш учун Регистонга қараб чопибди!

БУРЖИ НОРИЙ — ЕЗ ФАСЛИ ЕКИ ОЛОВНИНГ ТОПТАЛГАНИ ҲАҚИДА

Кунқиз кундай қулиб, ойдаи тўлиб, йўлни гоҳ билиб, гоҳ билмай, оташпарастрлар буржига йўл олибди. У олов олиб келиши керак экан. Бошини офтоб, оёгини ер қуйдириб, саратон жонидан тўйдириб кетаверибди. Йўлнинг учдан бирини ўтганда, тоғлар билан ўралган юртга етганда қуриган чашмани, қулиб ётган баликларни, кўкнида бир ҳовуч кул тўзғиб ётган ғалати одамларни кўрибди. Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампир тандир бошида, юзми, мингми ёшида, Нуротанинг йўлида, дўмбираси қўлида шундай деб турган экан:

Буванг қани, қомати тик, эл сўраган,
Отанг қани, белбогини қўш ўраган,
Аканг қани, Алпомишдан тўраган,
Воҳ, элининг йиғити йўқ синглим-а!

Момонг қани, пешонангни силаган,
Онанинг қани, иқболингни тилаган,
Отанг қани, синигини улаган,
Воҳ, элининг аёли йўқ синглим-а!

Жуман бобонг булбулдан тор сўраган,
Машираб бобонг номус деб дор сўраган,
Аёл эмас, давлатмас, ор сўраган,
Воҳ, элининг улуғи йўқ синглим-а!

Юзи қора ўз элиндан чиқдими,
«Тақдир» деган сўз элиндан чиқдими,
Нонқўр еган туз элиндан чиқдими,
Воҳ, элининг тириги йўқ синглим-а!

Кунқиз нега Тилла кампир бунча қилаяпти, деб ён-верига боқса, хув пастликдаги дарада бир қизча дод деб ўзини ҳар тарафга урар, бутун вужуди олов ичида ёнар, бирор киши қутқарай демас эмиш. Йўлдан ўтиб қолган эркаклар ҳам қизча тарафга қарамай ўтарканлар.

Кунқиз воқеани Тилла кампирдан сўраб билиб олибди. Вазифаси элни ёвдан, ноҳақликдан ҳимоя қилиши лозим бўлган Қора посбон қўшнисининг ўн уч ёшли қизчаси номусини ўғирлаган экан. Ўғри-бошию катталардан ҳақиқат топмаган, бор-йўқ бойлиги — номуси топталган қизча нажотни оловдан топмоқчи бўлиб, ўзига ўт қўйган экан.

Кизчани ҳимоя қилгич бирор эркак борми-йўқми, билмадим-ов, лекин ёшлиғида Тилла кампирнинг сувини ташиган, офтобруёга чикса бошини қашинган, эран-қаран унинг ўланларини эшитиб юрган, ҳозир ўттиз икки тишидан айрилган, ияги осмонга қайрилган, оқ дей деса, сочи йўқ бир кампир бор экан. Ул дарчасидан чиқиб, кўнгидагини тўкиб, юзикара посбонни қарғаб, бир сўз деб турган экан:

Қизчанг билан ўйнаб турган қизчани,
Кўнглинг бўлди маржонини узгани,
Қўлинг борди ўйинини бузгани,
Худо урсин, сендай феъли ўзгани.

Кўз ўнгингда кулаётган ой эди,
Ёши ўн беш бўлаётган ой эди,
Орзулари кулаётган ой эди,
Ойни узмай кекирдагинг узилсин!

Баланд тоғдан оқиб тушган сой эди,
Тўлқинлари арқоқ зиган сой эди,
Қишлоғингга чирой қўшган сой эди,
Сойни буздинг, нес бўл, танинг бузилсин!

Тўй қилсанг, одамлар аза деб келсин,
Мотам тутсанг, дўстинг маза деб келсин,
Мулжингмас, ақлингдан оза, деб келсин,
Эрта айрил, етолма ҳеч ақлингга!

Душманларинг жондай жўрангдан чиқсин,
Бўри тўйиб сенинг қўрангдан чиқсин,
Йўқолган мол чуқур ўрангдан чиқсин,
Ўлгунингча қўшилолма халқингга!

Ҳой, юртингга иснод келтирмай ўл, кучинг етса ўзингни кў-кайингни тил, дея юзи қоранинг паҳсасига ҳассасини дўқ ётказиб урди, боши айланиб бир муддат турди. Ор-номус ҳимояси момоларга қолганини кўриб, куёш қизара-қизара тоғлар ортига ўтиб кетди... Кунқиз йўл давомида отилиб ётган олов вулқонига кўзи тушибди. Вулқон ҳар тарафда қирқ чақирим йўлни ёки ётар, унинг учкунлари сачраган жойда уруш, ур-йиқит бошланармиш.

Кунқиз кўрган-кечирганларидан лолу хайрон, бағри қон бўлиб, тўрт тарафи олов олиб ётгани бу жазирада кимга аҳволини айтишини билмай қолибди. Шу пайт кўзи култепада ўтирган, қошу кипригини йитирган, бадбуруш кампирга дуч келибди. Унинг ёнига яқинлашишдан чўчиб, бир сўз айтиб турган экан:

Кулишлари гулдан бўлган моможон,
Тепалиги қулдан бўлган моможон,
Тўқсон қуллик йўлдан толиб келаман,
Бу сирларга хайрон қолиб келаман.

Қасри Мурод учун олов излайман,
Тиклайлик деб чора, қалов излайман,
Жоним момом, бунча олов, кул қайдин,
Кетиб олай, кетмогимга йўл қайдин?

Кампир Кунқизнинг «жоним момо»сидан кўнгли ийиб, зору нола-ларини бир муддатга қўйиб, қизга айтибди:

Келавер, тарзингдан айлансин момонг,
Айтавер, арзингдан айлансин момонг,
Олов йўлин суйган момонг бўламан,
Шўхлигидан қўйган момонг бўламан.

Куйган момо дерлар менинг отимни,
Асл мўғуллар билар менинг зотимни,
Саратонга содиқ сингли бўламан,
Аламлардан қуйган кўнгли бўламан.

Қизим, яқинроқ келавер, менинг қиёфамдан кўрқма, юзим қора бўлса ҳам кўнглим оқ, ҳеч қимга ёмонлигим йўқ. Бир тола мўйим бўлмаса ҳам меҳру шафқатим бор... Кунқиз Куйган момонинг ёнига келиб, таъзим қилибди, салом берибди. Ер юзининг жаннати бўлмиш улуғ юрт Самарқанддан келаётганини, Бибиҳоним йўллаганини, Замин ва Осмон туфайли бир-бирларига етиша олмай азоб чекишадганини, уларнинг ғам-ғуссалари туфайли зилзила, тўфон, бўрон уйғониб, тирик жонзотлар ҳалокат ёқасига келиб қолганини айтибди. Бу юртларга олов сўраб келдим, моможон, дебди.

— Болам, ўт сўрама, кул сўра мандан,
Гулшан бог сўрама, чўл сўра мандан,
Бекларни сўрама, кул сўра мандан,
Ҳасратли уммону кўл сўра мандан,—

деганча, Куйган момо дил дафтарини очибди... Агар билсанг, меҳри улуғ куёш ўз бағридан бир парча оташни юлиб одамзодга ҳада ётаркан, унинг бахтини тилаган, нурли эртасини ўйлаган эди. (Бу оташ парча юлиб олинган жойдан ҳали-ҳамон саҳар ва шом куёш бағри қонаб туради). Одамзод ҳам оловни беш минг йил табаррук билиб сиғинди, исинди. Олов ўчоққа кирса, қорни тўйди, кучоққа кирса, бағри тўлди, кўзга ўтса сеҳр, дилга ўтса меҳр бўлди... Кун келиб одам оловнинг хизматларини унутди, кўнгилини ҳасадга берди, ўзини ўтга-чўққа урди. Оташни эса кўнгиладан, кўздан, меҳробдан ҳайдадилар. Чимилдикдан олов, оловдан келин-куёвни айлантирмай қўйишди.

Меҳр бериб, меҳр кўрмаган оташ нафратга айланди. Воғу роғларни, уй-жойларни кул қилди, вулқон бўлиб отилди, кўз ёшларга қотилди. Инсон бари бир ҳаддини билмади. Ғазабга минган олов унинг иймонини, гурурини куйдирди. Мен ўтирган култепа иймони куйганларнинг дилидир. Сен йўлда кўрган Қора ўғрининг ҳам иймони куйган, унга қарши бирор сўз айта олмаган эркакларнинг гурури куйган. Улар бир-бирининг молидан, ҳақидан ҳазар қилмайди. Олов топталган юртинг нимасидан олов тилайсан, қизим!

Кунқиз куйиб-ёниб, Куйган момо билан хайрлашибди. Бибиҳоним ҳузурига бир ҳовуч кул билан кириб келибди...

Самарқанд

ИСЁНКОР ШОИР

Бобораҳим Машраб XVII—XVIII асрда яшаб ижод этган ўзбек классик адабиётининг йирик намояндаси, таниқли исёнкор шоир ва мутафаккирдир. У яшаган давр Мовароуннахрда иқтисодий-сиёсий ва маданий соҳада феодализмнинг чуқурлашуви, халқ ҳаётида бирмунча тушқунлик рўй берган вазиятга тўғри келади. Бек ва хонларнинг ички ўзаро урушлари халқ ҳаётининг ёмонлашуви, муҳтожлик, жабр-зулмнинг кучайишини авж олдириди. Тенгсизлик, жамиятдаги разолат, адолатсизликлар кенг томир ёйган давр, табиийки, омманнинг синфий норозиликка сабаб бўлади. Бу ҳолат халқ орасида тушқун кайфият, умидсизлик келтириб чиқаради. Бундай ҳолат баъзан таркидунёчилик, дунёдан этак силкиб, унинг лаззат ва фароғатларидан воз кечиб яшашга мажбур этади. Бобораҳим Машраб ижоди ва унинг қарашларида шу феодализм жамиятининг анчайин мураккаб ва шиддатли кўриниши ўз аксини топи.

Афсуски, Бобораҳим Машраб ижоди, узоқ вақт ўрганилмади, ҳатто унга таъна тошлари отилди. Адабий меросга юзак қаралиши оқибатида гўёки Машраб динни ва унинг ақидаларини обқ ости қилувчи сифатида қораланди, дин пешволарининг ва тарғибчиларнинг ашаддий душмани деб саналди. Минг шукрларким, нихоят, «Шоҳ Машраб киссаси» ўтган йили китобхонлар қўлига етиб келди.

Олтмишинчи йилларнинг бошида бир гуруҳ ўзбек олимлари Машраб ижодига қўл уриб, унинг узоқ йиллар сочилиб-йўқолган шеърларини тўплаб, китоб ҳолига келтириш учун анча меҳнат килдилар. Адабиётшунос олим А. Абдуғафуров ўзбек тилида илк марта 1963 йили унинг кичик ҳажмдаги шеърий девонини тузди ва ўзбек китобхонларини Машраб ижодидан баҳраманд этди. Кейинчалик А. Абдуғафуров Машрабнинг янги топишган шеърларини тўплаб, китобни бирмунча тўлдириб, 1971 йили янги нашрини тайёрлади. Бу иккинчи журъатли уриниш эди. Яна бир адабиётшунос олим В. Раҳмонов эса тадқиқот ишлари олиб бориб, изланишлардан сўнг Машрабнинг учинчи марта шеърий девонини 1980 йил китобхонлар ҳукмига ҳавола этди.

Хатирчилик машрабшунос олим, ўрта мактаб адабиёт фани ўқитувчиси Ж. Юсупов Машраб ижодини мукаммал ўрганиб чиқди. Нихоят, 1990 йили «Меҳрибоним, қайдасан» деб номланган Машраб ижодиётидаги барча шеърларни ўз ичига олган каттагина тўпламни нашр эттирди. Бу нашр Машраб ижодиётини ўрганишдаги энг катта уриниш ва салмоқли шеърий мажмуанинг юзага чиқишига сабаб бўлди.

Ж. Юсупов Машраб ижоди бўйича изланишни давом эттириб, уч асрдан буён рад этиб келинган «Мабдаи нур» (Нурнинг ибтидоси) ва «Кимё» (Боб) асарлари ҳам Бобораҳим Машраб ижодига мансуб эканлигини илмий равишда далиллар билан исботлаб берди ва унинг нусхасини топиб, ўзбекча шаклини нашрга тайёрлади. Бу асарлар ҳам яқин ойлар ичиде китобхонлар томонидан илиқ қутиб олиншига ишончимиз комил.

Тасаввуф (сўфизм) маслаги узоқ тарихда бир неча асарлар мобайнида адабиёт ва фалсафада жуда катта ўрин эгаллаган маслакдир. Бу маслакнинг илдизи ҳатто ислом дини майдонга келмаган даврдан бошланади. Кейинчалик ислом дини шарқ мамлакатларига тарқалгач, у янада ривожланади, маълум тартиб шаклини олиб, бир қанча шохобчаларга эга бўлган фалсафий оқимга айланади.

Бу таълимот илк марта шарқда машҳур бўлган Афлотун (Платон), Арасту (Аристотель) фалсафаси ва дунёқарашига кенг шаклланган эди. Зеро, Арасту фалсафаси унинг устози бўлган Торфирий таълимоти — тасаввури билан суғорилган эди.

Теннисти (IV аср) тасаввуфнинг моҳияти Худого интилиш эса-да, худо билан бирлашиш заруриятини ташвиқ этади. Бу таълимоти соф маънода худони дилга жо қилиб, у билан (худо билан) бирлашиб инсониятга таваккур гоёсини ташвиқ этиш деса бўлади. Бу таълимот VII—XI асрларда фанга бир қатор илгор, ўз гоёси, мафқураси билан инсоният йўлига чароғбон бўлган машҳур мутасаввуфларни майдонга чиқарди. Булар ўз даврида халқ дарди ва интилишларини ифода этувчи асарлари билан юзага чиқар ва машҳур бўлиб халқни ҳур фикрга ундар, аммо халқ оммасининг аввалги қарашларга эътиқоди устунлиги туфайли кучли ҳоким табақа тазйиқи ва гоёси қурбони бўлиб кетар эдилар.

Тарихда ўз гоёсининг қурбони бўлган шарқнинг илгор эрксевар алломалари — тасаввуф маслаги вакиллари Робия, Иброҳим ибни Адҳам, Фаридуддин Аттор, Ҳасан



ал-Басрий, Ҳасан ал-Бастомий, Абдуғафим Куфий, Воязид Тайфур ал-Бастомий, Абубакир аш-Шиблий, Абумансур ал-Хусайн ал-Ҳаллож, Саид Имомиддин Насимий ва Бобораҳим Машраб эдилар. Булар Худони инкор этмаганлари ҳолда, ўз гоёлари ва эътиқодлари билан ўзларини Худого етишган деб санаган авлиёсифат аллома эдилар. Айни ҳолда ўз гоёси учун «Аналҳақ» (мен худо) деганиликлари учун ҳукмрон синфнинг шахсиятини Аллоҳга тенглаштириш инсон учун шақоқлик деган тушунчаси туфайли (Худонинг барҳақлигини тан олсалар-да) улар дорга осиб ўлдирилганлар, терилари шиллинган, ўтда куйдирилганлар, кўзларига мил тортилиб, ваҳшийларча йўқ қилинган зотлар эдилар.

Тасаввуф, содда қилиб айтганда, бу дунё лаззатларидан, гўзалликларидан воз кечиб, узлатда гўшанишинлик билан машғул бўлиб ёки тарки дунё этиб, ҳузур-ҳаловатдан кечиб яшаш, диний ва дунёвий билимлар билан шуғулланиб, шу билан Худонинг васлига етишиб, унинг олдида ўз зуҳурини (тимсолини) кўришдан иборатдир. Бу таълимотнинг гоёси яратган Аллоҳга содиқлик ва у билан ҳамфирқлик деганидир. Тасаввуфда тўрт босқич — шарият, тариқат, маърифат ва фано мужассамдир. Биринчи босқич — шариятда: диний маросимларни ва шарият ақидаларини бажариш, Худого ибодат қилиш билан белгиланади. Тариқатда шайх ёки дарवेशга шогирд тушиб, ер юзидеги лаззатлардан воз кечиш, нафсини тийиш кўзда тутилади. Маърифат ва фанода ҳам борлиқ ва худо йўлида ҳақиқатни тан олиш гоёларини тарғиб қилиш бош вазифа ҳисобланади.

Бобораҳим Машрабда шу — юқоридаги ҳамма босқичлардан у ёки бу кўриниши мавжуд эди. Мутасаввуф Ҳазолий бадан муваққатий, руҳ, жон эса абадийдир, деб ҳисоблаган эди. Аҳмад Ясавий ва Сулаймон Ҳокимийлар таълимоти, Баҳовуддин Валогардон Накшбандий, Хожа Убайдулло Ахрори вали мафқурасидаги тасавуфни эса Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурлар ривожлантириб бойтидилар.

Хирот подшоҳи Малик Ҳусайн Накшбандийни ўз ҳузурига чорлаб, зиёфат бериб, хилма-хил таомга тақдир этганида, у подшога журъат билан, подшога дастурхонни подшонинг ўз кучи билан эмас, ҳақсизлик йўли билан тўлдирилган, деб ундан емайди.

Бобораҳим Машраб ҳам шарқ мамлакатларида кенг тарқалган тасавуф диний-фалсафий оқимининг йирик вакили эди. У тасавуф оқимининг намояндалари йўлидан борди. Моддий ва фоний дунёни бирдай тушуниш, дунёни англаб етмоқ, шу асосда ижод ва маслак юритиш тасавуф намояндалари қарашларининг мазмунини ташкил этибгина қолмай, балки халқ оммасини ёруғликка элтувчи йўл ҳам эди.

Бобораҳим Машраб тасавуфдаги тўрт амалдан бири қаландария тариқатига амал қилди. Қаландарлик ўша даврда Мовароуннахрда кенг тарқалган оқим бўлиб, улар турли мамлакатларни кезиб, жулдур хирқага ўралган ҳолда жаҳонгашталиқ билан ўз маслакларини халққа билдириб, унинг кўнглига йўл топиб, хайр-эҳсон ҳисобига кун кўриб, умр ўтказишдан иборат эди. Қаландарлар ўз дунёқарашларини кенг халқ оммасига, ҳеч иккиланмай ва тахликасиз ҳукмрон синф табақалари орасига ёя олар эдилар. Бу билан улар мудом иззат-ҳурмат билан қутиб олинди, уларга чуқур мурувват кўрсатилар эди.

Машраб ва қирқ қаландар ҳақида бизга етиб келган «Тазкирани қаландарон»да, Машраб замондоши Исҳоқ Воғистоний асарида айтилишича, бу оташнафас шоир тарки дунё этиб, дарवेशлик, қаландарлик йўлини танлаб, қирқ қаландар билан бутун Мовароуннахрни кезиб чиққан ва ўз ортидан маълум халқ оммасини эргаштира олган. Машрабнинг тутган обрўси ҳатто шоҳларнинг эътиборини ҳам ўзига қаратган. У тўғри сўзлаб, доно фикрлари билан одамлар қалбидан жой олар эди. «Дили тиги ситам-

дан пора бўлган халқни кўрдим», деган шоир оташин ғазаллар ўқиб, ҳеч иккиланишсиз ҳар қандай жойда пайдо бўла олган ва одамларни ўзининг ҳур фикрига ром эта олган:

*«То кишига дард тегмай,
бўлмади бағри қабоб,
Дилда дардинг бўлмаса,
дарди саримни қавлама»*,

деган шоир қаландарлиқни танлади:

*Риёзатсиз бўлай десанг,
танам озод юрай десанг,
Жаҳонни сайр этай десанг,
қаландар бўл, қаландар бўл.
Бу тақводин кечай десанг,
хонақоҳдин қочай десанг,
Ҳақиқатни очай десанг,
қаландар бўл, қаландар бўл.*

У дунё кезиб, ҳар жойда овора халқни кўрди, ситам ва жабр-зулм ҳамма вақт меҳнатқашни зугум остига олиши Машраб қалбини пора-пора қилди. Шоир дунёни кўхна работга ўхшатади. Умрини тариқат йўлига бахшида этган Машраб туғилганидан бери ҳузур-ҳаловат кўрмай, роҳат нималигини билмай, умри ғам-ғусса билан ўтаётганлигини, гадо, дарвеш, қаландар бўлиб ҳар хонадон олдида зиё улашиш билан бирга, ўз дарду изтиробини куйлаб яшаётганлигини ошқора шундай изҳор этади:

*Онадин тугмиш куним
рўзе ҳаловат кўрмадим,
Бу работу кўхнада мен
истиқомат кўрмадим,
Ғарқ бўлдим неча бор меҳнатга,
роҳат кўрмадим,
Ғуссадан ўлдим даме хоби
фароғат кўрмадим,
Хона бардуши гадо бўлган
кишидан дард сўранг.*

«Дард кўп, ҳамдард йўқ, душман кўп, толе забун», деган шоир дунёни дарбадар кезди. У фалакнинг берган қисматидан нолийди, унинг жисми макони, ошибни йўқлигидан изтироб чекади. Бунинг устига ота-она, яқин кишиларининг йўқлиги шоир қалбини руҳан эзади:

*Хонавайронман буюн,
жисмида жоним йўқ менинг,
Дарбадардурманки бир ерда
маконим йўқ менинг,
Чугзи бевайронадурман,
ошёним йўқ менинг,
Тосарим устида турган
соябоним йўқ менинг,
Дилраболарни бу тупроғ
ичра жо қилди фалак.*

Тасаввуф илмининг энг кўзга кўринган йирик арбобларидан бири Баҳовуддин Нақшбандийнинг авлоди, Бухоро диний фалсафасининг машҳур билимдон Маҳдуми Аъзам набираларидан бири йирик шайх Офоқ хожа Қашқарда диний ва дунёвий илмлар билимдонлиги сифатида жуда катта нуфузга эга эди. Шу билан бирга, бу қароматгўй шайх, беҳисоб ер-сув, мулк эгаси ҳам эди. Унинг овозаси ва ўткир илми Туркистонда ҳам шухрат топган. Машрабга илк савод бериб, сўнгра билими ўзидан ўтиб кетган шоғирд олдида хийла эсанқираган устоз Бозор охунд ёш Машрабни Қашқар сафарӣ — Офоқ хожа хонадонига йўналтиришга мажбур бўлган эди. Шайхнинг етти йил хизматини қилган шоир бу хонадонда рўшнолик кўрдими, йўқми — бу ҳақда гапни мухтасар қиламиз. Аммо манбалар бўйича кичик гуноҳи — ички канизакларидан бирига ишқий муносабати тўғайли шайх хонадонидан (душманларни қутқуси билан) қувилган Машраб пири комили Офоқ хожа ҳақида, бизга маълум бўлган буткул ижодиётини таҳлил этиб кўрганимизда, у зоти олий пир ҳақида салбий фикрда бўлган эмас.

ТАБАРРУК ТУТ



Суратда: Машраб ўтказган тут дарахти.

Утган йили меҳмон сифатида Тожикистон Ҷумҳуриятининг Қабодиён туманида истиқомат қилувчи Рислик бобо хонадонига бўлган эдим. Кечкурун у кишининг хонадонига йигирмадан ортиқ меҳмон ва мезбонлар тўпланишди. Суҳбатимиз турли мавзуларда давом этиб, кўпроқ ҳассос шоир Бобораҳим Машраб ҳақида бўлди. Шунда Рислик бобо шоирнинг Қабодиёнда ҳам қадамжойи мавжуд эканлиги, Машраб экан тут дарахти ҳали ҳам ўсиб турганлиги ҳақида гапириб қолди.

Дарҳақиқат, Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолига доир тарихий асарларда унинг Қабодиёнда бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар бор.

Мен Рислик бободан Машраб ўтказган тут дарахтини кўрсатишни илтимос қилдим. Машҳур тут Қабодиён туманининг Бештемир деган қишлоғида катта ва кўхна қабристон ичида салобат билан қад ростлаб турарди.

Жўра РАҲИМОВ,
филология фанлари номзоди

Машраб бичилганидан сўнг Офоқ хожа хонадонига яшаётган, васлига етолмай қолган маъшуқаси ҳаёли билан кун кечиради. У худди Мажнундек сахрою водийларда севгилисини ўйлаб кўз ёши тўкади. Ҳаёли-руҳияти паришон шоир ёрнини соғиниб саргардон юрт кезади, пари рухсорли малакваш ишқиде юраги ёнган шоир уни эслайди ва шу билан ўзига таскин беради:

*Жамолнинг соғиниб шому саҳар мен
зор йилларман,
Жунун саҳросида девона
мажнунвор йилларман.
Сенга рози дилим изҳор этиб
сўйлар мажолим йўқ,
Паришон ҳоли саргардону дил
афғор йилларман.
Кўзимдан мавж уриб
селоли ишқим тўла қон оқди,
Агар ёдимга тушсанг,
эй пари рухсор йилларман.*

Тасаввуфда салмоқли ҳурфикр тарғиботчиси Бобораҳим Машраб ижодини фақат бир томонлама талқин этиш тўғайли уни кейинги етмиш йиллар давомида барча адабиётларда масжид, қуръон, Макка ва Ислому ақидаларини танқид этиб келди, деган тушунчани унинг шахсига ёпиштириб келдилар. Аслида ундай эмас. Адабиётшунос олим И. Абдуллаев олиб борган илмий тадқиқот шуни кўрсатадики, Машраб Каъбани зиёрат этиш бахтига муяссар бўлган шоир экан. Эҳтимол, баъзи ғазалларида риёкор шайх ва уламолар ҳақида Каъба ва Маккага тил теккиса-да, аммо у Худони, дини Исломи ва мусулмончиликни унутган эмас. У Офоқ хожага мурид сифатида эътиқод қўйиб, унга ихлол қилади ва бир ғазалда Машраб (маслак, маслакдош) таҳаллусини Офоқ хожа қўйганлиги билан фахр этади.

*Куддусаро азиз Хожам
Машраб огимни қўйдилар,
Қошғару Ерканд ичида
соҳибу гуфтор ўзум.*

Машраб Навоӣ ва Бобурга нисбатан бизга яқинроқ вақтда яшаб ўтди ва шу боис бўлса керакки, унинг тили ва услуби бизга яқин. Умуман, шоирнинг тили ва услуби содда. Машраб айнакка классик тур ғазалчилик жанрида сермахсул ижод этди ва уни ривожлантирди. Шоир ғазаллари бениҳоя нафислиги, жўшқинлиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Унда бениҳоя руҳий ҳолат тасвири ва ички ҳиссиёт аниқ ифода этилади. Ижоди халққа яқинлиги боис унинг ғазаллари қўшиқ бўлиб халқ қалбидан чуқур жой олган. Шоир шеърятинида муҳаббат мавзуси алоҳида ўрин тутади. Машраб наздида фидойӣ ошӣқ сифатида у ҳусни баркамол, жозибали маъшуқа сари интилади. Чунки маъшуқада ҳусн ва назокат шунчалик оқсакки, у ҳур ёки филмонми — ошӣқ шоир уни ажрата олмайди, билолмайди:

*Малаксан ё башар, ё ҳуру филмонсан,
билиб бўлмас,
Бу ҳусну, бу назокат бирла
сендан айрилиб бўлмас.*

Биз Машрабни исёнкор дедик. У халқ учун, замондош фуқаролар учун ҳеч нарсдан қайтмай ҳукмрон синф юқори табақалари намоёндалари билан мулоқотда бўла олди. Уларни ўткир сўзи, журъатли, ҳайкириқли, хитобли ғазаллари билан инсоф ва адолатга қақирди, баъзида улардан устун келса, баъзида мағлуб бўлди, дарвеш шоирдан баъзи шайх ва уламолар Аҳраман девдан қочгандек қочадилар:

*Мани кўрса қочадур
шайхулислом Аҳраман янглиғ,
Нечун: бўйнимга зулфи
тори чирмашган туморим бор.*

Машраб кажрафтор замондан баъзида қаттиқ нолийди, сабаби замона ҳокимлари у қайси юрда бўлмасин, шоирнинг талабидегидек ҳукмронлик қила олмасликлари уни қаттиқ ранжитди ва улар уни бир ерда

барқарор умр кечиршга имкон бермайдилар. Чунки Машраб уларни аямасди, газаларида ҳеч қўркмасдан ҳажв қилар ва меҳнаткаш халқнинг фикрини, қарашини замона зўравонлари ва адолатсиз амалдорларга нисбатан ўзгартира олар эди.

Машрабдаги исенкор руҳ халқ қалбига тезда етиб борарди. Бундан ҳокимият оғоҳ топиб, шоирни тезда халққа ёмон кўрсатишга уриниб, уни ҳайдашга, юртларидан чиқариб юборишга ундар эдилар:

*Халойиқлар мени қувлар,
ёмон деб ҳар шаҳар борсам,
Ажаб мардуд, ажаб маржум,
ажаб сангсора Машрабман.*

Қалби мажруҳ шоир қаерда бўлмасин, ўз фикри ва эътиқодидан бир зум бўлса-да, қайтмади. Уни Ватан соғинчи ва она юрт тушроғи, ундан келган ҳар бир хабар кўнглини кўтарарди. Юртни қўсаш ва дарбадарона ҳаёт ҳам юксак эътиқодларга хизмат қилади. Ватан туйғуси Машрабга малҳам ва қувват бағишлади:

*Наманган шаҳридан, дўстлар,
мани ёронларим келди,
Ота бирлан онамни билгувчи
меҳмонларим келди.
Шижоат бобида ҳар қайси
бир Рустами Сухробдир,
Адолат тахтига минган
бу кун султонларим келди.*

Падари бузрукворини эъзоз ва эҳтиром этган шоир: «То отанг рози эмас, тавбанг қабул бўлмас сени», деб оқил фарзандларга ўғит беради. Зеро, Машраб мафқураси бўлган тасаввуфда ота ва онанинг табаррук сиймоси, улар олдидаги фарзандлик бурчи бекиёс даражада устун туради. Машраб ахлоқи шу қадар юксакки, у падари бузрукворини ҳамма улуг сиймолар қаторига қўяди, бинобарин, Ислому мафқурасида ҳам ота шахси баланд қўйилган. У айтадики, кечакундуз тақводорлик билан машғул, хотамдек савоатпеша бўлсанг-да, минг бор Каъбани зиёрат этганинг ҳам беҳуда, отангни рози қил, дейди.

*Кечау кундуз агар
қурбон тиловат айласанг,
Шабни рўз айлаб мудом
тақвои тоат айласанг,
Мисли Ҳотамбек бўлиб
хайри саховат айласанг,
Каъба мақсудни минг бор
зиёрат айласанг,
То отанг рози эмас,
тавбанг қабул бўлмас сенинг.*


Машраб кажрафтор фалак ва яшаган даври қарама-қаршилиқларига нисбатан тасаввуф намояндаси ва шоир сифатида муносабатда бўлди. У халқнинг ноҳор аҳволини кўриб, жабр-зулум ва мамлакат ички зиддиятларига, синфий кураш ва юқори табақа гоъларига ўз фаол дунёқарashi билан жавоб бера олди.

Машраб ҳақиқат ва адолат қидирди, елкадош, орқадош халқига омонлик тилади. Шу гоёси йўлида Бозид, Шиблий, Аттор, Халлож каби ўзи ҳам қурбон бўлди. У яшаган давр одамлари ва кейинги уч асрдаги авлодлар ўз эътиқоди учун курашган авлиё даражасидаги қаландар шоирни ҳамон қалблари тўрида сақлаб, у қолдирган маънавий меросни эъзозлаб келмоқдалар.

Зеро, биз ҳам буюк оташнафас, исенкор, пок қалбли сиймо меросини асрлар оша кейинги авлодларга етказа олсак, эҳтимолки, унинг руҳи олдидаги бурчимизни оз бўлса-да, бажарган бўлур эдик.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Мўмин ҲОШИМҲОҶОВ,

А. Қодирий номли Жиззах Давлат муаллимлар тайёрлаш институти руҳшунослик кафедраси ўқитувчиси



Тошкентдаги Абулқосим мадрасаси.

ЁРДАМГА МУҲТОЖ ОБИДА

Ўтган асрларда зукко меъморларимиз томонидан қурилиб, чинакам меъморчилик ёдгорлиги сифатида бизгача етиб келган Қўкалдош, Вароқхон, Абулқосим ва бошқа кўплаб мадрасалар Тошкент шаҳрининг тарихий шаҳарсоалик қиёфаси сифатида унинг ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Нечанча тарихий воқеалар ва қонли урушлар шоҳиди бўлган бу улугвор ва маҳобатли ёдгорликлар халқимизнинг маданий бойлиги, фахри ва гуруридир. Жумҳуриятимизнинг турли худудларида қад кўтариб турган ана шундай кўҳна ёдгорликларнинг ҳар бири ўзининг бетакор тарихига эга.

Шаҳримизда тарихий ва мемориал-архитектура ёдгорликларидан энг каттаси ҳисобланган Абулқосим мадрасаси эски шаҳарнинг жанубий қисмида қадимий Бешёғоч даҳасидаги Қўрғон дарвоза яқинида жойлашган бўлиб, пойтахтимизнинг ўрта аср охирларидаги ўтмиш маданий меросини ўзида намойиш этган.

Абулқосим мадрасасининг тарихи ҳамда қурилиш даврини аниқлаш борасида олиб борилган кўп йиллик илмий изланишлар, қадимги ҳужжатлар ва шу даҳалик нуруний қарияларнинг берган маълумотларига қараганда, унга XIX асрнинг бошларида асос солинган.

Абулқосим шахси тўғрисида Н. П. Остроумов ўзининг сартлар, яъни ўзбеклар ҳақидаги этнографик кузатишларида («Сарты. Этнографические материалы. Общий очерк». Т., 1908 г.). Абулқосимни ўз замонасининг ақли, зукко ва билими кишиларидан бири деб таърифлаб, саводли ки-

шиларни ўта ҳурмат қилиши, шу билан бирга бир неча хорижий тилларни яхши билишини алоҳида ҳурмат билан таъкидлайди. Бундан ташқари, Н. П. Остроумов Абулқосимнинг уйда икки бор меҳмон бўлиб, узундан-узоқ турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлашгани, шаҳарнинг Бешёғоч қисмида мадраса қуриш учун 30 минг сўм пул сарфлаганини ҳамда мадрасада ҳар йили 150 нафар муллаваҷчаларни ўқитиш ва уларнинг эҳтиёжи учун маблаг бериб тургани ҳақида хикоя қилади. Абулқосим Бешёғоч даҳасидагина эмас, балки бутун шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар миқёсида танилиб, ўз маърифий ишлари билан кўпчилик ҳурматиға сазовор бўлган алломадир.

«Туркестанские ведомости» газетасининг 1892 йил 42-сонида хабар қилинишича, Тошкент шаҳрида тарқалган ўлат эпидемияси оқибатида Абулқосим 1892 йил 4 июлида вафот этди.

Ўз замонасининг билимдон кишиси бўлган Абулқосим томонидан бунёд этилган мадрасанинг Тошкент шаҳрида рўй берган кучли зилзилалар, турли даврларда ҳар хил мақсадларда аямасдан фойдаланишлар натижасида ўтмишдаги қиёфаси анчайин ўзгариб кетди. Жумладан, тарихий ҳужжатларга қараганда, 1987, 1907, 1966 йиллардаги зилзилалар, айниқса, 1946 йилнинг 2 ноябрдан 3 ноябрга ўтар кечаси бўлиб ўтган кучли «Чотқол» зилзиласи натижасида мадраса пештоқи, мезаналари ва иккинчи қаavat ҳужралари қаттиқ шикастланиб, вайронага айланади.

Меъморий шакли ва геометрик ўлчам жиҳатидан шахримиздаги обидалар ичида энг йиринги бўлган Абулқосим мадрасаси ўтмишда «Қорихон эшон», «Маъдихон қози», «Абулқосим шайх», «Абулқосим эшон» ва кейинчалик ҳатто шу обидадан олдинда ўтувчи кўча бўлмиш «Янги маҳалла» каби қатор номлар билан аталиб келинган.

Мадраса биноси таркибига кирувчи Хонақои Мўйи муборак эса 1820 йилги Абулқосимнинг отаси ҳаётлик чоғларидаёқ бунёд этилганлиги аниқланди. Ўрта аср меъморчилигининг кўп йиллик тажрибалари, ютуқлари ва қонуниятларига кенг таяниш асосида 1855 йилга келиб Хонақои мўйи муборакка муайян ва узвий боғлаб Абулқосим томонидан олди икки қаватли, қолган томонлари бир қаватли қилиб мадраса биноси қурилади. Кейинчалик ёдгорликнинг жануби-шарқий томонига икки қуббали қилиб ҳаммом, шимолий томонига эса уч хонадан иборат синчор масжид солинди. Булардан ташқари, бош пештоқи ҳовузли кенг майдонга чиқилган обиданинг жанубий қарб томонида усти гумбаз қилиб беркитилган ёпиқ сув ҳавзаси — сардоба қурилган. Шу тариха ўрта асрлардаги шаҳарлардагига ҳоз меъморий ансамбл таркиб топган.

Мадрасанинг жанубий томонидаги ҳаммом ва сардоба асримизнинг 40-йилларига қадар халқимизга хизмат қилиб, кейинчалик бузилиб кетган. Ҳозирги кунда ҳаммом ва сардобанинг пойдеворлари сақланиб қолган. Энг ачинарли ҳоллардан яна бири — мадраса дарвозасига 1855 йилда ишланган, ўртагепалик уста Ҳасанбой томонидан дид билан бажарилган нақшидор эшик 1940 йили Муқимий номидаги мусиқали драма театр биносига кўчириб ўрнатилган.

Шахримизнинг тарихий-меъморий ва шарҳоралик қиёфасини белгиловчи Абулқосим мадрасасининг тархи тўрт бурчак шаклида бўлиб, унинг ташқи томонлари 46×55 метр, ички ҳовласи эса 22×28 метр-дир. Меъморлар мадрасани узокдан кўзга яхши кўришни учун икки қаватли қилиб, бинони безашда асосий эътиборни бош пештоққа қаратишган. Мадраса бош пештоқи шарққа қаратиб икки қаватли қилиб, пишиқ тўрт бурчак шаклидаги муеулмон гиштидан қурилган. Бош пештоқни безаш мақсадидан икки қават баландлигида тўрт марказли ёйсимон равоқлар ҳар хил чуқурликда қатор равоқлар орқали симметрик ҳолда назор дид билан бажарилган. Пештоқнинг ўрта қисмида мадраса девори сатҳидан 1,82 метр бўрттириб чиқариб, баландлиги 16 метрли нафис пештоқ қурилган. Кўркам бош пештоқнинг икки ёнига ташқи томондан тиргак сифатида ишланган айлана шаклидаги буржлар гўёки мадраса сочилиб кетишдан сақлаётгандек кўриниб, унга салобат бағишлаб туради. Буржларнинг тепа қисми гумбазли мезаналар билан аяқланган.

Ҳашаматли пештоқнинг кириш қисми дарвозаси, чуқур ярим саккиз қиррали бўлиб, уч ёнига икки қаватли ёйсимон равоқлар ишланган. Пештоқнинг олд ва ён томонлари — деворнинг кунгурдор оддий тўрт бурчак шаклидаги пишиқ гишт билан текис қилиб ишлаб чиқилган, унинг юқори қисми эса шарафа ҳамда китоба билан безатилган. Мадрасанинг қолган уч пештоқни меъморий кўришни оддий, силлиқланган пишиқ гиштдан ишланган.

Кўкалдош мадрасаси сингари бунда ҳам дарвозадан кирверишда чапда дархона, ўнгда масжид, тўрда эса Хонақои мўйи муборак жойлашган. Дархона ҳамда масжид чордора-чортоқ шаклида қурилган бўлиб, томлари ўзаро кесилмаган равоқлар устига

гумбаз қилиб ишланган. Ҳовлининг гарбий ва шарқий томонларида пештоқчалар мавжуд бўлиб, бу пештоқлардан бири Хонақои Мўйи муборак ҳисобланади. Унинг пештоқидоги китобасида форс тилида қирма қилиб: «Оллоҳнинг ҳукми билан шу масжиднинг таъмирига киришдик. Яхши кунда тамомига етказгай», деган сўзлар сақланиб қолган. Хонақои мўйи муборакнинг ичидаги равоқли меҳроб (саждагоҳ) тепасига ишланган китобасида эса араб тилида: «Бу арк каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор», каби сўзлар битилган.

Абулқосим мадрасаси ўз замонасида мулаваҷчалар тахсил оладиган олий ўқув юрти ҳисобланиб, унда маҳаллий аҳоли болаларидан ташқари, киргиз, татар, қозок ва бошқа миллат фарзандлари ҳам ўқиган. Бу илм даргоҳида Ислам дини қонун-қоидалари, шариа ақидалари билан бирга дунёвий фанлар — араб ва форс тили грамматикаси, адабиёт, одоб-ахлоқ, математика, геометрия, астрономия каби фанлар ҳам ўқитилган.

Юздан ортиқ хонадан иборат мадрасанинг мулаваҷчалар истиқомат қиладиган ҳужраларида икки нафардан то беш нафаргача талаба истиқомат қилган бўлиб, унда дахлиз, юз-қўл ювадиган обрез—ҳаник, қишда исиниб ўтириш учун танча, мўрили ошхона ва ўрин-кўрпа йиғиб қўйиш учун сўри бўлган. Булардан ташқари, мадрасада мударрис, мутавалли, имом, халфа, домла, муаззин, фаррош, қоровул ва бошқа хизматчилар учун махсус ҳужралар ажратилган. Бир йўла 150 нафар мулаваҷчалар таълим олган мадрасада дарслар асосан уч босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичда олиб борилиб, унда араб ва форс тилида ёзилган китоблар ўқитилган. Абулқосим мадрасаси фақат меъморчилик аҳамиятидаги ёдгорлик бўлмастан, балки тарихий ва сийёсий қимматга ҳам эгадир. Бу ерда инқилобга қадар атоқли ёзувчи, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий тахсилни шу илм даргоҳида олган. Қодирий Дарҳон маҳаллалик Усмонқори домладан араб тили сарф-наҳви ва форс тилидан сабоқ олган.

1979 йилдан бошлаб ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган Абулқосим мадрасаси устида Ўзбекистон Маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти томонидан ёдгорликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, илмий таъмирлаш, лойиҳа ишлари олиб борилади. Кўп илмий-тадқиқий изланишлардан кейин боболаримиз томонидан яратилган мадрасанинг дастлабки ҳақиқий қиёфаси тўла-тўқис қайта тиклашга муваффақ бўлинди. Таъмир лойиҳаси асосида тошкентлик усталар билан бир сафда қўқонлик, бухоролик, самарқандлик ва андижонлик таъмирчилар ҳам самарали меҳнат қилдилар. Бу борада тошкентлик уста Анвар Солиҳов, бухоролик уста Аҳрор Асеров, қўқонлик усталар Ҳошимжон Нишонов, Одилжон Полвонов, андижонлик уста Абдуманнон Қодиров ва бошқаларнинг хизматлари бениҳоя катта бўлди.

Ўзининг иккинчи умрини бошлаган Абулқосим мадрасаси халқ меҳнати, ақлзаковати билан яратилиб, юз йил давомида илм маркази бўлган. Бу ерда таъмирлаш ишлари ниҳоятга етказилди, энди қадимий илм-маърифат маскани халқимизнинг амалий ва тасвирий санъат асарлари намойиш этиладиган маданий даргоҳга айлантирилиб, кишиларни миллий руҳда тарбиялашда халқимизга хизмат қилмоқда. Шу кунларда Абулқосим мадрасаси биносига Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини сақлаш жамиятининг «Тарғибот уйи» очил-

ди. Ҳозирги вақтда бу ерда маърузалар, концертлар, турли соҳаларда беллашувлар ўтказилмоқда, келувчилар доимий кўргазмалар билан мунтазам танишмоқдалар.

«Тошбошрежа» лойиҳалаш олийгоҳи меъморлари Абулқосим мадрасаси жойлашган майдон бош тархини лойиҳалаш вақтида мадраса биносини меъморий ёдгорлик сифатида сақлаб қолишни кўзда тутмай, уни буткул таг-туғига қадар бузиб, ўрнига манзарали-кўкаламзор бог, теварак-атрофни гулзор, олдида эса замонавий услубда энг катта фаввора қуришни афзал кўрганликларига ҳайрон қолади киши. Наҳотки улар тарихий ва меъморий ёдгорликларини сақлаш ҳақидаги қонунини билишмас! Билишганда ёки аждоқларимиз руҳини ози бўлса-да, ҳурмат қилишганда кўҳна шахримизнинг қирки ҳисобланган Абулқосим мадрасасининг бузилишига олиб борадиган хомхатада лойиҳа яратмаган бўлардилар. Ахир, фавворани бир оз нарида ёки бошқа ерда қуриш мумкин эди-ку! Лекин меъморлар негадир майдон кенг бўлишига қарамай, илмий томондан чуқур ўйламасдан фавворани мадрасадан бир неча қадам нарига ўжарлик билан жойлаштиришди.

1979 йилнинг биринчи ярмидан бошлаб 35 метр баландлиққа отиладиган фаввора қуриш ишлари бошлаб юборилди. Уни қуриш учун чуқур ва кенг қилиб хандақ (котлован) казилиб, унинг ичига темир-бетон пойдеворлар, устунлар тикланди, турли ўлчамдаги темир қувурлар ётқизилди. 1980 йилнинг бошларига келиб эса бу фаввора битиб, ишга тушадиган бўлса, пойдеворсиз бунёд этилган мадраса биноси тағига сув кетиб охир-оқибатда эса қандай фожеалар вужудга келиши кенг жамоатчиликка маълум бўлиб қолди. Бу ҳолинг олдини олиш учун биринчи галда шу даҳалик нуруний қарилар, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятидаги бир неча жонқур кишиларнинг саъий-ҳаракатлари натижасида қурилиш ишлари тўхтатиб қўйилди.

Қарийб ўн йилдан (1980—1992) ортироқ вақтдан буён қурилиш ишлари тақа-тақ тўхтаган фавворада бажарилган ишлар учун тахминий ҳисоб-китобларга кўра давлатимиз томонидан икки миллионга яқин маблағ сарфланган эди. Шу ўтган йиллар давомида хандақ ичига ётқизилган турли ўлчамдаги темир-қувурлар, арматуралар, темир-бетон пойдевор ва устунлар очиқ ҳолда қолиб, ёмғирли ва қорли кунлар натижасида яроқсиз ҳолга келиб қолди. Энг ачинарлиси эса кейинги йилларда фаввора учун казилган хандақ мадраса атрофида яшовчи аҳоли томонидан ахлат ташланадиган ерга айлантирилди.

Ҳозирги энг асосий вазифа фаввора қурилишини зудлик билан тўхтатиб, уни ер ости гаражи ёки бошқа мақсадлар учун мослаштириш зарурдир. Фаввора қурилишини эса бошқа ерга кўчириш керак, деб ўйлаймиз. Акс ҳолда маълум бир вақт ўтгач, она шахримизнинг тарихий қиёфасини белгиловчи меъморий ҳазинаси Абулқосим мадрасасидан ажралиб қолшимиз хеч гап эмас. Келинг, азиз ҳамшаҳарлар, захматқаш отабоболаримиз томонидан бунёд этилиб, бизнинг давримизгача етиб келган, меъморий ёдгорлик асрлар оша шахримиз ҳуснига ҳусн қўшиб туриши учун вақтимиз борнда ҳаракат қилиб, уни сақлаб қолайлик!

Абдуҷаббор ЯҲҲЕЕВ,
Ўзбекистон Маданий ёдгорликларини таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш билимгоҳининг бош меъмори



Сафар БАРНОЕВ

Қалъа

Ҳикоя

Ҳамма иш еттинчи «А» синфига янги раҳбар келиши билан бошланди. Сўнги кўнгироқ чалинишига ҳали бир оз вақт бор эди. Синф эшиги очилиб, илмий бўлим мудирини Сора опа билан оқ кўйлак кийган, сочи бир томонга силлиқ таралган ўттиз-ўттиз беш ёшли бир йигит кириб келди. Утирганлар гурр этиб ўринларидан турдилар.

— Утиринлар,— буюрди илмий мудир. Болалар бирин-кетин ўтиришга, Сора опа Омон акага юзланди:
— Дарсингизни бўлмадимми?
— Йўқ, йўқ, бемалол.

Омон ака бармоқларидаги бўр юқини артар экан, гапингизни айтaverинг, дегандек, илмий мудирга қаради. Аслида эса, дарс пайтида кириш шартмиди, деган ўй бор эди унда. Бармоқларини безовта ишқалаб, нима дейишаркин, деган маънода қараб тураверди.

Тарих ўқитувчиси Омон ака баъзиларга ўхшаб кўнгироқдан кўнгироқчадан дарс ўтмас, кириши билан ўтган дарсини бир-икки ўқувчидан сўраб, янги мавзунини қисқа қилиб ўтуштирар, асосан, ўқувчиларни эркин фикрлашга, мушоҳадали бўлишга ўргатар эди.

— Эркин фикрланг,— дея тайинларди у,— айтганларимнинг магзини чақинг. Китобда нима ёзган бўлса, сўзма-сўз ёд олишни ўрганманг. Куруқ ёдлаш фикрлашни ўлдирди, тилингизни қашшоқ қилади. Мен фақат сизларга йўналиш бераман, қолганларини ўзингиз мушоҳада қилишга ўрганинг.

Шунинг учун бўлса керак, Омон ака дарсга кириши билан синф сув қуйгандек жим, қилт этган товуш эшитилмас эди. Дарс охирида савол-жавобларга ҳам вақт қоларди.

Сора опа синфга кирган пайтда Омон ака мавзунини энди яқунлаб бўлиб, эркин фикрлашга вақт қолдираётган эди.

— Гап бундоқ,— деди илмий мудир гажагини силаб.— Мана бу акаларинг бугундан бошлаб сизларнинг синф раҳбарларинг бўлади. Исмлири Саиджон. Қоида бўйича Саид Мадиевич деб мурожаат қиласизлар. Марҳамат, Саид Мадиевич, синфини қабул қилинг.

Сора опа янги синф раҳбарини қолдириб чиқиб кетди. Саид Мадиевич дам Омон акага, дам ўқувчиларга тикилганча жим қолди. Бу орада ўқувчиларнинг кўлигига хуш ёқадиган кўнгироқ чалинди. Омон ака аллақачон китобдафтарини йиғиштириб ушбу дақиқани кутарди. У янги синф раҳбарига ҳалақит бермаслик учун эшик томон йўналар экан, ўзини кузатаётганларга сўз қотди:

— Душанба кунини эсон-омон кўришгунча хайр, болалар.

Ўқувчилар, бизга ҳам жавобми, дегандек кўзғалишганди, Саид Мадиевич, шовманлар, маъносиде қўл кўтарди.

— Олдин бир танишиб олайлик, сабр қилинлар. Сизларни менга мактабнинг энг интизомли синфини деб таърифлашганди.— У синф рўйхат дафтарини очиб, бир бошдан болаларнинг исм-шарифини ўқий бошлади...

Йўқлама яримга етганда Саид Мадиевич: — Кечирасизлар,— деди болаларга,— шовиб бир хатоликка йўл қўйибман. Мен фақат

сизларни эмас, ота-оналарингнинг қаерда ишлашини ҳам билан олишми зарур. Бу эса тарбиявий ишимизни енгиллаштиради.

— Оббо,— деди сўнги партада ўтирган Наримон.— Шу шартми?

— Шартлиги учун сўраяпман-да.

— Мана, менинг отам нафақахўр. Қозимнинг отаси дўкондор.— У партадошини туртди.— Мана буники эса...

— Жим, жим...— қўлини кўтарди янги синф раҳбари.— Навбатинг келганда ўзинг айтиб берасан. Ҳозир эса хар ким ўзи учун...

Саид Мадиевич йўқлама давомиде баъзи бир ўқувчиларнинг ота-онасининг иш жойини, касби-корини ён дафтарчасига ёзиб олди.

— Тартиб бундай,— деди сўнгра,— ҳозир ҳамма мактабларда бир хил қоида мавжуд. Қиз бола билан ўғил бола бир партада ўтириши керак. Қараб турсам, сизларда бошқачароқ экан.

Ўқувчилар бир-бирларига қараб олдилар. — Гап ўқишдами ёки бир партада ўтиришдами?— сўради Нозима.

— Катталарнинг гапини бўлма,— унинг сўзини бўлди Наримон.— Қоида бор деяптилар-ку.

Саид Мадиевич Нозимадан сўради: — Сенинг фамилиянг нима эди, қизим? — Қодирова.

— Қодирова Нозимахон, гап қоида устиде кетаяпти. Мендан сўраб бу ишни қилишмаган-ку.

— Барибир унинг онаси қўймайди,— жавоб берди Наримон.— Улар эски шаҳарда яшашади. Эски маҳалладагилар бунга кўнишмайди. — Нега бундай қўқм чиқараяпсан?— сўради янги синф раҳбари.

— Рост-да,— деди Наримон,— эски шаҳардагилар— қадимий одамлар. Янги шаҳарда яшавтганлар эса янгича фикрлайдилар.

Саид Мадиевичнинг юзи тундлашди: — Сенга бу гапларни ким ўргатади?

Наримон ҳузёр тортиди. Энди гапдонлигини тўхтатмасе бўлмаслигини сезиб, ноҷор елка қисди.

— Бунақа ажратишга чек қўйиш керак,— деди синф раҳбари.— Шаҳар битта. Унда яшовчилар ҳам бир қоидага бўйсунди. Ҳозир алмашиб ўтирасизларми ёки душанбадан бошлаймизми? Ихтиёрни ўзларингга бераман, ўйлаб кўринлар.

— Ҳозир, ҳозир,— синфда ғала-ғовур бошланди,— ҳозир деганларнинг кўпчилиги асосан ўғил болалар эди. Қизлар эсе болаларга ўқрайишди.

— Йўқса биринчи партидан бошлаймиз,— давом этди синф раҳбари.— Қани, ўз ихтиёри билан бу ишни ким бошлаб беради? Бир-бирларингнн еб қўймайсизлар. Бўлақолинглар.

Саид Мадиевич синф бўйлаб юрар экан, болаларга жой кўрсатар, қизларни: «Она қизим, мана бу ерга ўтир», деб эркаларди.

— Хўш, Нозима билан ким ўтиради?— синф раҳбари унинг ёнидаги бўш жойни кўрсатди.

— Мен,— дея ўрнидан турди Наримон. — Қани,— Саид Мадиевич унга йўл бўшатар экан, хаёлидан бир фикр ўтди. «Синфинг

серкаси шу экан. Бу билан алоҳида иш олиб бориш керак. Йўқса, боягидек савол беравериб, ишни бузади. Болаларни чалғитади».

Наримон жилдини елкасига ташлаб, кўрсатилган жойга ўтаётганди, Нозима ўрнидан туриб унинг йўлини тўсди.

— Саид Мадиевич, мен бу билан бирга ўтирмайман.

— Хўш, ким билан ўтирасан, қизим? Нозима Очилдини кўрсатди. Болалар, қизлар бир-бирларига сирли қараш қилишди.

— Ихтиёрий дедим-ку,— синф раҳбари Очилдини чақирди.— Ука, унда сен буюққа ўт.

Наримон ҳам, дедию жилдини орқа ўриндиқа улқотирди. Нозима томон келаётган Очилдининг оёғини босиб олиб, бикинингга бир туртди. Саид Мадиевич буни сезган ҳолда индамади. Ҳали ўйлагани тўғри эканига яна бир қарра ишонди. Очилди Нозиманинг партасига бориб ўтирди.

— Наримон, сен унинг ўрнига бориб ўтир,— деди синф раҳбари.— Мана, келишиб олдик. Қолган гапларни аста-секин биргалликда ҳал қиламиз. Ишқилиб, бир-биримизга ишонмас бўлди. Ишонч йўқолган жойда бирлик бўлмайди. Энди ҳаммаларингизга жавоб.

Синф раҳбарининг изидан ўқувчилар ҳам сиқилиб-сурилиб эшикдан чиқишди.

Очилди жин кўчага бурилиши билан орқасидан Наримон ҳаллослаб этиб келди. Очилди тўхтади.

— Билиб қўй, сен Нозима билан бир партада ўтирмайсан!

— Нима учун?— хайрон бўлиб сўради Очилди.

— Утирмайсан, тамом! Йўқса, ҳамма ишларинг сочилди бўлади.

Очилди индамай қараб тураверди.

— Сенинг кимлигингн фақат мен биламан,— деди Наримон.— Агар айтсам, тамом... Билдингми... Сен анчадан бери синфимизга доғ тушириб келаяпсан. Агар онаси ҳам, ўзи ҳам нон сотади, деганимда, Нозима билан сени ўтқазмасди. Душанба кунини барибир айтман.

Очилди Наримоннинг ёқасига чанг солди. — Бор, ҳозир айт!

— Қўйвор ёқамни,— унинг қўлига ёпишди Наримон.— Қўйвор, нафасим тикилиб кетди. Бўғма деяпман.— Очилди унинг кекирдагини панжалари орасига олди.— Бўғма, ўлиб қолам.

— Улсанг ўлавер!

— Ҳой, ўлсам, қамалиб кетасан. Қўйвор ёқамни!

Очилди Наримоннинг кекирдагидан қўлини олди. Теварак-атрофга олазарак қараб, қўлга илинадиган нарса излади. Наримон довадираб қолди.

— Ҳой, жинни-пинни бўлдингми?

Очилди Наримонни бўйи баравар кўтариб, ерга қўйдию кетига бир тепди.

— Мана сенга! Бор энди, кимга айтсанг айтавер.

Наримон: «Жинни, жинни!», деганча орқасига қарамай ўзини чап кўчага урди. Очилди Наримоннинг қораси ўчгунча унинг изидан мушт ўқталиб тураверди.

Оёғини қўлига олиб уйига этиб келган Наримон Очилдидан қандай қилиб аламини олиш йўлини ўйларди.

— Искирт,— деярди қида,— ҳали сенга курсатиб қўяман! Нонфуруш! Узим сени тутиб меласига топшираман! Яна аълоч Нозима билан бир партада ўтирармиш. Тенг тенги билан, тезак қоли билан!

Отаси Тўхтавовай ака ҳар кунини Наримон дарсдан келиши билан ёнига ўтқазиб, ўз билгична тарбия беради. Бугун ҳам шундай бўлди:

— Мана, сен ўқувчисан... Ҳа, айтмоқчи нечанчи синфда ўқияпсан?

— Еттинчи «Б» да.

— 7 «А» сиям бордир-а?

— «Г»сиям бор, ота.

— Менга десе «Ч»сиям бўлмайди. Гапнинг бердисини эшит. Биласанми, менинг қалла жуда яхши ишлайди.— Тўхтавовай ака тақир бошига шاپатляб урди.— Бу қалла пишиқ қалла. Ичи фикр-ғиж ақли. Билиб қўй, шохли Искандардаям бунақа қалла бўлмаган! Мана, сен ўқувчисан, ўқитувчи зотини яхши биламан.

Танлаб-танлаб баҳо қўяди. Ана унақаларнинг болаларига,— Тўхтовая ака шипни кўрсатди,— биз эса бунақамиз, ерда юрамиз. Сен ҳаммасини ёзиб бор. Биласанми, мен ўзимга қарши турганларни ёзиб-чишиб йўқотганман. Ким билан келишолмасанг, хатосини топиб ёзиб бо- равер. Пайти келса ана ўша ёзганинг жонингга аро киради.

Отаси гапира туриб сандиқ орқасига қўлини чўзди.

— Ие, кимдир олибдимми,— у энгашиб яна қаради.— Хайрият-ей, ҳўв, ана, кимдир суриб қўйибди.

Тўхтовой ака бир-икки уриниб, бурчакка тикилиб қолган тугунчани тортиб олди.

— Хайрият, ҳеч ким очиб кўрмабди.— У тугунчи тиззаси устига қўйиб очди.— Мана, ўша айтганларим. Қаерда ишлаган бўлсам, дафтар тутганман. Мана буниси эса,— ишшайди отаси,— онангинг қилган ишлари ҳақида. Битта-битта ёзганман. Неча марта тоғ-холаларинг келган, қанақа овқат пиширилган... Неча марта амма-амкиларинг келишган. Рўзгор учун бу зарур. Жанжал чиқса, дарвор кўрсатаман... Мана, қўшиларим устидан ёзганларим ҳам бор.— Отаси ким дўпписини олиб, дўппи астарига ёпишиб ётган қоғозни кўрсатди. Мана, мана шу қоғоз тилга кирса бўлди-да, ўғлим.

Наримон отасининг гап-сўзларига ҳар доим индамай қулоқ солар экан, негадир кўз олдига синфдоши Очилди келарди. Очилдининг нон сотишини ўзи кўзи билан бир эмас, бир неча марта кўрди. Эҳтимол, тарих ўқитувчиси Омон ака ҳам кўргандир. Лекин ана шу савдогор болани ҳаммадан кўра Омон ака ўзига яқин тутарди. Билмаганларини тузатиб, юқори баҳо қўяди. Бу ерда бир сир бордир? Балки нонни Омон акага текинга бераар? Наримон айниқса шу тобда отасининг тақир калласи ишлашига тўла ишонди.

— Уғлим,— дейди Тўхтовой ака ҳар гал,— яна битта маслаҳатим бор. Тўқ одамга яқинлаш. Осилсанг баланд дорга осил. Энди кичкина эмассан. Ҳозирдан бирор бадавлатроқ оиланинг қизини кўз остинга олсанг, кўрибсанки, қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой...

Агар ҳозир Тўхтовой ака бўлганда яна бир бошдан ўзининг гап халтасини очарди. Наримон шунинг илнжидега бозорга чиқиб кетган отасини кутди...

... Очилди эшикдан ноҳуш кириб келди. Айвон бурчагида ўтириб олиб нон ёпаётган онасига зўрға салом бериб, болохона зинасига оёқ қўйди.

— Ҳа, болам, кўринишинг бежо?— сўради онаси.

Очилди миқ этмай юқорига кўтарилди. Ҳадича хола ўлини чарчаганга йўйиб, ўз ишини давом эттирди. Уёли ҳадеганда тушавермагач, ўзи болохонага чиқди.

— Ҳа, болам?

Очилди миқ этмади. Онаси хамир юқи қўларини бир-бирига ишқалаб тушунтирди:

— Намозгарда нон тез кетади, болам. Атиги бир тоғора хамир қолди. Юр, қарашиб юбор. Эрта бозор, кўпроқ пиширамиз.

Очилди онасига бехол эргашди. Ҳадича хола эркалаганнамо ўғлининг елкасига қочди:

— Болам, бугун мен нон ёпаман, сен эса сотиб келсан.

Очилди биринчи марта онасининг сўзига қарши борди.

— Энди мен нон сотмайман.

— Нега, болам, бунинг нимаси ёмон?

— Уртоқларим кўрса, масхара қилишади.

Ҳадича хола тандирдаги оловдан кўз узмай сўзларди:

— Болам, бунинг бариси муҳтожликдан.

Бир сўм-ярим сўм рўзгорга қоладими, деб шу ишни қилаяман. Ризиқ-рўз топиш учун меҳнат қилиш — уят эмас. Она сутидек ҳалол. Олиб сотарлар уялсин. Мен-ку, оби-оташга кириб нон ёпаман. Қўлини совуқ сувга урмай халқни алдаётганлар уялсин.

Ҳадича хола Очилдига чакичини узатди:

— Кел, ёйганларимни чакичлаб тур.

Очилди эриниб қўлига чакичини олди. Ҳадича хола тоғорадан хамирини муштдек-муштдек юлиб олар экан, дам у қўлига, дам бу қўлига олиб чамалаб кўриб, кейин урвоқини

супра бўйлаб тера бошлади. Очилди онасининг бу ҳаракатини кузатиб турди.

— Қўлларим тарозу,— кулди Ҳадича хола,— нонининг оғирлиги бир хил бўлиши керак. Сотиб олган одам ҳам рози бўлсин-да. Шапаракдек қилсам, одамларнинг қарғишига қоламан. Иккинчи марта менинг нонимни ҳеч ким олмай қўяди.

Очилди онасининг хамир қоравериб, ўрик дароҳтининг қуриган шохларига ўхшаб кетган бармоқларига разм солди. Қорайган бармоқлар зувала ёйган сари қирс-қирс этар, онасининг қадди бир маромда тебранар, тандирдан чиққан иссиқ ҳовур эса иккаласининг юзига баравар уриларди...

Очилди бир сават нонни елкасига қўйиб бозорга чиқди. Ҳаш-паш дегунча сотувчилар растасига кириб борди. Унинг қулоғига: «Иссиқ нон, жиззали нон, еганлар дармонда, емаганлар армонда», деган бақирик-чақириклар у ер-бу ердан эшитиларди. Очилди растанинг бир чеккасига саватини қўйди. Жингалак соч, ироқи дўппи кийган бола Очилдига кўзи тушиши билан, шошмай тур, ишорасини қилди. Очилди ён-атрофга қараб олди. Сават тўла нонни бу боланинг ёнига суриб қўйиб, ўзи секин бир чеккага чиқиб турмоқчи бўлди. У Наримоннинг келиб қолишиндан хавотирда эди. Бари бир Наримон тепкиннинг жавобини қайтарарди. Бир гал ҳам ана шу бақироқ бола уни з Ҳимоясига олганди. Очилди бир сават нонни раста чеккасига омонат қўйиш билан елкасига ола хуржун ташлаб олган мўйловли амаки унинг олдига келиб, дастурхонинг чеккасини очди.

— Болам, нонинг неча пул?

Очилди ҳали оғиз жуфтлашга улгурмасданок, бақироқ бола жавоб берди:

— Етмиш тийин, амаки, етмиш тийин.

— Ҳой, санларда инсоф борми ўзи?

— Инсофнинг ўзи йўқ, амаки, олмасангиз йўлни бўшатинг.

— Бай, бай,— деди амаки,— қулоқ-миямни еб битирдинг-у, ҳеч бўлмаса, иккитасини бир сўм қил.

Очилди майли, демоқчи эди, бақироқ бола унинг этагидан тортди.

— Кеп қолинг...

Мўйловли амаки иккита нонни хуржунга солди.

— Қани, пулдан чўзинг, амакижон,— деди бақироқ бола.

— Э, қойил, э, қойил,— бошини қимирлатди амаки,— юлдузни бенарвон урадиган бола экансан-да.

— Оладиганингиз иккита нон-у, амакижон, гапингиз кўп экан,— деди бақироқ бола.— Урисинг боласи кўпайсин, денг.

— Ҳой, нега бунақа валдирялсан, эсинг жойидами?

— Жойида, амакижон, жойида. Билмасангиз, билиб қўйинг, ўрис суриштирмай олиб кетаверади. Бошқалар одамини хит қилади.

Амаки ёқасини ушлади.

— Э, қойил, э, қойил!

— Бозорбой,— қақириб қолди раста чекка-сидеги қорақош аёл,— бўлдингми?

Бақироқ бола, ҳозир ишорасини қилиб қўлини силқитди, кейин Очилдига юзланди:

— Олдан ҳам нон-пон сотганмисан? Ҳа, майли, бозорда пишсан.— У Очилдининг қулоғига шивирлади.— Танишиб олайлик. Рози бўлсанг нонингни мен сотиб бераман. Эллик тийиндан кўтара оламан. Фақат сен етказиб турсанг бас.— Кейин ўтган-кетганларга имо-ишора қилди.— Анавинаяқ амакилардан кўра, мана бунақа тилла соч холаларга сотганинг яхши — улар орқа-ўнгига қараб ўтирмайди.

Очилди билан Бозорбойнинг танишуви ана шу тариқа бошланди. Бақироқ бола ҳаш-паш дегунча бир сават нонни сотиб, Очилдига тегишлисини санаб берди.

— Мана бу ёғи сенга, бугинаси менга.

— Чаққон боламдан айналай,— деди Ҳадича хола остонада ўли кўриниши билан.— Бозоринг чаққонга ўхшайди.

Очилди бир сиким пулни хонтахта устига қўйди. Онаси уни санаб кўрар экан, шошиб сўради:

— Болам, қанчадан сотдинг?

— Э-э... эллик тийиндан,— жавоб берди Очилдининг сўзлари қовушмай.

— Вой, болам, ўттиз тийиндан сотсанг ҳам бўларди.

Ҳадича холанинг бу сўзлари Очилдининг қулоғига даярли кирмади. У сават тўла нонни кўтариб яна бозор томон югурди. У растага яқинлашар-яқинлашмас, уни янги таниши пешвоз чиқиб кутиб олди.

— Келдингми?

Очилди онасининг сўзини бақироқ бола қандай айтишни билолмай турганида, ёнгинасида Наримон пайдо бўлди:

— Салом, нонфуруш!

Очилди талмовсираб қолди. Бақироқ бола — Бозорбой Очилдига қаради:

— Бу тавья ки м?

— Узинг тавья,— деди Наримон.— Мен бу нонфурушнинг синфдоши бўламан.

— Ҳа-ҳа,— кулди Бозорбой,— синфдош эмиш.— Қани, туёгингни шикиллат. Бу ерни бозор дейдилар. Мактаб эмас. Бу ерда ҳам-маннинг ихтиёри ўзида.

Наримон яна бир нима демоқчи бўлган эди, Бозорбой унинг бошини силарди.

— Қани, пиш-пиш. Харидор йўлини тўсма. Е бошқа тилда гапирайми? Гудбай.

Емон бўлмади. Бозорбой унинг оғирини енгил қилди. Онаси ҳам чаққон болам деб ундан хурсанд бўлди. Аммо бари бир Очилдининг дили хира эди. Эртага синфга қадам қўйиш билан Наримон дийдесини бошлайди.

Худди унинг ўйлаганидай бўлди. Очилдини эшикда кўрибоқ Наримон бор овози билан бақирди.

— Кеп қолинг!..

Очилди индамай жойига бориб ўтирди. Болалар бўлса Наримоннинг бақирғини унинг навбатдаги ҳазили деб тушунишди. Лекин Наримон ўзича Очилдининг тилини қисиб қўйганидан хурсанд эди. Бугун кечаги тепки учун қасос оладиган пайт келди, деб ўйлади. Бари бир уни ҳеч ким Ҳимоя қилмади. Наримон бекорга пойлаб юрмаяпти. Янги синф раҳбари эса жиддий одамга ўхшайди. Бақироқ бола айтганидек: «Хайр мактаб, салом бозор», деб кетиши мумкин...

Очилди индамай Нозиманинг ёнига келиб ўтирди. Кўп ўтмай янги синф раҳбари жуғрофия харитасини кўтарганча, очиқ эшикдан синфга кириб келди.

— Салом, болалар! Қани, ўзини улар!

Наримон синф раҳбаридан кўринган эмасди. У бўладиган томошага жуда-жуда интиқ эди. Синф раҳбари жойлашиб ўтиргач, ярим кулги аралаш сўз бошлади:

— Мен тартиб-интизом ҳақида сизлар билан танишган кунимда гаплашиб олгандим. Аммо бундан ҳам муҳимроқ иш чиқиб қолди.— У қора муқовали дафтарни ўтирганларга кўрсатди.— Мана бунинг менга ўртоқларингдан бири эрталаб қўлимга тутқазди. Унда анча-мунча гаплар ёзилган экан.

— Уша бола бизнинг синфданми?— дея қўлини кўтарди Нозима.

— Бўеги шарт эмас. Буни кейинроқ айтарман. Лекин барибир ўтирганлар эшитиши керак. Бир замонлар ана шундай ёз-ёзлар кўпайиб, не-не одамлар қақшаганини эшитган-дирсиз?— Синф раҳбари ҳар сўзлаганда Наримон юрагини ҳовулаб ўтирарди. Борди-ю, дафтар эгаси қимлигини айтиб юборса-чи?— Билиб қўйинглар,—бармоғини бигиз қилди синф раҳбари,— аҳил одамларнинг қальаси мустаҳкам бўлади. Ноаҳиллик қалъани емиради. Бўйинимизга ҳалқа солиб етаклаб юрвучилар шуни истайдилар. Мен синф раҳбари сифатида барчангизни аҳилликка қақираман. Шу билан бирга, бу қор дафтарни кўз олдиларингга ёқиб юбораман. Бу эса, бамисоли исирик тутундек, синф ҳавосини тозаловчи бир тутатқи бўлсин. Ҳиди аччиқ бўлса-да, нияти яхши...

Синф раҳбари гугурт қақиб, дафтарнинг чеккасига тутди. Бир пасда синф хонасини кўйиндан ҳиди қоплади. Наримон ўзининг ёнаётган дафтарига, Санд Маъдиевнинг кўзига қарамасликка уринарди. Очилдининг қулоғи остида эса бақироқ боланинг қақирғи эшитилгандек бўлди:

— Кеп қолинг!..

Туркона дорилар кўпайсин

Бир вақтлар Ўзбекистонни жаннатга қиёс қилишарди. Юртимиз чиндан ҳам шифобахш булоқлари, минг дардга даво гиёҳлари, ширин-шакар мевалари билан оламга машҳур бўлган. Зукко ва билимдон олимлари, кураги ерга тегмаган Алломиш келбатли полвонлар, рухсори ой билан талашган Барчинойлар шу заминда ўсиб-улғайишган, меҳнат қилишган, соғу омон, безавол, тўғис турмуш кечиришган.

Лекин узоқ давом этган мустамлакачилик сўбати заминимизга жуда катта маънавий ва моддий зарар келтирди. Ўзбекистон хом ашё базасига айлантирилиб, унинг чинакам sanoatлаштирилишига аҳамият берилмади. Кератидан ҳам ортиқроқ ҳосил олиш ниятида қишлоқ хўжалигида пестицид сингари кимёвий

дорилар ҳаддан зиёд қўлланилди. Машғум режалар асосида қурилган sanoқсиз кимёвий корхоналар мўриларидан чиқаётган заҳарли тўтунлар ўлкамиз ҳавосини ифлослантирди, ўсимликлар дунёсини, борлиқ набототни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйди. Шу билан биргаликда бу бало, бу офат инсонлар саломатлигига ҳам таъжовуз солди. Турли хил юқумли касалликларга чалиниш кескин ортиб кетди. Айниқса сариқ касаллиги қишлоқ аҳолисининг тинка-мадорини қуритиб юборди. Бу айтилганлар ўн гулдандан бир гули очилмай nobуд бўлаётган гўдаклар, қирчиллама қирқ ёшига етмай касалликдан қадди дол бўлган эркаклар, чечакдай саргайган келинчақлар мисолида ўз тасдиғини топмоқда.

Поездларда қишлоқлардан Тошкентга дардига даво излаб келаётган тўп-тўп беморларни кўриб юрак-бағринг эзилиб кетади. Афсуски ҳозир ҳам қишлоқ хўжалиги экинларига йилига 1,3—1,4 миллион тонна минерал ўғит, зараркундаларга қарши курашиш ва бошқа тадбирлар учун 80 тоннадан ортиқ заҳарли моддалар ишлатилмоқда. Нитратга тўйинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан тотинган аҳоли янада кўпроқ касалликка чалинмоқда. Турли касалликлар хуружи олдида тиббиёт оғизлик қилиб қолмоқда.

Дард устига чипқондек иқтисодий таназзул барча соҳалар каби табоатни ҳам ўз домига тортмоқда. Касалхоналарда табоат анжомлари етишмаётир, дорионаларда касалларнинг дардига малҳам бўлувчи дорилар анқонинг уруғи. Борларининг нархи ҳам ўн баробар, юз баробар ошиб кетган.

Ўзбекистонда дорилар етишмаётганлигига асосий сабаб дори-дармон ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг йўқлиги. Жумҳуриятимиздаги кимё-фармацевтика заводи дори-дармонга бўлган талабни асло қондира олмайди. Заводда бор-йўғи қирқдан ортиқ турдаги — у ҳам мукамал бўлмаган дорилар ишлаб чиқарилади.

Аваллари асосий дори-дармонлар четдан олиб келтириларди. Қардош жумҳуриятлар билан алоқаларнинг бирмунча издан қиқилиши табоат соҳасидаги аҳволни янада чигаллаштириб юборди. Юзага келган аҳволни баргарф этиш учун яқинда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси «Республика аҳолисини дори-дармонлар ва тиббий ашёлар билан таъминлаш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилиб, халқимиз дардини енгиллаштиш тадбирларини ишлаб чиқди.

Бу қарор албатта бугунги кун нуқтаи назаридан қарасак, жумҳурият аҳолисини манфаатларига анча мос бўлиб тушди. Зеро, шифокорлик муассасалари томонидан аҳолини беғул даволаш учун дори-дармонлар сотиб олиш харажатларини қоплаш учун жумҳурият бюджетидан 1992 йил учун 1,5 миллиард сўм ажратилгани нур устига аъло нур бўлди.

Бундан ташқари, Вазирлар маҳкамасининг ушбу қароридан уқдириб ўтилишича, юқумли касалликларни камаййтириш, ундан аҳолини муҳофазалаш мақсадида бактерия ва вирусга қарши дориларни сотиб олиш ва эмлаш ишларини ўтказиш учун давлат бюджетидан 50 миллион сўм ажратилибди. Бу маблар эса ўтган йилига қараганда 46,5 миллион сўм кўп демакдир.



Мана бу гиёҳлар ҳам бехосият эмас.



— Вой-буй, ер ёрилибди-я!..
— Хойнаҳой, шу ерда ҳам доривор гиёҳларнинг илдизи бор-дир?

Иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган аҳолининг турмуш шароитини ҳисобга олиб, халқимизга мадад берилиши жуда ўринлидир. Тошкент вилояти дорионалар бошқармаси нархлар бўлимининг бошлиғи Рихситилла Бойматовнинг таъкидлашича, кўпгина дорилар, ўз нархидан арзон нархда сотилаётир. Масалан, 50 сўмлик какарбоксилаза 13 сўмдан, 4 сўм 70 тийинлик анальгин 2 сўмдан, 16 сўмлик новакаин 6 сўмдан аҳолига тарқатилаётир.

Маълумки, юртимизда қадим-қадимдан табоат ниҳоятда юксак даражада ривожланган. Отабоболаримиз табоатда асосан гиёҳлардан фойдаланганлар. Ҳали ҳам жумҳуриятимиз худудида минг турли гиёҳлар ўсади.

Шунинг учун ҳали ҳам бўлса гиёҳлардан тиббий малҳамлар тайёрлашни кенг йўлга қўйсак, оз бўлса-да, дори-дармонларга кўп ҳам зориқавермас эдик. Дарнаклар эса дардларга малҳам излаб овора бўлмас эдилар.

Инсон ҳаётида ҳеч қачон дардга чалинмасин, дори-дармонга иши тушмасин, деймиз-у, лекин начора...

Маъмуржон ҚИЕМОВ

МУСТАҚИЛЛИК

ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг президенти
МАХМУД САЛОҲИДДИНОВ билан
суҳбат

МУХБИР: Мустақил Ўзбекистоннинг бундан буюнги тақдир, ривожланиши, тараққиёти кўп жиҳатдан фанга, малакали мутахассислар тейёрланишига боғлиқ. Шу ўринда жумҳурият мустақилликка эришгандан сўнг фан соҳасида қандай ишлар амалга оширилди?

М. САЛОҲИДДИНОВ: Ниҳоят Академик фан ҳам мустақиллик касб этди, айниқса олий малакали илмий мутахассислар тейёрланиши кенг истиқболлари очилди. Мустақилликка қадр докторантура очиб ва академиянинг аъзоларини сайлаш учун керакли жойлар собиқ СССР ФА билан келишиб амалга ошириш лозим бўларди.

Ҳозирги вақтда 21 институтда 27 ихтисос бўйича шунча докторантура очилди. Докторлик диссертациялари ёқлаганларнинг ўртача ёши 48, номзодлариники эса 34 ёшни ташкил этди.

Хорижий илмий марказлар билан илмий алоқалар сезиларли даражада кенгайди. 70 дан зиёд етакчи илмий ходимлар халқаро симпозиумларда, конференцияларда қатнашдилар, тажриба алмашдилар.

Шунингдек, АҚШ, Туркия, Германия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг илмий марказлари билан мустақам илмий алоқалар ўрнатилди.

Академик фан илмий фаолиятида ўзини ўзи бошқармоқда, натижада фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш учун энг муҳим ва истиқболли илмий муассасаларни тузиш мумкин бўлди. Масалан, Академиямиз таркибида Сув муаммолари институти, Экология-генетика институти, ўғитлар институти тузилди. Тил ва адабиёт институти иккита мустақил — Тилшунослик ва Адабиётшунослик институтига айлантирилди.

М: Жумҳуриятда илм-фаннинг пойдевори мустақам десак, янгилимаган бўламиз. Кўпгина ўзбек олимларининг илмий фаолияти хорижликлар эътиборига ҳам тушган. Айтинчи, ҳозир фаннинг қайси соҳалари бўйича олимларимиз фаоллик кўрсатишарми?

М. С: Ҳа, худди шундай. Илгаридан бизнинг кўпгина фундаментал ва амалий тадқиқотларимизга хорижий олимлар алоҳида эътибор бериб келишган. Айниқса ҳозир кўпгина илмий ва ижодий жамоалар, марказлар ва фирмалар ЎзР ФА фаолиятига, унинг тузилмасига ниҳоятда қизиқиб қараётилар.

Илмий ишларни бажариш учун 1991 йил-

нинг ўзида 24 та хорижий мамлакатларга 63 олим 7 кундан 8 ойгача сафарга жўнатилди (ҳаммаси бўлиб 152 киши сафарда бўлишди). Ўзбекистон олимлари билан АҚШ, Ҳиндистон, Франция, Германия, Хитой Халқ Жумҳурияти, италиялик ва етакчи мутахассисларнинг биргаликда олиб борган тадқиқотлари самарали бўлмоқда.

ЎзР ФА олимларининг материалшунослик ва радиоактив изотоплар ҳамда радиоиммун наборларнинг янги турларини яратиш; юқори қувватлар физикаси; математиканинг бир қатор йўналишлари; ўсимлик моддалар кимёси; Қадимги Шарқ фани ва бой маданият мероси; Марказий Осиёда Қадимги ва Ўрта аср шаҳарлари ролининг ўсиши ва бошқа соҳалардаги оқилона илмий фаолиятлари МДХга кирувчи давлатларда ва хорижда кенг эътироф этилди.

М: Жумҳуриятимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиши, иқтисодий таназзулликлар фаннинг ривожланишига тўсиқ бўлаётми?

М. С: Маълумки бозор иқтисодиёти муносабати туфайли вужудга келган таназзулликлар биронта соҳани четлаб ўтмагани каби илмий жаҳаларнинг ҳам ривожига бир мунча салбий таъсир кўрсатмоқда. Бинобарин бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда материаллар ва фан учун керакли асбоб-ускуналарга эркин нархлар белгилаётганлиги туфайли Фанлар академиясида олиб борилаётган тадқиқотларни зарур моддий манба билан таъминлашда қийинчиликларга дуч келяпмиз. Реактивлар, тажрибага мўлжалланган жониворларга, ихтирочилик ишларига, илмий хизмат сафарлари ва хоказоларга сарф-харажатлар эса илгариги ҳажмда сақланган бўлса ҳам бу миқдор нарх-наво олиб кетган бозор шароитида асло етарли эмас.

Республика халқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган асосан фундаментал, илмий изланишларга оид ҳамда амалий тадқиқотларга давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади.

Республика Президенти ва Ҳукумати ҳозирги қийинчилик ва бюджет танқислигига қарамай фаннинг ривожини сусайтирмаслик, олимларимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида баҳоли қудрат бир қатор амалий чораларни кўрди. Академияга мустақиллик берилди. Бюджет маблағи қисқартирилмади. Ходимлар ойлик маошлари сурункасига оширилмоқда.

Илмий тадқиқот ишлари олиб бориш учун

буюртмачилар билан тузилган шартномалар ҳажми 1992 йилда ҳам 1991 йил даражасидан кам бўлмади.

Лекин сарф-харажатлар кескин тарзда ортиб кетганлиги туфайли корхоналар ва ташкилотлар илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш имконига эга бўлмади қолдилар.

Илгари тузилган ҳўжалик шартномалари илмий ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, ишланмаларни халқ ҳўжалигига жорий этишдан моддий манфаатдорликларини ошириш имконини берган бўлса, энди материаллар, асбоб-ускуналар, хизматларнинг нархлари, шунингдек қўшилган қиймат учун бюджетга тўланадиган ҳақ жуда ошиб кетган ҳозирги шароитда бундай ишлардан мутлақо фойда олинмаётир.

М: Фанимизни юқори босқичга, яъни жаҳон мезони даражасига кўтаришимиз давр талаби бўлиб қолди. Шу катта ният йўлида Академия тизимидаги илмий муассасаларда қандай ишлар амалга оширилаётир?

М. С: ЎзР ФАнинг илмий муассасаларида ижодий фаолият кўрсатаётган олимлар ҳозирги вақтда 49 та илмий йўналиш доирасида 633 та мавзунини ишлаяптилар. Микроэлектроника, ядро физикаси, энергетика, янги материаллар ва буюмлар олиш, молекуллар биология ва биотехнология, ўсимлик моддалари кимёси, истиқболли технологияларни, ҳисоблаш техникаси воситаларини тузиш ва уларнинг дастурий-математик таъминланиши ва бошқа соҳаларнинг устивор йўналишлари бўйича тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Минтақавий тусдаги энг муҳим муаммолар, шу жумладан гелиотехника ва энергиянинг ноанъанавий манбаларидан фойдаланиш, иншоотларнинг сейсмик динамикаси ва машиналар механикаси, ген чикитли технологиялар яратиш, гўза генетикаси ва ген муҳандислиги бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар қилинмоқда. Илмий жамоалар инсон ва атроф-муҳит учун зарарсиз юқори самарали ўғитлар, пестицидлар, дефолантлар, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги учун биологик фаол бирикмалар яратиш устида меҳнат қиляптилар. Ўрта Осиё литосфераси таркибининг тузилиши ва эволюциясини, республика минерал хомашё ёқилги-энергетика базасининг илмий асосларини ўрганиш бўйича иш олиб боришмоқда.

Ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасидаги тадқиқотлар меҳнат ва табиий захира-

лардан оқилона фойдаланишга, республика-
га ҳўжалик юртишнинг янги шароитлари-
га ўтказишга, Урта Шарқ маданияти, инсон
кадриятлари ва бошқа муаммоларни ишлаб
чиқишга йўналтирилмоқда.

Ҳозирги даврда энергиянинг қайта тик-
ланган манбаларини ўрганиш, ёқилги-энер-
гетик, минерал-қомашё ресурсларини ва
улардан оқилона фойдаланишнинг илмий
асосларини ишлаб чиқиш соҳасидаги ишлар,
пахта мажмуининг илмий асослари соҳаси-
даги тадқиқотлар тез ривожланиб бормоқ-
да. Усимлик ва синтетик биобошқарувлар-
ни кимёвий ва биологик ўрганиш тадқиқот-
лари, тиббиёт, озиқ-овқат саноати ва халқ
ҳўжалигининг бошқа тармоқлари учун пре-
паратлар ишлаб чиқиш устуни даражада ри-
вожлантирилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанлари долзарб
вазифалари ақинда бўлиб ўтган Ўзбекистон
Республикасининг мустақиллигини мустаҳ-
камлашга бағишланган махсус илмий сес-
сияда аниқлаб олинди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Тожи-
кистон, Туркменистон, Қирғизистон, Қозо-
ғистон ва Озарбойжон Фанлар академияла-
ри президентларининг учрашувида акаде-
миялараро тадқиқотларнинг устивор йўна-
лишлари ишлаб чиқилди. Шундан тўрттаси
бўйича УзР ФА мувофиқлаштирувчилик
қилмоқда. Булар қуйидагилардир:

— замонавий пахта мажмуининг илмий
асосларини яратиш ва ривожлантириш,
экологик ва ижтимоий-иктисодий муаммо-
лар;

— минтақа давлатларининг ишлаб чиқа-
рувчи кучлари ривожланишини белгилаш
ва уларнинг структурасини такомиллашти-
риш;

— энергиянинг қуёш ва бошқа анъана-
вий манбаларидан атрофчила фойдаланиш;
— демографик жараёнларда Урта Осиё,
Қозоғистон ва Озарбойжон республикалари-
нинг меҳнат ресурсларидан оқилона фойда-
ланиш.

Академиялараро мувофиқлаштириш ке-
наши, шартнома тузилиди, унинг бажарили-
ши ягона илмий маконни сақлаш ва бойи-
тишда, биргаликда куч-ҳаракат қилиб, ил-
мий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш
ва аттестациядан ўтказиш, ҳўжжатларни
тенглаштириш, ноёб илмий-техникавий
объектлар барпо этиш, улардан фойдала-
ниш ва ҳоказоларда қўмақлашди.

М. Жумхуриятимизда Президент Фармо-
ни билан Олий аттестация комиссияси таш-
кил этилди. ОАКнинг илм-фандаги бундан
кейинги роли ҳақида тушунча берсангиз?

М. С: Фанни ривожлантиришда УзР ОАК
алоҳида ўрин тутди. Энг аввало илмий му-
тахассисларга бериладиган дипломларнинг
этироф қилиниши учун ЮНЕСКОда ма-
қонни тенглаштириш лозим. ОАК тузилиши
фан ривожиди ниҳоятда муҳим аҳамиятга
эга, чўнки илмий тадқиқотлар, юқори ма-
лакали мутахассислар тайёрлаш даражаси-
ни белгилаш Ўзбекистон Республикасида
фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг
устивор йўналишларини ҳисобга олган ҳол-
да ўтказилди.

Энг муҳими шундаки, илмий фаолият на-
тижаларини баҳолашда адолатлилик ва
хотисликка эришиш, ОАК ишига ҳар қан-
дай шаклда таъйиқ қўрсатиш ва аралаш-
дан сақланишидир.

М. Жумхуриятимиз маданиятига улкан
хисса қўшаётганлар сафиди, ёзувчиларнинг
ҳам алоҳида ўрни бор. Уларнинг бир қанча-
си ҳаётлик чоғларида Фанлар академияси-
нинг аъзолари эдилар. Лекин, афсўски,
кейинги даврларда шу анъана давом эти-
рилмади. Қолажақда халқ севган қалам
аҳллари академияга аъзо бўлишадими?

М. С: Академия ташкил қилинган
даврда (1943 йил) академиянинг аъзолари
қилиб катта олимлар қатори машҳур ёзув-
чилар ҳам сайланган. Бу анъана 70-йиллар-
гача давом этиб келди. Ҳозирги пайтда
йирик ёзувчи ва адабиётшунослар Респу-
блика академияларининг низомиларига, шу
жумладан бизнинг Низомга ҳам академия-

га аъзо бўлиш учун фан доктори илмий да-
ражасига эга бўлиши тўғрисида модда
киритилган. Шу сабабли академиянинг май
ойида бўлиб ўтган йиллик Умумий маж-
лисиди докторлик илмий даражасига эга
бўлмаган катта ёзувчи ва шоирларимизни
академиямизнинг фахрий аъзоси қилиб сай-
ланиши мўмкинлиги тўғрисида қарор қа-
бул қилдик.

М: Илгор мамлакатларнинг фан соҳа-
даги ибратли томонларини ўзлаштириш
фойдали бўлиши шўбҳасиз. Сиз яқинда
Америка Қўшма Штатларига бориб келиб-
сиз. У ерда олган таассуротларингиз ҳақи-
да гапириб берсангиз.

М. С: Ҳа, ҳақиқатдан ҳам 1992 йилнинг
май ойи ўрталарида Ўзбекистон Респу-
бликаси Фанлар академиясининг делегацияси
АҚШда илмий сафарда бўлди.

Делегация таркибига қуйидагилар ки-
ришди: мен, УзР ФА вице-президенти, ака-
демик Асқар Холмуродов ва УзР ФА Ядро
физикаси институтининг директори, про-
фессор Бехзод Йўлдошев. АҚШ га мазкур
ташриф Вашингтон университетининг
(Сиэтл шаҳри, Вашингтон штати) тақли-
фига кўра амалга оширилди, шу универси-
тет билан Ўзбекистон Фанлар академияси
орасиди 1990 йилда илмий-техникавий ҳам-
корлик тўғрисида расмий шартнома тузил-
ган.

Сафардан мақсад Ўзбекистон Фанлар
академияси ва Вашингтон университети
олимлари ўртасиди илмий алоқаларни ке-
нгайтириш ва чуқурлаштириш, қўшма тад-
қиқотлар ўтказиш, олимларни, илмий маъ-
лумотлар ва адабиётлар алмашиш юзаси-
дан кенг масалалар доирасини муҳокама
этишдан иборат бўлди. Бундан ташқари
Сиэтл, Беркли, Вашингтон ва Нью-Йоркда
бўлиш вақтида илмий, амалий ва жамоат
ташқилотларининг вакиллари билан учра-
шувлар ўтказилди.

Сиэтлда Вашингтон университетининг
раҳбарияти билан самарали муҳокамалар
ўтказилди, шу университетда олиб борила-
ётган тадқиқотлар билан танишилди, маз-
кур олимлар ва жамоат ароблари, Ўзбеки-
стондан стажировкага келган мутахассислар
билан учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилди.
Ўзбекистонда фаннинг аҳволи ва ривожла-
ниш истиқболлари ҳақида маърузалар, шу
жумладан махсус семинарларда математика,
биология ва физиканинг долзарб муам-
молари бўйича маърузалар қилинди.

Умуман Вашингтон университетига таш-
риф ниҳоятда фойдали ва самарали бўлди.
Университетнинг турли департаментлари
билан илмий алоқаларни жиддий мустаҳ-
камлаш ва кенгайтиришга, ўзаро манфаат-
ли соҳаларни аниқлашга ва Ўзбекистон
Фанлар академияси билан Вашингтон уни-
верситети орасиди алоқаларни янада ке-
нгайтириш тўғрисида бир қанча битимлар
тузишга муваффақ бўлинди.

Биродарлашган Тошкент ва Сиэтл, Са-
марқанд ва Олимпия шаҳарларининг наму-
наси, шунингдек УзР ФА Ядро физикаси
институтини билан Вашингтон штатининг
табiiй ресурслар департаменти ўртасиди
олиб борилган қўшма ишлар, бундай алоқ-
лар нечоғли фойдали ва ўзаро манфаатли
бўлиши мўмкинлигидан далолат беради.

Делегация Сиэтлда бўлган вақтда
«Боинг» авиасозлик компанияси заводига
ташриф буорди, компания Ўзбекистон бил-
ан амалий алоқалар ўрнатилишига жуда
қизиқмоқда. Жумладан, мазкур фирма
халқаро савдо бўлимининг директори Питер
Эренволд биз билан суҳбатда Ўзбекистон-
нинг авиасозлик заводлари ва авиакомп-
аниялари билан узоқ мўддатли мўлжаллаб
ҳамкорлик қила олиш мўмкинлигини таъ-
кидлади.

Шунингдек, «Шеврон» нефть компанияси-
нинг вакили, МДХ мамлакатлари ишлари
бўйича бош менеджер Дэн Жонс билан суҳ-
бат бўлди. Д. Жонс таъкидладики, Ўзбеки-
стонда яқинда очилган нефть конларига
«Шеврон» жуда қизиқмоқда ва яқинда Қозо-
ғистон билан Тенгиз нефть конларини

бирга қазиб тўғрисида имзоланган шартно-
мага Ўзбекистон компанияси ҳам шўбҳасиз,
қизиқиб қарамоқда.

Бизнинг профессор-офтольмолог, ҳаёнда
машҳур «учиб юрадиган» «Орбис» кўз
клиникасининг вакили Стивен Мау Кайтис
билан учрашувимиз айнақса катта эътибор-
га лойиқдир. Маълумки, бу халқаро ташқи-
лот яқинда самолёт базасиди учиб юради-
ган жарроҳлик клиника яратди, у турли
мамлакатларга кўз касалликлари бўйича те-
ника тиббий ёрдам кўрсатади. Биз билан
суҳбатда профессор Мау Кайтис агар Ўзе-
кистоннинг тегишли ташқилотлари билан ке-
лишса, келгуси йилнинг апрел — май ой-
ларида бизнинг республикамизга ҳам шун-
дай ёрдам беришга тайёрлигини ихсоз этди.

Шуни таъкидлаш муҳимки, кўз опера-
циялари ўтказиш, дори-дармонлар билан таъ-
минлаш ва бир қанча маҳаллий жарроҳ-
ларни энг замонавий усулларда ишлашга
ўргатиш учун кетадиган ҳамма харажат-
лари бу клиника тўла ўз зиммасига олади.

Клиника ўзининг ҳамма харажатларини
Ўзбекистонга келиб тўлашга тайёр. Бунда
фирма вакиллари уларни Тошкент шаҳар
аэропортида беморларни қабул қилиш учун
қулай қароргоҳ, ходимларни меҳмонхонага
ташиш учун иккита автомашини ва меҳмон-
хонада мақбулроқ нарх билан таъминлаш-
ни илтимос қилдилар. Ходимларнинг умумий
соли малакали тиббий ҳамшираларни қўшиб
ҳисоблаганда салкам 30 кишидир.

Бизнинг фикримизча, бу тақлиф Ўзбеки-
стон аҳолисига жуда катта ёрдам бериши
мўмкин, бунинг устига клиника бир кунда
20 дан кўп операция қилаолади ва
Тошкентда камида бир ой бўлмоқчи.

Бундан ташқари, Вашингтонда АҚШ Ил-
мий тадқиқотлар Миллий жамғармасининг
халқаро дастурлар директори, профессор
Марсел Бардон, МДХ ва Шарқий Европа
мамлакатлари бўйича дастур раҳбари Глен
Швейпер шахсида АҚШ миллий Фанлар
академияси раҳбарияти билан учрашувимиз
бўлиб ўтди.

Бардон ва Шер билан бўлган музокара-
ларда америка олимларининг тақлифлари-
га кўра Ўзбекистонда келган олимлар учун
қўшимча маблағлар ажратиш мўмкинлиги
тўғрисида жиддий келишувга эришилди.
Бизнинг назаримизда, бу битим АҚШ илгор
марказларида юксак илмий даражада ўт-
казилган турли тадқиқот лойиҳаларида
республикамиз тадқиқотчиларининг кенг-
роқ иштирок этишлари учун зўр истиқбол
очади. Мазкур масала тезди ишлаб чиқи-
лишини талаб қилмоқда, бунинг учун эса
яқин фурсатда тегишли дастурларга кири-
ша оладиган олимларни аниқлаш лозим.

Миллий Фанлар академияси раҳбарияти
билан музокаралар чоғиди икки Академия
ўртасиди ҳамкорлик қилиш мўмкинлиги
тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.
Ўзбекистондан АҚШ га таъриб орттириш
учун борадиган Ўзбекистоннинг ёш олим-
ларига Америка томонидан мадад кўрсати-
лиши тўғрисида битим тузилди.

Шундай қилиб, АҚШга қилган сафаримиз,
бизнинг назаримизда, ниҳоятда фойда-
ли ва мазмунли ўтди. Албатта қисса сафар
натижасиди АҚШ илмий-тадқиқот марказ-
ларининг вакиллари билан самарали учра-
шувлар ўтказилди, Ўзбекистон Фанлар ака-
демиясининг олимлари билан АҚШнинг
қатор илмий марказлари ўртасиди илмий
алоқаларни янада ривожлантириш тўғриси-
да битимлар ишлаб чиқилди ва улар имзо-
ланди. Етақчи Америка олимлари, илмий
муассасалар, илмий жамғармаларнинг раҳ-
барлари, расмий кишилар, турли компания-
лар ва жамоат ташқилотларининг вакиллари
билан учрашувлар бўлиб ўтди.

АҚШга қилинган бутун сафар давомида
делегаиямиз илиқ қутиб олинганини таъ-
кидлаш лозим.

— Мазмунли суҳбатингиз учун катта
раҳмат.

Суҳбатдон:
Абдураззқ ҚАРИМ.




Академик Махмуд Салоҳиддинов

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Тоҷикистонлик ҳаваскор рас-
сом Орифжон Солиевнинг «Те-
мур Малик» романига ишлаган
тасвирий асарларидан намуна-
лар.





Ўзбекистон қурилиш вазирлигига қарашли Денов шаҳридаги 165-трестидаги 979-қурилиш бошқармасининг қурувчилари элдан олқиш олиб ишлаётирлар. Суратларда: трест бошлиғи Тошхўжа Жиянов. Қизгин меҳнат жараёни.

Суратқаш Р. НУРИНБОЕВ



Воҳид Абдулло — жумҳуриятимизнинг кўпгина жойларида маълум бўлган аллома — Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, филология фанлари доктори, профессор, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби бўлиб, раҳматли тирик бўлганларида саксон ёшга кирган бўлур эдилар.

Воҳид Абдулло 1912 йил Самарқандда камбағал деҳқон оиласида туғилган. Дастлаб мактабларда таълим олди. 1932 йилда Фарғона Давлат педагогика институтини битирди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР Фанлар Комитети қошидаги аспирантурада таълим олди. Машҳур олимлар: Садриддин Айний ва Е. Э. Бертельсдан илм сирларини ўрганди. 1941 йил 31 майда Ўзбекистонда биринчи бўлиб улдуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий ҳақида номзодлик диссертациясини химоя қилди. Олимнинг «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва Самарқанддаги адабий фаолияти» деб номланган номзодлик диссертацияси ўз вақтида навоийшуносликда янгилик бўлди.

1935—1942 йилларда Воҳид Абдулло Бухоро ва Самарқанд пединститутларида ўқитувчи бўлиб ишлади. Шундан сўнг Самарқанд Давлат университетига ишга ўтди. Шу давр ичида у мамлакатимизга малакали филолог кадрлар, олимлар етиштиришга катта куч-ғайрат сарфлади ва жуда яхши натижаларга эришди. Бу жиҳатдан олимнинг айниқса 1963—1970 йилларда Самарқанд Давлат дорилфунунининг ректори сифатида бажарган ишлари диққатга сазовордир. Унинг илмий раҳбарлигида қирқтача ёш илмий ходим номзодлик диссертациясини ёқлади. Шунингдек, унинг раҳбарлигида бир қанча олимлар докторлик диссертацияларини химоя қилдилар.

Воҳид Абдулло жумҳуриятимизда адабиётшунослик фани тарраққотишга улкан ҳисса қўшди. Ўзбек адабиёти тарихидаги ҳали ҳеч кимга маълум бўлмаган сиймоларни қайта «тирилтиришда» — уларнинг ноёб асарларини халқ орасида кенг тарғиб қилишда, ўзбек адабиёти тарихининг очилмаган кўриқларини очишда Воҳид Абдулло хизматлари катта. Бу соҳада айниқса унинг 1959 йилда «XVII—XVIII асрларда Хоразмда ўзбек адабиёти» деган темада Бокуда ёқланган докторлик диссертацияси қимматлидир. Ўзбек адабиётшунослигини бойитган бу тадқиқот изланувчан олимнинг узок йиллар давомида олиб борган жиддий меҳнати, таъқур илмий текширишларининг мевасидир. Икки томдан иборат бўлган маъмур асар ўзбек классик адабиётининг бойлиги ва ўзинга хослигини исботлашда катта аҳамият қозонди.

Зотан айрим олимлар, XVII—XVIII асрлар ўзбек адабиёти тарихида «сокин» давр бўлган, бу даврда адабиёт деярли ривожланмаган, кўзга кўринарли шоирлар ўтмаган, деган фикрларни такрорлаб келар эдилар. Воҳид Абдулло жуда кўп нодир кўлэ-

ма манбаларни топиш, уларни синчиклаб ўрганиш асосида бундай гайри илмий фикрларни рад этди. Мавлоно Вафой Вафо, Пахлавон кули Равнак, Хоксор ва Нишотий, Талиб Талибий каби ўтмишда унутилган шоирларни янгидан кашф этди. У киши адабиётимиз тарихига оид турли мавзуларда ёзилган 200 дан ортиқ илмий ишнинг муаллифидир. «Алишер Навоий Самарқандда» (1968), «Хоксор ва Нишотий» (1960), «Асрлар нафаси» (1970), «Янги урф-одатлар» (1973), «Ўзбек адабиёти тарихи» (1981) каби монография, дарслик ва ўқув кўлланимлари ҳам Воҳид Абдулло қаламига мансубдир. Олимнинг илмий ишлари материалнинг янгилиги, фактларнинг кўплиги, таҳлилнинг пухталиги билан характерланади. Унинг асарлари орасида «Ўзбек адабиёти тарихи» номли дарслиги алоҳида ажралиб туради. Жумҳуриятимизнинг «Ўқитувчи» нашриёти томонидан олиёғув юртлари учун дарслик сифатида уч марта (1964, 1967, 1981 йилларда) нашр этилган бу китобда XVII—XIX асрнинг биринчи ярмидаги ўзбек адабиёти илмий тарзда ёритилган.

Воҳид Абдулло ўзбек адабиётининг тарихига оид бўлган мавзуларни ишлаш билан кифоёланмай қолмайди, у тожик, туркман, озарбойжон, қозоқ адабиёти бўйича ҳам илмий ишлар олиб борди. У «Фузулий ва ўзбек адабиёти», «Собир ва Ажзий», «Мирзо Бедил буюк шоир ва мутафаккир», «Жомий ва ўзбек адабиёти», «Ўзбек ва туркман адабий алоқалари тарихидан» каби илмий мақолаларида озарбойжон, тожик, қозоқ ва туркман адабиётларининг билимдони сифатида қалам тебратиб, қардош халқлар адабиётига оид, хусусан адабий таъқур ва адабий алоқаларга доир қизқарли фикрларни баён этади. Ана шу илмий асарларга қараб, уни қардош халқлар адабиётининг ҳам йирик мутахассиси деб бемалол айтиш мумкин.

Бугина эмас, беназир олимнинг ҳозирги замон ўзбек адабиёти масалаларини ёритиш бўйича олиб борган илмий тадқиқотлари ҳам самаралидир. Унинг «Октябрь кунлари ва граждандар уруши йилларида ўзбек поэзияси», «Ўзбек совет адабиёти

40 йил ичида», «Ўзбекистонда болалар адабиёти», «Садриддин Айнийнинг ўзбек классиклари ҳақидаги этюдлари», «Шижоатли одамлар қиссаси», «Ўзбек совет адабиётининг илк тоғида» каби илмий мақолаларида ўзбек адабиётининг қатор муаммолари ёритилган. Янги адабиётимизнинг ютуқлари илмий асосда умумлаштирилган, аёнана ва янгиликка оид фикрлар баён этилган, айрим тур ва жанрларнинг тараккиёти, ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Воҳид Абдулло шоир ва носир сифатида ҳам танилган. У — «Самарқанддан фронтга», «Самарқанд сайли», «Ҳамзаобод», «Хайричка», «Мадақдор эшелон» каби дoston, қисса ва тўпламларнинг муаллифи. Воҳид Абдулло Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси эди.

Жумҳуриятимиз меҳнаткашлари уни бой маданиятимизнинг фаол тарғиботчиси сифатида ҳам яхши эслайдилар. Олим ажойиб нотик сифатида меҳнаткашлар орасида маърузалар билан тез-тез кўриниб туради. Таниқли ёзувчи Садриддин Айний олим ҳақида шундай деган эди: «... Уртоқ Воҳид Абдулло биламд талантили, зийрак, меҳмондўст ва бошлаган иши устида зерикмай, вақтини қизганмай ишлайдиган илмий ишчи. Унинг бу сифатларини салмоқдор қилган нараса олимнинг форсча-тожикча ва эски ўзбекча манбаларни тушунаб ўқиш ва улардан етарли даражада фойдалана олишидир».

Воҳид Абдуллонинг илм-фан соҳасидаги, етуқ кадрлар тайёрлаш бобидаги хизматлари ҳукуратимиз томонидан доимо муносиб тақдирланарди. У киши қатор орден, медал ва фахрий ёрликлар билан тақдирланганди. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби» (1972) фахрий унвонини олишга сазовор бўлган, 1960 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилда ҳақиқий аъзо қилиб сайланган эди.

Шоғирдлари тимсолида намоён бўлаётган раҳматли Воҳид Абдуллонинг руҳлари шод бўлган.

Нуриддин ШУКУРОВ,
Сайдулла МИРЗАЕВ,
Ботирхон ВАЛИХУЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, профессорлар



Аллома

Дунёда яшаётган барча халқлар тасодифан пайдо бўлган эмаслар, балки асрлар давомида босқичма-босқич шаклланганлар. Маълум давр мобайнида айрим халқлар ўзларининг этник номларини сақлаб қолишган бўлса, баъзилари бошқа халқлар таркибига сингиб кетишган. Этник қатламлар ҳам ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатларда ўзларидан аввалроқ тараккий этган гуруҳлар таъсирида бошқа қавмларга сингиб кетишган ҳоллар учрайди. Бизнинг аجدодларимиз бўлиш туркий қавмлар ҳам ўз номларига эга бўлгунга қадар, турли этник номлар остида бошқа қавмлар билан бирга яшаганлар.

Ўзбекларнинг қадимги аجدодлари милоддан аввалги II-I минг йилликларда Амударё ва Сирдарё оралиги ва унга яқин бўлган водий ва тоғли ерларда яшаб келган кўчманчи сак ва массагет қабиалари, шунингдек, сўғдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, шошликлар ва паркона (фаргона)ликлардир. Ўзбекларнинг этник шаклланишига, юқорида номи қайд этилган уруғ ва қабиалардан ташқари, икки дарё — Амударё (қадимги номи Укуз) ва Сирдарё (қадимги номи Инжу Укуз) оралигига Жанубий Сибир, Олтой, Еттисув, Шарқий Туркистон ҳамда Ёйқ (Урал) дарёси бўйларидан келган этник уюшмалар ҳам маълум улш қўшганлар.


Урта Осиё халқлари ҳақидаги дастлабки маълумотлар милоддан аввалги VIII асрга оид Яқин Шарқ манбаларида учрайди. Қадимги юнон ва рим тарихчи-жуоғрофларининг ёзишларича, мўғул чўлларида Кримгача бўлган ҳудудда скифлар деб номланган қабиалар яшаганлар. Рим тарихчиси Помпей Трог скифларни мисрликлар билан тенглаша оладиган даражада қадимийдир, деб ёзган. Милоддан аввалги II-I ва милодий I-V асрларда яшаган юнон олимлари Птоломей, византиялик Менандр маълумотларига кўра, Каспий денгизининг шарқий қирғоғида Марказий Осиёгача бўлган ерларда скиф номи билан яшаган халқларнинг асосини унлар (хунлар) ташкил этганлар.

Хунларда мансаблар туркий ном билан ифодаланган. Масалан, ўнг қўл билгачан, сўл қўл билгачан, ёбғул (вазир), ўнг қўлхан, сўл қўлхан, улуг тутунбаг, улуг санғун, туманбоши, мингбоши, юзбоши, ўнбоши каби амалдорлик ва ҳарбий лавозимлар жорий қилинган. Ҳокимият бошлиғи бўлган ҳоқон Тангри Қут номи билан аталган. Хунлар туркий халқларда қўлланганига ногора, най каби мусиқа асбобларидан фойдаланишган.

Пленей маълумотларига кўра, бу ерларда 20 га яқин қабиалар яшаб, улар ичида саклар, массагетлар, исседонлар, дайлар, асаклар, хоразмийлар, гирканлар, каспийлар, дербеклар, барканийлар, тапуллар ва бошқалар ўзларининг жанговарликлари билан ажралиб туришган. Улар найза ва камон билан жанг қилишга уста бўлишган. Скифларнинг этнография, антропология хусусиятлари хунларга ёки туркий халқларга ўхшаш бўлган. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, Исқандар Зулқарнайн Урта Осиёни босиб олаётганида турклар ўқ-ёйни тўрига қандай отса орка тарафга ҳам шундай маҳорат билан отишганини кўриб лол қолган. Туркларнинг бу одатлари жанговар скифлар удумларига хос бўлиб, уларнинг ривожланиш жараёни скифлар фаолияти билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айрим маълумотларда скифлар давлатига асос солган подшоҳ Тергитой ва унинг ўғли Ергитой исмлари туркча бўлиб, бу скифларнинг баъзи гуруҳлари туркий тилда сўзлашган, дейишга асос бўлади. Аммо шунини таъкидлаш лозимки, скифлар мураккаб қабиалар бирикмасидан иборат бўлиб, бу қабиаларнинг бир қисми шимолий эрон тилларига мансуб қабиалардан ташкил топган (ҳозирги осетинлар авлоди).

Мўғул ирк вакиллари эса Урта Осиёга дастлаб милоддан аввалги I минг йиллик ўрталарида кириб келишган. Марказий Осиёдан келган қордавр аҳоли Осиёнинг учта қатта чўл зонасига кенг ёйилган Тенсон ва Олойда, ҳозирги Навоий вилояти ҳудудларида, Устюртда ва Қозғистоннинг Қизил-Урда вилоятида

ДАРЁГА АЙЛАНГАН ИРМОҚЛАР



жойлашган. Марказий Осиё кўчманчиларининг фарбга силжиши, фақат Урта Осиё билан чегараланмай, балки Киевгача давом этган.

Антик даврда Урта Осиёга келган мўғулий қабиаларни маҳаллий аҳоли ўз таркибига сингдириб юборган. Чунки кўчманчи қабиалар, биринчидан, маданий жиҳатдан орқада бўлса, иккинчидан маҳаллий аҳолига нисбатан кам сонли бўлганлар.

Милоддан аввалги учинчи асрда оқ хунлар ёки юзчиликлар Марказий Осиёнинг Ганьсу вилоятида яшаганлар. Милоддан аввалги 209 йили оқ хунлар билан Марказий Хун империясининг иттифоқчиси (Усунлар) ўртасидаги урушларда оқ хунлар енгилди ва Ганьсудан фарбга — аввал Қашгар водийсига, сўнгра Бактрияга кўчиб келишди. Улар ҳозирги Туркхондёр ва Қашқадарё воҳаларига жойлашиб, салавкийлар (юнон-македонлар) давлатига зарба беришди. Бу ҳақда Страбон: «Греклардан Бактрияни тортиб олган кўчманчилар орасида осилар, пасианлар, тоҳарлар ва сакраудлар машҳур бўлиб, улар Яксартнинг нариги қирғоғида саклар эгаллаган ерларда саклар ва сўғдийлар билан ёнма-ён яшаган», деб ёзди. Помпей Трог эса: «Бактрия ва Сўғдийнинг скиф қабиаларидан бўлган сарауқлар ва осийнлар эгаллашди», деб маълумот беради. Милоддан аввалги II асрда ана шу қабиалар асосида Кушан давлати вужудга келади. 120 минг оиладан иборат бу давлатнинг ақсари аҳолисини кушанлар ташкил этиб, уларнинг тиллари; урф-одатлари ва расми-русумлари қангллар (қанглилар), қанлар, усунлар, тюкюларга яқин бўлган. Кушан давлатида жуанжуанлар (мўғуллар) ҳам яшаган. Қангллар туркий халқ бўлиб, Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшаганлар.

Урта Осиё ва унга яқин мамлакатлар халқларининг шаклланишида маълум роль ўйнаган эфталитлар номли қабиалар уюшмаси ҳам туркий этник элементлар негизида шаклланган. Масалан, V асрда элли-бактрия ҳамда кушанлар ва эфталитлар (хионитлар, абдалар) даврига оид туркий тилда битилган жумлалар сақланиб қолган: «Куйсан (Кушон) тилинтин тухри тилинча йаратмыш, анаткак (санскрит) тилинтин тухри тилинча йаратмыш». Бу мисол кушонлар (гуйшонлар) ва эфталитлар туркий тилда сўзлашганиликларини тасдиқлайди.

Араб тарихчиси Табарий маълумотига кўра, Баҳром ғур Сосонийлар тахтини эгаллагач (420-437) турклар (эфталитлар)нинг мамлакатга ҳужумидан безор бўлади ва хийла билан уларни енгач, турклар мамлакатни билан чегарани белгилаб олади. Фирдавсийнинг ёзишича, Чағониён, Хутталон, Балх ва Бухоронинг «турк» зодагонлари мағлубиятдан кейин Эронга солиқ тўлаб туришган. Табарий маълумотига кўра, Эрон шоҳи Феруз (459-484) кейинчалик «Тоҳаристонни эгаллаган ва ўзларини эфталитлар деб атаган туркий халққа қарши уруш очди. Урушда Феруз шох ҳалок бўлади. Ғолиб чиққан эфталитлар бутун Хуросонни эгалладилар. Ҳинд маълумотларида эфталитлар хунлар номи билан учрайди. 433 йили Атилла раҳбарлигида хун қабиалари иттифоқи вужудга келган. Бироқ кейинчалик бу иттифоқ тарқалиб, хунлар бўл-

ғорлар, суварлар, аварлар ва хазарларга бўлиниб кетган.

У асрнинг иккинчи ярмида эфталитлар Урта Осиёдан кейин бутун Шарқий Туркистонни ҳам эгаллашди. Улар кейинчалик жанубга ҳужум бошлаб, Шимолий Ҳиндистон ерларини қўлга киритдилар.

Уша даврларда Мовароуннахрга кўчиб келган туркий тилда сўзлашувчи қабиалар Урта Осиёнинг шарқий чегараларида яшаганлар ва ташқи қиёфаси европид хусусиятларига эга бўлиб, Мовароуннахрнинг туб жой аҳолисидан деярли фарқ қилмаганлар. Кейинги йилларда Фаргона водийси, Самарқанд вилояти ва Панжакент туманида олиб борилган антропологик тадқиқотлар илк Урта асрларда бу ерлар аҳолиси таркибиде мўғулий белгилар кам эканлигини ва улар ўзларининг ташқи қиёфалари жиҳатидан ҳозирги ўзбек ва тожик халқларидан фарқ қилмаслигини кўрсатади.

Тарихан скифлар, хунлар, эфталитлар ва бошқалар номи билан яшаган Урта Осиё халқлари VI аср ўрталаридан бошлаб ўтган бир ярим минг йил давомида турклар номи билан машҳур бўлдилар. Туркий халқлар асрлар оша Осиё, Европа, Африка қитъалари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида етакчи ўринларини эгаллаб қолдилар.

VI асрда Олтой билан Урта Осиё чегараларида янги давлат — Турк ҳоконлиги вужудга келди ва у Урта Осиё халқлари ҳаётида муҳим роль ўйнади. Турклар ёзма манбаларда турли ўхшаш номлар билан маълум. Масалан, хитойлар уларни «туцзюэ», мўғуллар «туркюрт», форслар «турк» деб аташган. «Турк» сўзи таъбирига келсак, энг қадимий туркийзабон халқлар хитой солномаларида милоддан аввалги 1756 йилдан бошлаб учрайди. Бу халқ унда «хунлар» деб аталган. Уларнинг тили туркийзабон бўлишига қарамастан, турк деб аталмаган. Турк сўзи этник ном сифатида милодий V асрдан бошлаб учрайди. Уша хунлар тоифасини улар билан аралашиб турган мўғуллар «Турк-уту», яъни мўғулча «Бури уруғи» деб атаганлар. Турк ҳоконлигига асос солган кишининг номи Ашин бўлиб, мўғулча Бүри деган маънони билдирган.

552 йили Или дарёси водийсида турклар билан жуан-жуанлар ўртасидаги жангда турклар ғолиб чиқшган ва уларнинг бошлиғи Бүмин ўзини Улуғ хон деб эълон қилган. 554 йили туркларнинг қатта оқими фарбга йўл олади. 555 йили улар бирор жиддийроқ қаршиликка дуч келмасдан, Қипчоқ қайтдиларни, Орол бўйлари ва Хоразм воҳасини эгалладилар. 558 йили улар сармат-алан қабиаларини, угорлар (ҳозирги хунгрлар авлодлари) ни енгиб, Волга бўйларигача етиб боришди. Бироқ Волгадан ўтмасдан, Қипчоқ қайтдилар. Улар Урта Осиёдан эфталитларни Афғонистон ва Ҳиндистон тарафга суриб, уларнинг ўрнини эгалладилар. Бироқ ўзаро урушлар туфайли йирик турк давлати иккига: Шарқий ва Ғарбий турк ҳоконликларига бўлиниб кетди. Ғарбий турк ҳоконлиги 545 йилдан 765 йилгача мавжуд бўлиб, унинг таркибига Ғарбий Сибирь, Дашти қипчоқ ва Урта Осиё кирган.

Ёзма манбаларда биринчи ва иккинчи турк ҳоконлигининг вужудга келишида қуйида-

ги туркий уруғ ва қабилалар иштирок этганлиги баён этилади. Улар ашин, аргу, ас-басмил, изгил, ўғуз, тўққиз ўғуз, уч ўғуз, ўн уйғур, ўтуз татар, қорлук, қурданта, қипчоқ, қитан, қирқиз аз, тардуш, татаби (туңгузлар), дулу, нушуб, турки (тахарлар), толис, турғаш, түпути, сир, курикан, дуба (туба) уруғларидир.

Урта Осиёга келиб ўтроклаша бошлаган туркий қабилалар шаҳарда ҳунармандчилик, савдо-сотик, қишлоқларда, чўл ва тоғ этакларида эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулландилар. С. П. Толстовнинг ёзишича, турк ҳокони Муҳаммад ва сўғдий қанизақдан туғилган турк шаходаси Або (Форса Абурай) тахт ворислигидан маҳрум бўлган, VI асрнинг 80-йилларида кўзғолон кўтарди. Кўзғолончиларнинг аксарияти камбағаллашган турклардан иборат бўлган. Улар йўл-йўлақай ерли ва турк деҳқонлари билан бирлашиб Бухоро воҳасининг шаҳар ва қишлоқларидан зодагонларни ҳайдаб, Пайқанд шаҳрини эгаллайдилар.

Мовароуннаҳрда бирон-бир жиддий қаршиликка учрамаган туркий халқларнинг янги-янги ғуруҳлари Сирдарё бўйларига ва Зарафшон водийси туманларига кўплаб кўчиб кела бошладилар. Уз наватига, Сўғдиннинг туб шў аҳолиси турк ҳоконлари ҳимоясида савдо-сотик ишларини хотиржам ривожлантиришган. Туркий халқларнинг Мовароуннаҳрда қалинлашиб бориши VII—VIII асрларда яққол сезила бошлаган. Натижада, ўзбеклар аجدодларининг узок асрлар давом этган ўзаро уюшуви ниҳоясига етди ва ўзбек элтининг шаклланиши учун зарур омиллар вужудга келди.

VIII асрда Араб халифалиги томонидан Урта Осиёнинг истило қилиниши, бу ерда яшаётган халқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётлари ривожини издан чиқариб юборди. Бирок, Сомониёлар давлати даврида (875—999) Урта Осиё халқлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётида яна олға силжиш рўй бера бошлади. Уларда қабилла, уруғчилик муносабатлари емирилиб, феодал муносабатлар ривожлана бошлади. Сомониёлар йирик феодаллар, руҳонийлар ва савдогарлар ёрдамида феодал тарқоқлик ва ички урушларга барҳам бердилар.

Бу даврга келиб Шош, Фарғона ва Хоразм ерларида маҳаллий аҳолининг этник таркибида туркий элементлар тобора кўпайиб, туркийлашган аҳоли энди «сарт» деб аталувчи этник қатламга айланиб борган. Юсуф Хос Ҳожиб ва Маҳмуд Қошғарий асарларида «сарт» сўзи «савдогар» маъносиде тилга олинган. Савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланган Мовароуннаҳр аҳолисини сартовул, сартак деб атаганлар.

Араблар ҳукмронлиги даврида Аббосийлар ва Эроний сулолалар (тоҳирий, сомониёлар) мумкин қадар Мовароуннаҳрнинг туркийлар таъсиридан чиқариш мақсадида уч аср давомида (VIII—X) араб ва эронийларни бу ерга кўчириб келтириш сиёсатини олиб бордилар. Аммо араб ва эронийлар бу ерларда ўзларини ҳукмрон вакил сифатида тутиб, узок вақтларгача маҳаллий аҳолига қўшила олмадилар. Кейинчалик улар ўзбеклар таркибига сингиб кетишди.

X аср ўрталарида Шарқий Туркистон, Еттисув ва Жанубий Тёншон вилоятларида бир неча туркий қабилалар: тухси, қорлук, чигил, яғмо ва бошқалар бирлашиб, Бугроҳон раҳбарлигида Қораконийлар давлатини вужудга келтирдилар. Улар ислом динини қабул қилишгач, X аср охирида Бугроҳоннинг набираси Хорун ибн Сотук бошчилигида туркий қабилаларнинг Мовароуннаҳрга юриши натижасида бу ерда Сомониёлар давлати емирилиб, Қораконийлар ҳукмронлиги ўрнатилди.

X аср охирида Каспий ва Орол денгизи оралиғида яшаган кўчманчи турк қабилалари қабилла бошлиғи Салжук раҳбарлигида бирлашдилар. Салжук ўз ўғиллари Миқоил, Исроил ва ўзига тобе уруғдошлари билан биргаликда Жанд атрофлари (Сирдарёнинг қуйи оқими)га ўтиб, ислом динини қабул қилишди. Сомониёлар давлати билан муносабатлари яхши бўлган турк ўғуларининг бир қисми XI аср бошларида Нурота тоғлари ёнбағирларига кўчиб келишиб, асосан чорвачилик ва лалчи деҳқончилик билан шуғулланишган. Кейинча-

лик Газнавийлар давлатидаги қарама-қаршиликлардан фойдаланган турк ўғуларининг асосий қисми Салжукийлар давлатини тузишган.

XI—XII асрларда бутун Мовароуннаҳр аҳолисининг туркий тилли қатлами, шунингдек, тил жиҳатдан туркийлашган туб аҳоли сўғдлар ҳам жамиятнинг барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида устун бўлишган.

Қораконийлар ҳукмронлиги даври (X—XII асрларда) ўзбек элти тўла шаклланди, шаҳарлар кенгайиб, қишлоқлар ободонлашди, деҳқончилик ва ҳунармандчилик, савдо-сотик ва маданият ривожланди. Бу даврда йирик меъморлик обидалари қурилди. Эски ўзбек тилига асос бўлган қорлук-чигил лаҳжаси ривожланиб, ёзма адабиёт тил даражасига кўтарилди ва ўзбек элтининг умумий тили бўлиб қолди. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадағу билик» (XI аср), Маҳмуд Қошғарийнинг «Асос ул-Балогар», «Муқаддат ул араби каби йирик асарлари пайдо бўлди. Аҳмад Ясавийнинг «Девони ҳикмат» номли машҳур асари, Сулаймон Боқирғонийнинг «Биби Мариям китоби», «Охир замон китоби» каби дostonлари яратилди. Бу асарлар қадимги ўзбек адабий тили ва шеърятини ўрганишда бекёёс аҳамиятга эгадир.

Маълумки, ҳар қандай халқнинг шаклланиш жараёни унинг номига нисбатан қадимийроқ бўлади. Масалан, французлар Европанинг қадимий халқларидан бири бўлишига қарамадан, уларнинг номи X асрда Фарбий Франк қироллиги асосида вужудга келган. «Ўзбеклар» атамаси ҳам шу ном билан юритилган халқка нисбатан анча кейин пайдо бўлиб, бу ном дастлаб XII—XIII аср манбааларида бирор халқ номи билан эмас, балки шахс номи сифатида учрайди.

XIII асрда XIV аср ўрталаригача Урта Осиё халқлари Мўғул феодал империяси асратига яшади. Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон даврида Мовароуннаҳрга мўғул қўшинлари билан бирга Олтой, Еттисув ва Шарқий Туркистондан туркий ва мўғул қабилалари: жалоир, найман, қипчоқ, сарой, баёвур, сулдуз, нукуз, қавчин, арлот, барлос ва бошқа қавмлар ҳам келиб қолдилар. Улар ўзларини Чигатой улусининг вакиллари санашиб, мамлакатнинг сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, иқтисодий ҳаётида фаол катнашдилар.

Темурийлар давлати вужудга келиши арафасида қорлук, чигил, ўғуз, ёғмо, қипчоқ, барлос, қавчин, арлот, жалоир каби туркий қабилаларнинг мавқеи ошиб борди. Қораконийлар даври адабий тили асосида эски ўзбек тилининг шаклланишида улар фаол иштирок этдилар. Эски ўзбек тилини тақомиллаштиришда Алишер Навоий мазкур туркий қавмлар тилини асос қилиб олган.

XIV аср бошларида Дашти Қипчоқ аҳолиси, аниқроғи, унинг Оқ Урда ва Шайбон улусининг мавқеи ортиб, улар «ўзбеклар» номи билан машҳур бўла бошладилар. Ўзбекхон (1312—1341), Тўхтамиш (1376—1385) ва Олтин Урданинг бошқа хонлари қўшинлари, аста-секин бутун-бутун қабилалар ҳам ўзбеклар деб атала бошладилар.

Урта Осиё темурийлар даврида ҳар соҳада гуллаб яшнади. Темурийлар ҳукмронлиги Дашти Қипчоқдан Ҳиндистонга қадар, Шарқий Туркистондан Эрон, Кавказ, Кичик Осиё, Сурияга қадар чўзилди. Темурийлар салтанати Уллубек, Қозисода Румий, Абдураззоқ Самарқандий каби алломаларни, Алишер Навоий каби мутафаккирларни, Шарафиддин Али Яздий, Мирхонд, Хондамир каби муаррихларни, Заҳриддин Мухаммад Бобур каби машҳур давлат арбоби ва шоирларнинг етишиб чиқишига сабаб бўлди. Темурийлар салтанати, нафақат ўзбек халқи, балки бутун Урта Осиё халқларининг фани ва маданиятини ривожлантириб, уларни жаҳонга танитди.

Темурийлар давлати ҳар томонлама ривожланаётган бир даврда Дашти Қипчоқда яшаб турган кўчманчи туркий уруғлар билан Чингизхон даврида келиб қолган мўғул қабилалари ўртасида қўшилиш, аралашиб жараёни кетаётган эди. Узининг сўнгги йилларини яшаётган Олтин Урда хонлиги таркибига кирган кўчманчи қабилаларнинг территориял бўлинишлари-

нинг олдини ололмади қолди. Бу қабилалар ичида энг йирикларидан бўлган манғитлар ажралиб, Итил ва Ёйк дарёлари оралиғидаги ерларни эгаллашди.

Жўжи вафотидан кейин Оқ Урда ҳам унинг ўғиллари Урдои ва Шайбон томонидан бўлиб олинди. Шайбонга Сирдарёнинг Орол денгизига қуйилиш қисмининг шимолидан Ёйк, Иртийи ва Чу дарёлари оралиғидаги ерлар теғди. XV аср бошларида бу территорияда яшаган барча ўзбек уруғлари Абулхайрон (Шайбоннинг набираси) раҳбарлигида бирлашди. Абулхайрон ўз давлатини мустақамлаб олчак, 1448 йили Мовароуннаҳрга юриш қилиб, Самарқандга келган ва кўп ўлжаларни қўлга киритиб қайтиб кетган.

XV аср охирида Темурийлар давлати иккирозидадан фойдаланган Дашти Қипчоқ кўчманчи ўзбеклари Шайбонийхон бошчилигида Мовароуннаҳрга бостириб кирди. Дашти Қипчоқ ўзбеклари турк-мўғул қабилалари, арлот, баҳрин, буркут, дурмон, иймон, хитой, қорлик, мажор, қипчоқ, қиёт, кўнғирот, қурловут, мангит, найман, нукуз, тангут, уйғур, маркит, қўшчи, ўтарчи, чимбой, кенагас, уйшан, тубойи, тоймас, эчки, минг, шодбахли, шунқорли ва бошқа уруғлардан иборат бўлиб, улар XIII аср охири, XIV—XVI асрларда ўтган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном билан «ўзбек» деб аталган.

Ҳамидуллоҳ Қазвиний (1281—1350)нинг «Тарихи Гушида» («Танланган тарих») асарида Олтин Урда хони Ўзбекхонга тобе ерлар ва халқлар ҳақида фикр юритилди. Асарда қабилалар «ўзбекиён», улар кўчиб юрган Дашти Қипчоқ эса «мамлакати ўзбек» деб кўрсатилади. Шайбонийхоннинг замондоши Рузбекхоннинг «Меҳмонномаи Бухоро» китобида ҳам муҳим маълумотлар учрайди. У Дашти Қипчоқ аҳолисини уч тоифадан: шайбонийлар (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), қозоқлар ва манғитлардан ташкил топганини кўрсатади.

Кўчманчи ўзбеклар таркибидеги айрим қабилалар турли этник ғуруҳларнинг қурамаси эди. Улар кўп ҳолларда этник келиб чиқиши бўйича эмас, балки худудий асосда уюшган эди. Шунинг учун ҳам улар кейинчалик осонлик билан Мовароуннаҳр халқлари таркибига сингиб кетдилар.

XVII аср бошларида Урта Осиёда ўзбек уруғлари ва қабилалари сон жиҳатдан ўсиш билан бирга, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнаша бошладилар. Бу даврга келиб уруғлар сон 90 дан ошди. Уларнинг кўпчилиги ўтрок ҳаёт тарзига ўтишди. Уруғлар яшаган жойлар уларнинг номлари (Нукус, Кўнғирот, Қипчоқ, Мангит ва бошқалар) билан атала бошланди.

Темурийлар давридаёқ авж олган ўзаро уруш, жанжаллар хонлар ва зодагонларнинг ўзбек уруғларига бўлган эътиборни кучайтирди. Қарама-қарши қучлар уруғ бошлиқларини ўз томонларига оғдириш учун уларга катта-катта ерлар инъом қилиб, йирик феодалларга айлантирдилар. Бундан фойдаланган уруғ бошлиқлари кейинчалик мустикаллик учун кураша бошладилар. Улар Шахрисабзда кенагас уруғи, Афғонистоннинг шимолида катогон уруғи, Фарғона водийсида минглар, Мовароуннаҳрнинг ғарбида мангитлар ва кўнғиротлардан иборат эди. Курашлар натижасида минглар Фарғона водийсида, кўнғиротлар Хевада, мангитлар Бухорода ҳукмронлик мавқеига эга бўдилар.

Урта Осиё халқларининг келиб чиқиши бўйича олиб борилган тадқиқотлар шунни кўрсатадики, мўғуллар ва бошқа босқинчиларнинг истилоси ҳам, Туркистон халқлари ташқи қиёфасига, уларнинг маданиятига, турмуш тарзига, ҳатто тилига ҳам сезиларли ўзгаришлар киритолмади. Мовароуннаҳр халқлари ўзларининг тарихий тараққийлари жараёнида мураккаб йилларни босиб ўтишса-да, дарёга айланган ирмоқлар сингари ўзларининг бирликларини, мустикалликларини сақлаб қолиш учун доимо астойдил ҳаракат қилиб келганлар.

Нуриддин МУСАЕВ,

тарих фанлари номзоди, Тошкент Давлат техника дорилфунунининг доценти



Баҳоси бебаҳо асар

Фирдавсий — Ҳаким Абулқосим бинни Хасан бинни Исҳоқ бинни Шарафшоҳ бўлиб, 934 йилда Тус музофоти Разон қаясидаги Табарон ноҳиясига қарашли Бож қишлоғида туғилиб, 1020 йили вафот этган.

Фирдавсий «Шоҳнома» си дунёга келгунга қадар ҳам кўплаб «Шоҳнома» лар ёзилган эди. Абулмуайяд Балхийнинг насрий «Шоҳнома» си, Масъуд Марвазий ва Абумансур Дақиқийнинг «Шоҳнома» лари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Амир Нух бинни Мансури Сомоний (976—997) нинг 979 йили берган буйруғига асосан янги «Шоҳнома» ёзиш вазифаси шоир Абумансур Муҳаммад бинни Аҳмад Дақиқийга топширилди. Шоир ёзишни бошлаб юбориб, бир йил давомида «Гуштаспнома» достонининг минг байтини тугатганди. Аммо у 980 йили ўлдирилди. Фирдавсий эса «Шоҳнома» ни 975 йили ёза бошлаганди. Бошқача айтганда, Дақиқий ҳаётдан фожияли равишда кўз юмганда Фирдавсий «Шоҳнома» си ёзила бошланганига беш йил тўлганди. Нух бинни Мансур Сомоний Дақиқий бошлаган «Шоҳнома» ни ёзишни давом эттиришни Фирдавсийга топширади. Шундан сўнг Фирдавсий Вухорога келиб, салтанат кутубхонаси китобларини уш оё давомида таҳсил этади, Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларини кезиб, кўп воқеа ва ҳодисаларни қайд қилган ҳолда Ватанига қайтиб, «Шоҳнома» ни ёзишда давом этади. Фирдавсий мазкур асарни ёзиш жараёнида «Авесто», «Худойномак» ва бошқа қадимий китоблардан ҳам фойдаланади.

Шоир «Шоҳнома» ни ёза бошлагач, Сомонийлар давлатидан атрофлича моддий ёрдам келиб туради. 999 йили Фирдавсий 65 ёшлигида 37 яшар ўғли Хушанг безорилар томонидан ўлдирилади. 997 йили эса амир Нух бинни Мансур Сомоний вафот этади. 999 йили Элакхон Наср Вухорога келиб занф ва қучсиланган давлатни осонгина қўлга олди. Натижада шоирга ҳеч қаердан ёрдам келмай қўяди.

Сомонийлар давлати барҳам топгач, унинг мулки икки ҳокимият ўртасида — Ғазнавийлар ҳамда Қорахонийларга тақсимланди. Худди ана шу вақтда устод Фирдавсий Тусда «Шоҳнома» ни ёзиб, ниҳоясига етказди. Маълумки, «Шоҳнома» Сомонийлар давлати ва унинг амираи Нух бинни Мансур Сомоний топшириги билан ёзилганди. 1005 йили Фир-

Тожикистон халқ ёзувчиси,
академик Сотим Улуғзода нинг
«Достонҳои «Шоҳнома» асари асосида

давсий 71 ёшга қадам қўйганида 60 минг байтдан иборат «Шоҳнома» ни китоб ҳолига келтирганди. Бу асар 30 йиллик ижодий меҳнат ва машаққат маҳсули эди. Китобда икки минг йиллик тарих ва унинг эски расм-одат ва анъаналарини бадиий акс эттирилганди. Дарвоқе, бу оламшумул «Шоҳнома» эди. Уша вақтда Ғазна ҳукмдори Султон Маҳмуд ҳар куни дафтар-дафтар ҳамду сано ва мадҳияларни тинглари, бундан ташқари «Маҳмуднома», «Давлатнома», «Тоҷулфутўҳ» ва бошқа шунга ўхшаш султонга аталган тегишар «Шоҳнома» лар ҳам мавжуд эди.

Кулларнинг бирида Ғазна султонининг вазираи Абулаббос Фазл ибни Аҳмад Исфариноий Хуросонга келади. У Хуросон мулкининг саркардаси Султон Маҳмуднинг иниси Наср ибни Субуктегин Тус тарафга овга чиққанда унга ҳамроҳлик қилади. Вазир Фирдавсий билан учрашиш истагида эди. Дорулхукамога Фирдавсийни олиб келишди. Вазир «Шоҳнома» нинг тақдири билан қизиқади. У «Шоҳнома» шоирнинг ижодхонаси тоқчасида «харидор» га интизор турганини билгач, шоирни Ғазнага боришга тақлиф этади ва «Шоҳнома» ни Султон Маҳмуд Ғазнавийга тақдим этишни тавсия қилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Фирдавсий «Шоҳнома» ни 41 ёшида ёзишни бошлаб, 71 ёшида унга сўнги нуқтани қўйган эди. Бу даврда Сомонийлар сулоласи давлатдан кетиб, унга Ғазнавийлар ҳукмронлик қилар эди. Шу сабабли буюк шоир асарни қайта таҳрир қилиш учун яна беш йил, яъни 1005 йилдан 1010 йилгача заҳмат чекди.

1010 йилнинг баҳорида 76 ёшли Фирдавсий «Шоҳнома» ни Султон Маҳмуд Ғазнавийга тақдим ва манзур этгани Ғазнага келди. Бу ерда эса, Фирдавсийнинг шухратига ҳасадгўй Маликушшуаро Унсурий бор эди. Ҳасад саройининг бошқа шоирлари дилини ҳам раш қиларди. Унсурий қуйидагича фикр юритарди: «Агар «Шоҳнома» султонга маъқул келгудек бўлса, унда маликушшуароликни Фирдавсийга олиб беради. Шунинг

учун «Шоҳнома» дан шундай нарсаларни топши керакки, булар султонга хўш ёқмасин, ҳатто унинг иззат-нафсига тегсин». Ана шу мулоҳаза юзасидан китобни ўқиб, назардан ўтказиш учун шайх Маҳамшодга кўрсатади.

— Ҳазратим, бу китобни муборак назарингиздан ўтказинг, — деди у. — Албатта, бу шиамазҳаб шоирнинг бир таълифи, ифодаси. Балки суннатга хилоф нуқталар ҳам бўлса ажаб эмас.

Дин сарвари ҳам китобдан ўзига маъқул келмаган сўзаларни тўплади. Кекса ва мусофир шоир эса, бу бегона шаҳарда 4 ойдан кўпроқ ўтган муддат ичида «Шоҳнома» ни ўтказиш ниётида саройга қулоқ тутарди. Аслида Фирдавсийнинг Ғазнага келиши ногаҳоний эди. Шунинг учун ҳам Унсурий Фирдавсийни султон ҳузурига киритишга мажбур бўлади. Ниҳоят Фирдавсий саройбон посбонлар ижозати билан султон қасрига киради. Мулозим ва посбонлар: «Султоннинг амрига кўра, шоир Фирдавсий!» дея ҳаммага шоирни «таништириб» боришарди.

Султон бу вақтда ўз вазираи Маймандий ва икки кекса киши билан суҳбатлашиб ўтирарди. Фирдавсий султонни биринчи марта кўраётганди. У 40—41 ёшли кишига ўхшарди. Унг томонида вазир ва чап томонида узун соқолли кишилар кичик-кичик курсиларда ўтиришарди. Чап томонда юмшоқ кўрпачада ориқ киши — қори Абдулвоҳид Ақлий олдидаги тахтакачга қалин китобни очиб ўтирарди. Бу китоб «Шоҳнома» эди.

Фирдавсий қўлларини кўксига қўйганича Султоннинг яқинига борди ва таъзим бажо этди.

— Тусликмисан? — султоннинг биринчи саволи шундай бўлди. Фирдавсий тасдиқ аломати сифатида яна унга таъзим бажо этади.

— Мулк тарихини ўттиз беш йил давомида шеърга солдингми? — сўради яна султон. — Жуда ҳафсалали экансан... Неча байт?

— Олтмиш минг...

— Олтмиш минг, — пичирлади султон ва яна сўради. — Шунча байтдан иборат китоб Ажамда яна борми?

— Ҳозирга қадар банданинг назарига тушгани йўқ, — жавоб берди Фирдавсий.

— Араба-чи?

— Араб шоирларининг девонлари бор. Аммо банди ўттиз минг байтдан зиёдини кўрганам йўқ.

— «Шоҳнома» ни ижод қилишдан мақсадинг нима? Шоҳлардан кўплаб совға-саломлар олиб мол-мулкни бўлишни?

— Йўқ, аълоҳазрат, мақсадим фақат бу эмасди. Албатта, қариганимда камчиликсиз яшаш умидин ҳам йўқ эмасди. Аммо асосий мақсадим худованднинг лутфу инояти билан Ажам мулки тарихи ва осори-атиқасини жонлантириб, агар қўлимдан келса, кўнглига яқин ва таъсирли сўзалар воситасида ўзимдан жаҳонга ёдгорлик қолдирмоқчи эдим.

Султон шоирдан нигоҳини узиб, бир лаҳза жимиб қолди... Эртасига султон ҳарбий сафарга кетди. Султон қайтиб келганидан сўнг шоир яна саройга келиб, бир неча кеча-кундуз «Шоҳнома» қаҳрамонлари жасоратлари қуйланган достонлар ўқиди. Султон Маҳмуд «Шоҳнома» да ўзининг жанговарлиги, қонли юришлари ва таъриф-таъсифи тўғрисида деярли ҳеч нарса йўқлигини ҳис этди. У «Шоҳнома» ни номувофиқ топди. Достонхонликнинг охириг кечасида султон мажлис қақриб, Фирдавсийга: «Сенинг «Шоҳнома» нинг бизнинг халқимизга керакмас экан, бизнинг қаҳрамонликларимиз сенинг афсонавий паҳлавонларининг шижоатидан наҳотки кам бўлса», деди.

Султоннинг «Шоҳнома» га нисбатан бундай хулосаси вазир Маймандий ва маликушшуаро Унсурийларнинг буюк асар сифатини паства уриш таъсирида пайдо бўлганди. Шундоқ бўлса-да султон деди:

— Жуда кўп ранж чекибсан, эвазига тухфа оларсан... Вазир! Маликушшуаро билан кўринглар-чи, «Шоҳнома» бизнинг

ЧЎЛ ТАРОВАТИ

Ма, онаси, мен тўзиган кўйлакни
Бер боламнинг қўлига.
Айтгил, борсин, сафар қилсин,
Гулистоннинг йўлига.

Майли бир зум барча одам
Бўлиб қолсин ҳайронлар...
Тернинг ҳиди қайдан келди —
Қарангиз, эй инсонлар.

Мирзачўлнинг меҳнатидан,
Огоҳ бўлинг, ахшилар.
Бу кўйлакнинг тер ҳидини
Гувоҳ қилинг, ахшилар.

Терли кўйлак халқимизни,
Чорлар меҳнатга доим.
Бер боламега чўл гувоҳин,
Кийиб олсин атайин.

Бизнинг узоқ авлодлар ҳам,
Келганда дунёга.
Кўрсин боғлар яратилганда
Нелар кечган дунёда.

Тер тўкибон обод қилган,
Десин отам шу чўлни.
Боғқоқликдан тахти равои,
Гулзор қилган шу йўлни.

Бу кўйлакни унутмасин,
Кўрганда у гулзорни.
Ва ҳаммиса эслаб турсин,
Ҳидлаганда гулларни.

Ғайбулла Бўронийнинг шеърлари — чўл одамларининг қалбидек содда, самимий. Шунинг учун бўлса керак, айрим ўринларда замонавий шеърят билан халқ оғзаки ижодига хос сатрлар омухталашиб кетгандек туюлади. Шуниси қувончлики, шеърдан шеърга ўтгани сари сатрлар раволашади, фикрлар тиниқлашаверади.

Чўл илҳами Ғайбуллани тэрк этмасин — тилагимиз шу.

Оқилжон ҲУСАН

ҚАЙТИНГ, ТУРНАЛАР


Хориждаги ватандошларимизга

Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар,
Ўтган ишга саловат деб айтингиз.
Отамакон юртни четлаб ўтсангиз,
Юрак-бағрим яна баттар тирналар.

Олдинлари қўниш учун сизга макон йўқ эди,
Хуш келибсиз демоқ қайда? Фақат ситам, дўқ эди.
Минг шукрлар бўлсин, мана, бу юрт истиқлол олди,
Элимизнинг узоқ йиллик орзулари ушалди.

Аваллари сиз билан биз «йўзга» тилда гаплашдик,
Тўғри сўзни айта олмай қўл йўлидан адашдик.
Бугун эса томимизда мустақиллик туғи бор,
Дилимизда аждодларнинг мангу ўчмас чўғи бор.

Қайтинг энди, қайтинг энди, турналар,
Хатар битди, ошиёнга қайтингиз.
Истиқлолни севиб қўшиқ айтингиз,
Айтмасангиз, юрак бағрим тирналар.



Ғайбулла БЎРОНИИ

ВАҒО

Ҳар кимсаки вафо қилса, жигар менга,
Ака-укам жафо қилса, дигар менга.
Захар дардга даво бўлса, доридир ул,
Бол бўлсаю ёқмас экан, заҳар менга.

Кўнгул тортмас ерларга ҳеч зўрлангиз,
Барча ҳурмат, иззат-иқром бекор менга.
Кўнгул тортар инсонларим тақлиф этса,
Бир бурда нон, пиёла чой етар менга.

қанча миқдордаги атойимизга лойиқ? Фирдавсий, «Шоҳнома»нинг сийловини Улуғ Хожа сенга етказди. Олу ўз ватанингга кет.

Эртаси куни султон хазиначисининг навқари, кексароқ киши Маҳаммаднинг ҳовлисига икки чарм халтада йигирма минг мис дирҳам, ороқ нуқра ва бошқа арзон мол-нарсаларни келтириб туширди. Дирҳамнинг қурби тилда динориқига нисбатан ўн баравар кам эди. Булар Абулқосим Фирдавсийга юборилганди. Вундан шоирнинг димоғи куйди.

— Булар менга керак эмас, олиб бор, — деди шоир. — агар булар динор бўлганида ҳам барибир керак эмас.

— Сизга бу пуллар керак эмасми? Ундай бўлса ўзингиз олиб бориб хазиначига топширинг.

Фирдавсий Маҳакка айтди:

— Бу пулларни банданинг ожиз шукронаси сифатида қабул қилгайсиз.

Маҳак бу тақлифни рад этди.

Шоир шу куни хизматкори билан биргалликда ҳаммомга борди. Ҳаммомдан чиққандан кейин кўча четига Абу Дулаф ва хазиначининг навқарига кўзи тушди. Учта от кантиқлик турар эди. Фирдавсий шаробфуррушлик дўконидан бир коса шароб сотиб олиб ичди-да, Абу Дулафнинг ақинига борди. Навқарнинг отига таянган халталар ортилганди.

— Хожа сизга буларни қайтариб юбордилар, — деди навқар.

Фирдавсий шаробфурруш дўконига нигоҳ ташлади ва навқарга шундай деди:

— Халталарни туширинг ва ҳаммом ходимининг хужрасига олиб бориңг. Шаробфуррушчи ҳам ўша ерга тақлиф қилинғ.

Халталарни у ерга олиб бориб, сўри устига тўқдилар. Фирдавсий шу пайт навқар, шаробфурруш ва ҳаммом ходимига мурожаат қилди:

— Буларни мен ҳар учалангизга бағишладим, баравар тақсимлаб олинглар.

Шундан сўнғ шоир хайрлашиб жўнамоқчи бўлганида, қаршида турганларнинг учаласи ҳам унинг оёғига йиқилдилар, абоси этагини ўйиб, кўзларига суртдилар.

Бир отга шоир, яна бошқа отга хизматкор-

лари мингашиб йўлга тушдилар. То шаҳардан чиқиб, кенг даштга етмагунларича ҳеч ким оғиз очмади.

Аслида Султон Маҳмуд шоирга эллик минг дирҳам туҳфа бермоқчи эди. Бироқ вазир Маймандий бунга икки минг дирҳамга туширди. Агар ихтиёр вазирнинг ўзида бўлганида, у шиамазқаб бу шоирга бир дирҳам ҳам бермас эди.

Султон хазиначисининг навқари бўлиб ўтган воқеанинг бир кун ошкор бўлишидан қўрқиб бу сирни хазиначига, хазиначи вазирга маълум қилди. Ўз навбатига вазир султонга айтди. Султон вазир Маймандийнинг аризини ошитгач, жуда даргазаб бўлди ва ҳузурида ўтирган маслаҳатчи-суянчиқларидан сўради:

— Хўш, Фирдавсий нимага сазовор бўлиши керак? Ҳазратим не деркинлар?

Султон охирида Маҳаммадга мурожаат қилганди. Улуғвор шайх томоқ қириб шундай фатво берди:

— Банда сохибқирон аъло ҳазратларига арз қилган эдимки, бу шоир динни ёқтирмовчи ҳеб. Энди бунинг устига муборак совгани ҳам хор қилибди. Демак кони ҳаромдир.

— Уни қўлга олмақ даркор, — деди султон. Шу ерда ҳозир турган Авз Аймоққа буюрди. — Орқасидан ортиқ юбор, уни қўлга олиб, боғлаб келтирсин. Бадин, ношукурни филнинг оёғи остига ташлаш зарур, — яна тақроулади. — Филнинг оёғи остига!

...Фармон тезда шаҳар бўйлаб тарқалди. Вундан маликушшуаро Унсурий анча хомуш тортиб қолди. (Гарчи у Фирдавсийга яхши муносабатда бўлмаса-да, гуноҳсиз шоирнинг бундай ақволга гирифтор бўлишига фақат ҳасадчи Унсурий ва Маймандий айбдор эдилар). Шундай улуғ шоирни ўлдириб султонни абадий ёмон ортиқча чиқариб қўярди. Ногаҳонда унинг ёдига Шарофиддин Маҳак тушиб қолди. Унсурий тўғри Маҳакнинг ҳовлисига борди ва уни султоннинг фармойишидан огоҳ этди.

— Азиз ҳожа, фураст жуда тизгидир. Фирдавсийнинг ортидан чопар юборинг, — Унсурий шундай маслаҳат берди-да, чиқиб кетди.

Маҳак 22 яшар Насриддин исмли кенжа ўғлини Фирдавсий томон жўнатди. Жўната туриб шоир Ҳиротга бормасдан, Жайхундан ўтиб, Термиз томон йўл олишини ва Турон тупроғидан паноҳ излашини таъкидлади.

...Шундан кейин Фирдавсий умрининг маълум қисмини қочоқликда ўтказди. Сўнғги йилларда ўз ватани Бож кишлогига қайтиб келиб, умргузаронлик қилади. У минг байтдан иборат «Гуфтор дар ҳажби султон Маҳмуд»ни ёзди. 1020 йилнинг баҳорида Фирдавсий оламдан кўз юмди. Туснинг улугвор шайхи Абулқосим Гургоний шоир Фирдавсий жасадига жаноза ўқимади ва умумий қабристонга дафн этишга ҳам ижозат бермади. Шоирни дафн этишга минглаб кишилар тўпландилар ва жаноза ўқидилар ҳамда Фирдавсийнинг жасадини ўз борибнинг бир бурчагига дафн этдилар.

Мотам ҳафтаси тугамаёқ, уч кундан сўнғ султоннинг номидан икки туя ва бир неча отдан иборат карвон Тус шаҳрига кириб келади. Улар султондан Фирдавсийга совға келтиришганди. Совға 60 минг динор эди. Фирдавсий вафот этганлиги сабабли ворислар ҳам бу совгадан юз ўгирдилар.

Ҳазнадан яна шундай фармойиш келди: «Совға қилинган пулни Хожа Абубакр Исҳоқ Қуррамага берсинлар, ул киши Жоҳа работида, Тус ҳудудидаги Нишопур ва Мавр йўли бўйида иморат қурсин».

Султон яна шундай фармойиш берди: «Музаққир шайх Абулқосим Гургоний Фирдавсий ҳақиқига қилган фузула учун Табарондан ташқарига бадарга қилиниб, молмулки мусодара қилинсин».

Фармонлар бажарилди. Жоҳа работи иморати қурилиб, кейинчалик сардоба, карвонсарой ва йўловчи-муофирларга аталган қўнлаб хужраларга эга бўлди. Булар Фирдавсийга юборилган сийлов пул эвазига қурилганди.

Ориф СОЛИЕВ,

Тожикистон халқ маорифи аълочиси

Кистакуз кишлог

Ассалому алайкум

Шу йил октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида жумҳуриятимиз пойтахти Тошкент шаҳрида катта халқаро анжуман — Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро кинофестивали бўлиб ўтади. Маълумки, бу аъънавий анжуман ҳар икки йилда бўлиб ўтар эди. Бирок жумҳуриятимиз ва собиқ иттифоқимизда содир бўлган иқтисодий муаммолар, молиявий қийинчиликлар ва бошқа сабабларга кўра 1990 йилда киноанжуман ўтказилмади. Халқаро киноанжумандан сўнг тўрт йил ўтди.

Бу йилги кинофестивал май ойида эмас, балки октябрда ўтказилишига асосий сабаб май ойида Канн Халқаро кинофестивали ҳам 1968 йилнинг кузида бўлиб ўтган эди.

Аввалги кинофестиваллар собиқ иттифоқ киноташкилотларининг бевосита иштироки ва раҳбарлиги билан ўтказилар эди. Энди эса иттифоқ йўқ, шунинг учун бу киноанжуман мустақил Ўзбекистонининг ҳукумати, Ўзбекистон Давлат кинокомпанияси ва жумҳурият киночилар уюшмаси ҳаракати билан амалга ошириляпти. Фестивални ўтказиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасида қарор қабул қилинди.

Бу тарихий, халқаро аҳамиятга молик тадбир учун ўз мустақиллигининг бир йиллиги марakasини ўтказётган ҳур Ўзбекистон халқини, унинг доврўғини қитъалар оша таралиши мақсадида ўзбек кино усталари ҳам катта тайёргарлик қуриб кўйишди.

Бу тадбир анжуман Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI Халқаро Тошкент кинофестивалига миллий маданиятимиз ривожини учун ўзининг салмоқли улушини қўшиб келаетган Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ҳомийлик қилмоқда.

Фестивал президенти, таникли ўзбек кино арбоби Малик Каюмовнинг таъкидлашича, фестивалга ҳомийлик қилаетган академия апрель ойида ўтказилган «Наврўз — 92» регионал театр фестивалига ҳам ҳомийлик қилган.

Фестивал қатнашчиларига барча шароитларни кўнгилдагидек яратиб бериш Ўзбекистон Давлат кинокомпаниясининг раиси Хайрулла Жўраев зиммасида. У фестивалнинг бош директори этиб тайинланган.

Бўлажак кинофестивалда ҳам аввалгилари каби совринлар ва совгалар бўлади. Бош соврин — Олтин Семурғ. Бундан ташқари турли ташкилотлар ҳам бу катта анжуман учун ўз совринларини тайёрлашган.

Яна бир муҳим томони бу галги Осие, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI халқаро Тошкент кинофестивали ўз широрини ўзгартирди. Анжуман «Ассалому алайкум!», «Сизга тинчлик ёр бўлсин!» широри остида ўтади.

Раҳматилла БЕРДИЕВ,
киношунос журналист

МУСТАҚИЛЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тил ҳақида сўз

Совет Иттифоқи бўлиниб, парчаланиб кетди. Унинг ўрнида мустақил, тенг ҳуқуқли давлатлар пайдо бўлди. Натижада, янги ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келди. Бу вазият миллий тиллар соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, илм-фан олдига, тегишли идора ва ваазирликлар олдига муҳим муаммо ва талабларни қўйди. Яъни, ўтмишдан бизга тил соҳасида «мерос» бўлиб қолган улкан камчиликлар ва жиддий хатотларни бартараф қилишимиз, миллий тиллар тўғрисидаги эски тасаввур ва тушунчаларни танқидий равишда қайта кўриб чиқишимиз, она тилини — миллий тилни бойитишимиз ва такомиллаштиришимиз лозим.

Шу муносабат билан таниқли олим, фалсафа фанлари доктори Қўчқор Хонназаровнинг яқинда чоп этилган «Тил ва дил» китоби кўп жиҳатдан қизқатта сазовордир. Мазкур китобнинг қиммати, яхши томони шундан иборатки, унда сталинизм ва турғун-

лик йилларида ижтимоий онга сингиб кетган кўпгина қарашларни, аниқроғи, эски қолипларнинг нотўғри эканлиги ва шу қарашларга асосланган миллий сиёсатнинг амалга оширилишидаги жиддий камчиликлар ва улкан хатоликлар кўрсатилган. Ана ўша нуқсонлар ва хатоликлар узоқ йиллар давомида байналминал тарбияни миллий тарбиядан узилган ҳолда олиб боришда, бу тарбиянинг фақат рус бўлмаган халқларга қаратилганида, тафаккур, яъни фикр юритиш масалаларида миллий ўзига хосликлар бўлиши мумкинлигининг қораланишида кўринганлиги аниқ баён қилинган.

Тақриз этилаётган рисоланинг кадр-қиммати яна шундан иборатки, унда миллий тилларнинг ривожланишига боғлиқ бўлган масалалар бўйича аниқ тақлифлар ва тавсиялар бор. Улар жумҳуриятларда миллий тилларни давлат тилига айлантириш, ўқиш ва ўқитиш тилини танлаш эркинлиги каби оғир ва мураккаб муаммоларга тегишлидир. Шубҳасиз, бу тақлифлар ва тавсиялар она тилимизни такомиллаштиришга, унинг мавқеини мустаҳкамлашга ва ижтимоий ҳаётдаги ролининг ўсишига хизмат қилади. Шу боисдан уларни жумҳуриятимиз миллий сиёсатни амалга ошириш жараёнида изчил тадбиқ қилиш мақсада мувофиқ бўларди.

Китобда она тилимизнинг мавқеини мустаҳкамлаш, унинг жозибат кучини тўла намоён этишга доир масалаларга алоҳида диққат-эътибор берилган. Айни вақтда миллий тилимизнинг мавқеини кўтарувчи бир қатор манбалар ҳам кўрсатилган.

Маълумки, тил ўзига хос ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўзининг ички қонунларига би-

ноан аста-секин ўзгариб ва ривожланиб боради. Афсуски, совет ҳокимияти йилларида бу қонуниятни ўрганишда, уни ижобий ўзлаштиришда катта назарий ва амалий камчиликларга, хатоликларга йўл қўйилди. Натижада, миллий тилларнинг ривожланиш ва такомиллаштиш жараёни секинлашди. Бу борада тилшунос академик Н. Я. Маррнинг «Тил тўғрисидаги янги таълимот» ҳамда «улуг доҳий» Сталиннинг келажакда, яъни жаҳон социалистик тарбиюти ташкил топиб, мустаҳкамланган сари миллий тиллар бир-бирига қўшилиб кетади, деган назарияси ҳақида сўз боради. Китобда ҳам Н. Я. Маррнинг, ҳам Сталиннинг миллий тилларнинг ривожланиши тўғрисидаги қарашлари ҳар томонлама танқид қилинади ва бу қарашларнинг ғайритабиий, ғайримиллий, ғайринсоний эканлиги ҳаётий ва турли-туман далиллар билан ёритилиб берилди. Айни вақтда муаллиф миллий тилларнинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисида тўхталиб, шундай дейди: «Миллий тилларни бир-бирига қўшиб, янги тил пайдо қилиб бўлмайди, улар ёнма-ён мавжуд экан, бир-бирларини бойитишлари, бир-бирларига таъсир кўрсатишлари табиийдир. Биз ҳар бир тилни ўрганаётган эканмиз, у асрлар оша ўзгариб борганини, бошқа тиллар таъсирида бойиб бурганини, ўз ички имкониятларидан янада кенгроқ ва янада кўпроқ фойдаланиш йўлларини топаётганини кўраимиз. Ана шу йўл тарихий тараққиётнинг шоҳ кўчасидир».

Рисолада собиқ СССРнинг маъмурий буйруқбозлик социализми миллий тилларнинг ривожланишига қанчалик путур етказгани

тўғрисида махсус бўлим бор. Унда мамлакат сиёсий раҳбарияти томонидан жамият қонуниятларининг тўла инкор этилиши, иқтисодий аҳволнинг хозирги даражага келиб қолиши, яъни инқирозга учраши миллий тиллар соҳасига ғоят салбий таъсир кўрсатгани батафсил текширилган. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф маъмурий буйруқбозлик социализми ва иқтисодий тузумимизнинг миллий тилларга салбий таъсири ҳақидаги фикрларини умумий ва маълум равишда эмас, балки аниқ далиллар билан исботлаган (ўзбек тилининг аста-секин саноят, давлат ва партия аппаратидан сиқиб чиқарилиши кенг тус олгани, 1980—1981 йилларда биринчи марта чоп этилган изоҳли лугатнинг сўз бойлиги жиҳатидан бошқа миллатларнинг изоҳли лугатларига қараганда анча чекланганлиги, тенг ҳуқуқли, мустақил жумҳуриятларда ва мухтор вилоятларда миллий тилларда китоб нашр этишининг қисқартирилиши ва ҳоказо).

Китобда махсус ва оммабоп адабиётда назарий жиҳатдан деярли ёритилмаган масалалардан бири — давлат тили муаммоси ҳам қаралган олинган. Унда В. И. Лениннинг давлат тили ҳақидаги тўғри фикрлари кенг баён қилинган ва шу фикрларни 1922 йилдан 1953 йилгача Сталин томонидан яшириб келинган, унинг салбий ижтимоий ва маданий оқибатлари яхши ёритилган.

Муаллиф Ўзбекистон жумҳурияти давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг лойиҳасини муҳокама қилиниши ва уни қабул қилгандан сўнг амал қилинишини таъминлаш жараёнидаги кескин қурашларни холисона кўрсатган. Ана шу муносабат билан у рус

тилида сўзлашувчи айрим аҳоли вакиллари-нинг жумҳурият миллий тилининг давлат тили сифатида эълон қилинишига қарши бўлганларини танқид қилган. Айни вақтда ўзбек тилининг давлат тили деб эълон қилиниши ва унинг амалда кенг қўлланилиши таъминлаш — миллий ҳаётнинг ҳамма соҳалари ривожланиши ва гуллаб-яшнаши учун, маънавий мустақилликка эришиш учун энг зарурий восита эканлиги ишончли исботланган.

Ҳозирги пайтда давлат тили тўғрисида гапирар эканмиз, шу нарсани эслатиб ўтишимиз керакки, биз бу жиддий ва нозик масалада биринчи кашфиётчилар эмасмиз. Ўз вақтида, аниқроғи, 1925 йилда Ўзбекистон Ижроия Қўмитаси жумҳуриятда ўзбек тилини давлат тили деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Афсуски, бу қарор маълум сабабларга кўра кейинчалик норасмий равишда бекор қилинган...

Шундай қилиб, Қўчқор Хонназаровнинг китобида миллий тиллар ривожланишининг муҳим ва долзарб ижтимоий-фалсафий масалалари илмий жиҳатдан чуқур ва ҳар томонлама ишlab чиқилган. Ўйлаймики, муштарийлар ушбу китобни қизгин кутиб оладилар. Зеро, унинг мазмунини, ғовий ва амалий йўналиши изчилдир ва шу куннинг талабига мосдир.

Қўчқор ХОННАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

МУСИҚАМИЗ МИЛЛИЙ БЎЛСИН



Комилжон Отаниев ўғли, Маъмуржон Узоқовлар яратган қўшиқчилик мактаби ўзбек музыка санъатида туб бурилиш ясади. Афсуски, кўпчилигимиз мана шу бебаҳо мактаб сабоқларидан ҳозир ҳам бебаҳо қолиб келмоқда-миз. Бунинг сабаблари ўз миллий музыкаимизнинг дурдона ҳамда ноёб жиҳатларини тўла англамай, ҳис қилмай ғарбнинг енгил-елли қўшиқларидан «ибрат» олинган (аниқроғи, нусха кўчиришга) зўр бериб келдик. Айниқса, опера ва балет жанрларига эътиборни кучайтириб юбордик. Тўғри, опера ҳам, балет ҳам ўзига хос санъат. Шу боисдан ҳам баъзи санъатшуносларимиз операни ёқтирамаганларни маданиятсизликка айблайдилар. Мана бунга яққол бир мисол: Г. В. Кузнецова «Совет Ўзбекистони мусиқаси» рисоласида шундай ёзади: «Шарқ маданиятининг «софлиги» устида қайғурадиган айрим кимсалар аслида бадиятдан жуда узоқ бўлганларнинг доира-сига ўйнаб, ғарб санъати билан алоқа боғлашга буткул қарши чиқмоқдалар. Шарқ мамлакатларининг кўпи ислом доирасида эканлигидан фойдаланиб, улар кишилар қалбига ғайирлик уруғини сепадилар, халқларни айиришга уринадилар, уларни бир-бирига душман кўзи билан қарашга чақирадилар. Бу тоифа советшунослар исломнинг қотиб қолган ғояларини тарғиб қилиш, мустаҳкамлаш йўли билан шарқ халқлари маданиятининг миллий ўзига хослигини сақлаб қол-

моқчи бўладилар».

Кўриниб турибдики, Кузнецова ўзбек миллий мусиқаси ҳақида фикр юритиб, шарқ халқларининг маданиятига қараётган Овруро таъсирини қўллаб-қувватлайди. Мана шундай бадбин қарашлар оқибатида биз ўзимизнинг санъатимиздан узоқлаша бордик. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, биз ўз мусиқа санъатимизга опера, балет каби ғарб жанрларини олиб кириб, уларни зўр бериб ривожлантира бошладик. Лекин қанчалик ҳаракат қилинмасин, ғарб операси биз шарқликлар маданиятига сингиб кетолмади.

Ҳозирги қўшиқчилигимиз қай аҳволда эканлигини санъатсеварларимиз яхши билишади. Айтиш керакки, қўшиқчилигимизга қадимий анъаналарни тиклаш борасида кўп мушоҳадалар бўлиб ўтди ва ҳозирги кунда ҳам матбуот, ойна жаҳон ва овозни ороларда бу ҳақда ўринли фикрлар айтилмоқда. Бирок биз хануз миллий мусиқа санъатимизни асл ҳолатига келтира олганимиз йўқ. Нега? Чунки Октябр инқилобидан кейин ўзбек халқининг адабиёт ва санъатида ҳам зўр бериб партиявийлик, синфийлик ғоялари улугланди. Маълумки, яқин тарихимизда қизил кунлар кўп эди. Улуг Октябр шарафига, В. И. Ленин шарафига социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Бу санъатимизни ҳам четлаб ўтмади албатта. Жумладан «улуг» саналар шарафига сиёсий қўшиқлар кўриқларини ўтказиш

авж олди. Ленин, Партия, Октябр мавзусидаги қўшиқларга эътибор кучайтирилди. Чунки, партиянинг талаби шундай эди. Оқибатда маҳаллий халқларнинг асрлар бўйи янграб келган миллий қўшиқларига эътибор сусайди. Шунингдек, сиёсий мавзудаги симфониялар, контаталар, опералар, балетлар кўпайди. Пионер саройлари, мусиқа мактабларида ва олий ўқув даргоҳларида асосан ғарб мусиқалари тарғиб қилинди. Ҳозирда ўрта мактаб дастурлари эндигина боғчадан мактаб кучоғига борган жажжи болажонларимизга ўқитиладиган мусиқа дарсликлари ҳам ачинарли аҳволда. Дарсликларидagi қўшиқларнинг кўпчилик қисми умрини ўтаб бўлган, кўп ҳолларда қўшиқлар матни тўғридан-тўғри ўрсича берилган.

Навой, Лутфий, Машраб, Нодира, Увайсий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларга эндигина эътибор берилаетир. Тарихни англаш — ўзликни англаш демакдир. Бугун ошкоралик шароитида биз ўзбек миллий санъатимизни қайта тиклашга бутун борлигимиз билан киришмоғимиз лозим. Миллий санъат — бу миллатнинг тарихи ва унинг кўркидир.


Маълумки, Бухорои шариф — «Шашмаком» ватани. Асрлардан асрларга, насллардан наслларга ўтиб, сайқал топиб келган бу дурдона шоҳ асарини хушовоз хофизлар ўз даврининг етуқ санъаткорлари шунанганки борлиги билан куйлаганларки, уларнинг

таърифу тавсифи ҳали ҳам эл оғзида дoston бўлиб келмоқда. Ўтмишда бунчалик кадр-эътибор топган ушбу ўлмас асарлар ҳам турғунлик йилларига келиб ёппасига «замонавийлашиш», «ғарб-лаштириш» оқибатида эл назаридан анча йироқлашди.

Шуни айтиш керакки, ғарб мусиқасига сажда қилишни бугунги кунда тўй-маъракаларда ҳам ҳис этса бўлади. Чунки тўйларда нуқул енгил-елли эстрада қўшиқлари куйланмоқда. Бундай қўшиқлар нафис тўйгулардан холи. У кишиларда кўпроқ жазавога тушиш мойиллигини уйғотади. Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, вокал чолгу ансамбли номини олган ҳар қандай даста, жаз, рок сингари мусиқалар ҳамда беҳаё рақсларни, қўшиқларни тарғиб қилишдан қайтолмаяпти. Айниқса бундай куй-қўшиқларнинг наврўз ва бошқа миллий байрамларда, тўй-ҳашамларда ижро этилгани кечирилмас бир ҳолдир.

Миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар, миллий маданиятимиз ҳаётимизга эндигина синга бошлаган бир пайтда ана шундай енгил-елли мусиқалардан миллий санъатимизни холи этишнинг вақти келди. Агар ғарб санъатига сажда қилишдан юз ўтгирмас эканмиз, бизнинг ўзалигимизни англаб олишимиз жуда ҳам қийин кечеди.

ҲАКИМ ШАЪБОНОВ,
Навой давлат педагогика институтини ўқитувчиси



Дарё шу ердан бошланади.

Абдулла Қодирий ижоди инкилобдан кейинги ўзбек адабиётининг тиниқ кўзгуси ҳисобланади. Бу ҳамма томондан тан олинган очик ҳақиқат. Айни замонда адиб асарлари ўзбек танқидчилари учун ҳам ўзига хос кўзгуси, синов тоши бўлиб келди. Адабиёт майдонига жавлон урган катта танқидчию адабиётшуносларнинг деярли ҳаммаси бу кўзгуси орқали ўзлигини олди, адабий жамоатчиликка яққол кўрсата олди. Бугунги кунда биз — ошкоралиқдан бахраман бўлаётган авлод, бу тиниқ кўзгуга боқиб, кимнинг тили ва дили қандай эканини, эстетик диди ва савияси қай даражада камолга етганини, фикрларининг етуқлиги ёки қотиб қолганлигини аниқ ажратамиш. Халқимизда: «Башаранг қийишқ бўлса, ойнадан ўпкалама», деган мақол бор. Шунга ўхшаб, Қодирийни улуглаганлар, ижодини тўғри тушунганлар ҳам, турли мақсадларда замонасозлик қилиб унга тош отганлар ҳам, амал ва мартаба таъмасида била туриб бу табаррук ижодни камситган кимсалар ҳам бугун жамоатчиликка беш қўлдек аён.

Шу жиҳатдан, таниқли адабиётшунос олимлардан бири Матёқуб Қўшжоновнинг яқинда босилиб чиққан «Қодирий эрксизлик қурбони» рисоласи бизга кўп нарсаларни янада ойдинлаштириб беради. Унда Абдулла Қодирий ижодига муносабат воситасида ўзбек танқидчилигининг йўли, унинг барча кучли ва заиф жиҳатлари, камолоти ва таназулга кетиш сабаблари биринчи марта кенг, атрофлича таҳлил қилиб, умумлаштириб берилган.

Абдулла Қодирий ўзбек адабиётига чинакам маънодаги илк роман тақдим этган адиб. 20-йилларнинг бошларида яратилган «Утган кунлар» романи халқимиз қўлидан тушмасдан, ҳамон севиб ўқилмоқда. Жаҳон тилларига таржима қилинмоқда. Қардош халқларнинг улкан адиблари ўз вақтида бу ажойиб асарга жуда юқори баҳо бергани маълум. Шунга қарамай, танқидчилик билан жамоатчилик қарашлари ўртасида чуқур жарлик пайдо бўлди. Халқ асарини севиб, ардоқлаб, ўқийверди, ношуд танқидчилар эса турли баҳоналар билан унга тош отишни тўхтатмадилар. Хўш, бунинг сабаблари нимада ўзи? «Шамол бўлмакда, дарахнинг боши бекорга қимирламайди», деганлардек, бу ерда қандай сир-асор бор? Бу саволларга Матёқуб Қўшжонов китобидан батафсил жавоблар оламиз.

«Утган кунлар»ни китобхон жон-дили билан қабул қилди, — деб ёзади олим. — Адабий танқидчиликда ҳам худди шу хилдаги муносабатни кутиш табиий эди. Аммо амалда бошқача бўлди. Асар парчалари эълон қилинаётган пайтларда ҳам, асар тўла нашр этилгандан кейин ҳам у ҳақда матбуот саҳифаларида бирор илтифат фикр айтилмади. Матбуот сукут сақлади, расмий доиралар нима дейишни билмади» (4—5-бетлар).

Ана шу пайтда биринчи жиддий йирик мақола «За партию» журналида (1928 йил, 3-сон) эълон қилинади. Унинг муаллифи рус адиби М. Швердин эди. Қизиғи шундаки, бу адиб ҳам, ундан кейин асарга баҳо беришга интилан бошқа мунаққид ва ёзувчилар ҳам бир хил йўлдан борадилар, тўтиқушга ўхшаб бир хил фикрни такрорлайдилар. Дастлаб, асар мақталди, адабнинг маҳорати ҳақда сано ўқилди, кейин эса ёзувчи дунёқаршидаги чекланганлик айтилади, адиб эса тарихдаги прогрессив ҳодисаларни тушуна олмаганликда, синфий курашни кўрсатмаганликда ва меҳнаткаш халқ образини яратмаганликда, ниҳоят, марксизмини етарли эгалламаганликда айбланади. Кўрамизки, мунаққидлар адиб ижодига маълум бир андозалар, тайёр босма қолиплар билан ёндашмоқдалар. Бундай қарашлар кейинчалик «вульгар социологизм» сифатида қораланди ва рад этилди. Ҳозир бу ҳақда гапириш осон. У пайтларда эса бундай бемаъни, бифаросатларча ёндашиш ҳукмрон қараш бўлиб, адибнинг тақдирини бир зумда бирёқлик қилиб қўядиган машғум куч ҳисобланарди. Аслида, шундай бўлди ҳам. Фақат Абдулла Қодирий эмас, Чўлпон, Фитрат, Эл-

бек, Усмон Носир ва бошқа ўнлаб ижодкорлар қаттол замон ҳамда вулгар социологизмининг ноҳақ қурбони бўлиб кетдилар.

Минг афсуски, адабий танқид кўғирчоқча, янада тўғрироғи, шафқатсиз қуролга айланди. Ҳар қандай асарга бадийят қонунлари, маъно ва мантиқ талаби билан ёндашиш ўрнига мафкуравий баҳо бериш, сиёсий тамгалар ёпиштириш биринчи ўринга кўтарилди. Мана, М. Швердиннинг «Утган кунлар»га берган хулосавий баҳоси: «Мафкуравий жиҳатдан А. Қодирий романи — биринчи ўзбек романи — бизнинг роман эмас». Ушша давр нуқтаи назаридан қараганда, бу жуда шафқатсиз хулоса ҳисобланади. Бундай баҳо ижодкорни дор остига олиб бориши шубҳасиз эди. Сабаби, юқоридаги мантиқ бўйича, роман мафкура, яъни гоёси бўйича бизга тўғри келмайди. Демак, у меҳнаткаш халққа хизмат қилиши мумкин эмас.

Адибнинг аччиқ қисмати

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари номзоди

Шундай экан, бу роман — зарарли асар, халққа ёт. Ёзувчи — жамият душмани... Сиртмоқ қандай тортилиб, таранглашиб боришини қараган-а!

Матёқуб Қўшжонов Швердин мақоласини юзага келтирган ижтимоий-сиёсий муҳит ҳақида ҳам тўғри тасаввур беради: «1927 йилнинг охирида ВКП(б)нинг XV съезди бўлиб ўтди. Съезд катта сиёсий кураш йўсинида якунланди. Троцкий партия сафидан ўчирилди, кўпгина раҳбарлар сиёсий ишдан четлатилди. Шу билан мафкура масалалари биринчи планга чиқиб, ҳамма соҳа ва жойлардан синфий душманлар изланадиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, мафкуравий масалалар тори теран тортилди. Иўқ ердан душманлар изланадиган бўлди. Шу асосда адабиёт ва санъат асарларини баҳолашда қуруқ социологизм ҳаётга кира бошлади».

Бундай мафкурабозлик ва зўравонлик йўли эса жуда кўп фожеаларга олиб келди. Мунаққид мазкур рисолада бу борада кўплаб мисоллар келтиради. Жумладан, у Абдулла Қодирий ижодини тадқиқ этганлардан бири — Сотти Ҳусайн ҳам М. Швердин йўлидан бориб, улуг адиб асарларини асоссиз инкор этишга уринганини кўплаб мисоллар билан атрофлича исботлаб беради. С. Ҳусайннинг улуг адибга зўрлаб ёпиштирган сиёсий ёрликларидан бири жадидизм вакили деган айбнома эди. Мунаққид Абдулла Қодирийни «... пролетариатга қарши аксилинқилбчи адабий куч» вакили сифатида таърифлайди. Замонанинг зайлини қарангки, кечагина халқни маърифатга, эркак, озодликка чорлаган фидойи зиёлилар — жадидлар, яъни янгилик, ангича тартиб-интизом, маданий турмуш тарафдорлари «пролетариат душманлари»га айланди. «Жадид» деганда ашаддий ёв тушуниладиган бўлди. Улар яратган асарларни ўқимай, мазмуни билан танишмай туриб, қангитиб сўнгига тушиб кетди. Оқибатда, Мунаввар Қори, Сидкий Хондайиқий, Абдулла Авлоний сингари ижодкорлар реакция жадидга, Ҳамза, Садриддин Айнийлар эса илгор фикрли маъри-

фатпарварга ажратилди. Ана шу тарзда ижодкорларни табақалаш бошланди: бу — пролетар ёзувчи, буниси буржуа, бу — попутчик, ишчи, деҳқон шоир ва ҳоказо. Бугунги тадқиқотлар шундан далолат бермоқдаки, биз фақат кўкларга кўтариб, на ҳаётига, на ижодига заррача доғ туширмасликка ўрганганимиз Ҳамза ҳам «ашаддий жадидлар» сингари оқлошони улугловчи, Қўқон Мухториятини қўловчи шеърлар ёзган экан (Булар ҳақида рисолада жиддий, салмоқли фикрлар айтилган). Бу «гуноҳи»га қарамай, Ҳамза буюк ижодкор сифатида тарғиб қилинди, асарларининг гоёвий мазмуни, бадийяти униқидан заррача фарқ қилмасида, бошқа адиблар «жадид»га чиқарилиб, «халқ душмани»га айлантилди. Адолат тарихи си тиклангандан кейин «жадид» ҳисобланган ижодкорлар чинакам халқпарвар, ватанпарвар эканликлари маълум бўлди. Шун-

дай экан, Абдулла Қодирий «жадид»лиги учун таъна тоши отишга эмас, ардоқланмиш, эъзозланишга лойиқ ижодкор бўлиб чиқди. Аммо у йилларда замон мантиқи бундай тўғри фикрларни тан олмас эди.

Рисолада атоқли санъаткоримиз Ойбекнинг 1936 йилда эълон қилинган «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» китоби ҳам кенг таҳлил этилади. Мунаққид Ойбек йўл қўйган жиддий нуқсонларни ҳам, нозик таҳлил воситасида қўлга киритган ютуқларини ҳам батафсил кўрсатиб беришга эришди. Ойбек ўзи билиб-билмай, М. Швердин, С. Ҳусайнлар позициясида туради». У ҳам асарга синфийлик, партизвийлик табақалари билан ёндашди, қаҳрамонлари «юзлари ер доғлари билан доғланмагон», кишилар, яъни юқори табақча оид, меҳнаткаш синф вакиллари эмас, деган айбни ёзувчига тақайди. «Романда камбағал табақасининг хонлик тузилишига қарши кураши қўринмайди», деб ёзади Ойбек. Ҳатто у «Меҳробдан чаён» романи ҳақида фикр юритар экан, Анвар орази талқинига доир шундай «камчиликлар» ни кўрсатади: «Анвар хонлик феодал системасида ҳақсизликларни, истибодни сезиб, бу ҳақда гапиради. Аммо эзилганларнинг курашчилиги бўлиб, ўз манфаатлари йўлида иш қилишга интилмади».

Бу ўринда адиб энг асосий нуқтага — тарихийлик мезонига, ҳаёт ҳақиқатига эътибор бермайди. Романда тасвирланган давр одамлари ана шундай «табалабар»га мувофиқ қаракат қилиши мумкинмиди? Уларнинг савияси, билим даражаси ва дунёқарashi, «исёнкорлик» даражасига кўтарилган эдим? Бу асосли саволлар устида дурустроқ бош қотириш ўрнига ҳаёт ва тарих мантиқига содиқ қолган буюк ёзувчининг таҳсинига лойиқ фазилатни нуқсон сифатида камситилди. Бу ҳам вульгар социологизмнинг аччиқ меваларидан эди.

Ана шу йилларда кенг авж олган мазкур иллатнинг илдизлари ва моҳияти, зарари ҳақида илмий жиҳатдан тўғри, асосли мулоҳазалар илгари сурилгани рисолатнинг навбатдаги фазилатларидан биридир. «Бу давр-



ларда асарларнинг хилма-хиллиги, ўзига хослиги, асл маъноси ҳисобга олинавермас эди, — деб ёзади мунаққид. — Реал ҳаёт манзараларини бузиб бўлса ҳам, «ёзувчидан ҳаётни «инкилобийлаштирилган», «исёнкорлаштирилган» тарздаги манзараларни яратишни талаб қиларди.

Мунаққид Ойбек А. Қодирий ижоди ҳақида асар яратаркан, бу талабни ҳисобга олмасдан илжожи йўқ эди. Шахсга сиғиниш даврининг иллатлари бошқача — санъатнинг ўзига хос фикр юритишига имкон бермас эди» (16—17-бет).

Бу хулосалар ана шу йиллардаги мураккаб вазиятни тўғри тушунишимиз, моҳиятини англашимизга ёрдам беради. Давр шунчалик қаттол, шунчалик зиддиятларга тўла эдики, ҳатто Ойбек, Ғафур Гулом, Ҳамид Олимжон, Комил Яшин, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун ва бошқа машҳур санъаткорлар ҳам ҳукмрон мафкура таъзиқидан қутула олмаган эдилар. Бугунги кунда ана шу қаттол замон моҳиятини ҳисобга олмай туриб, юқоридан ижодкорларни ёлпасига қоралаш ярамайди. «Инкилланган тепиш ўт» қабилида иш тутмаслигимиз керак.

Айни замонда, кўра-била туриб, таъзиқ ва буйруқларга кўр-кўрона бўйсуниб иш тутганлар ҳам бор. Рисолада Ж. Шарифий ва Олим Шарафидиновларнинг «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1937 йил, 3 июль) босилган «Обид кетмон» ҳақида мақола ва Ўзбекистон Езувчилар Союзининг пленумида сўзланган «фош қилувчи» нутқлар Абдулла Қодирий ва бошқа бир гуруҳ адибларини дор остига олиб борганлиги ҳақида ҳам аччиқ бўлса-да, тўғри мулоҳазалар юртилади. Халқимизда: «Бетга айтганини захри йўқ», деган нақл бор. Ҳақиқатни кимдир қачон бўлса ҳам очик айтиди-ку! Шунинг учун олимнинг тўғри мулоҳазаларини мардона қабул қилиш керак.

Йиллар ўтиб, XX сьездан кейин эсган ҳаётбахш шабадалар таъсирида ноҳақ қурбон бўлган адиблар оқланди. Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва яна бир қур ижодкорларнинг асарлари сараланган ҳолда босилиб чиқди. Аммо муз деворларнинг эриши қийин бўлди. Чўлпон, Фитрат, Элбек, Тавалло, Бехудийлар ижоди ёпиқ сандиқларда қолаверди. Қодирийга нисбаттан тош отишлар эса сал бошқача тарзда тўхтамай давом этаверди.

Ҳатто Абдулла Қодирий ижоди оқланганига қарамай, турли йўллар, баҳоналар билан асарларини камситишга уриниш давом этаверди. Адибнинг таваллуҳ кунлари муносиб нишонланмади, мукамал асарлари, ҳеч бўлмаганда икки-уч жилдлик сайланмалари ҳам нашр этилмади қолаверди. Булар етмагандек, ёзувчи ижодидан яна бир муҳим нуқсон излаб топилди. Отабекнинг чор Россияси қўшинларига қарши курашда халок бўлгани китобхонага маълум. Ана шу ҳолат жуда кўп танқидчиларнинг тишини синдириди. Қаҳрамоннинг ўз Ватанини ҳимоя қилиши, босқинчи қўшинга қарши чиққани ёзувчининг энг катта гоҳий хатоси, илгор Россиянинг тарихдаги «буюк ролини» тушуна олмадик, қолаверса, қасддан камситиш деб баҳоланди.

Эътибор берилса, 30-йилларда адибга бундай жиддий айб қўйилмаганди. Сабоби, у даврда чоризмнинг Шарқда олиб борган муҳим сийосати ўз номи билан таловчилик, мустамлакачилик деб таърифланарди. Урушдан кейин нашр этилган икки жилдлик «Ўзбекистон халқлари тарихи»да ҳам чоризмнинг бошқа халқларни зўравонлик билан қул қилиш, бўйсундиришдан иборат бўлган хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланган. Аммо 50-йилларнинг иккинчи ярмида бу масалага бутунлай бошқача қараш юзага келди. Айниқса, мазкур ҳодисанинг «прогрессив аҳамияти»га бағишланган илмий конференциядан кейин тарихни сохталаштириш авж олди. Ҳатто шу пайтгача кенг ишлаб келинган «босиб олиш» ибораси «қўшиб олиш» тарзида юмшатилади. Катта-катта олимлар, амалдорлар бу сохтакорликка имзо чекиб турган пайтда «Утган

кунлар» қаҳрамонининг рус қўшинига қарши чиққанини оқлаб бўладими? Ёзувчи масалани бу тарзда қўйиши, катта гоҳий хато, марксизмдан чекиниш, дунёқарашидаги чекланганлик эмасми? Танқидотчиларимиз бундай қаттиқ саволлар қаршисида қарахт бўлиб қолдилар. Яна Қодирий ижодини камситиш, миллатчиликда айблаш майллари сезила бошлади. Матёқуб Қўшонов ибораси билан айтганда, бир гуруҳ «Зарбдор» танқидчилар, «сўлкаш»ларнинг жони кирди. «Қодирий миллат эли, терговда барча айбларини тан олган, унинг қамалиши тўғри бўлган», деб бемалол гапирайдиган «чала мулла» олимлар майдонга чиқиб қолди. Хуллас, Абдулла Қодирий ижодига бағишланган танқидотларга юқоридаги «иллат» ҳам тиркаладиган бўлди. Иzzат Султон, Ҳомил Екубов каби йирик олимлар, ҳатто Матёқуб аканинг ўзи ҳам бундан мустасно эмас. Олим 1966 йилда босилиб чиққан «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» номли маҳорат, нозик дид билан ёзилган рисоласида шу масалага муносабат билдираар экан, «Отабекнинг русларга қарши урушда ўлиши реалистик далилланмаган бўлиб, бу ёзувчи дунёқарашидаги чекланишдан келиб чиққандир», деган мулоҳазани билдиради. (Тўғри, олим қўлимиздаги рисолада бу фикр хато эканлигини, агар шу гапни айтмаса, танқидоти босилмай қолиши аниқ эканлигини тан олади.) Кўраимизки, Қодирий ижодига баҳо беришда ҳақиқатни тўла айти олмадик иллати яқин кунларгача судралади келди.

Рисолада таҳлил қилинган С. Мирвалиев китоби (1969) билан Аҳмад Алиевнинг тадқиқоти (1967)ни қисқаб кўрганмизда, уларда ҳам бир хил тарафдаги нуқсонга йўл қўйилгани сезилди. А. Алиев китобидаги камчилик, М. Қўшонов таъбирига кўра шундай: «Аҳмад Алиев ҳам замон зайли ва зарбдор» танқидчиларнинг талабларини унуттишга ҳаққи йўқ эди. Китобнинг умумий йўналиши тўғри келавермаса ҳам ўз фикрларини хулосаловчи қисмларида Абдулла Қодирийнинг гоҳий камчиликлари ҳақида бир нима дейиш керак, деб ҳисоблади. Бусиз китоб ёруғ дунё юзини кўра олмас, кўрган тақдирда ҳам «зарбдор» танқидчилар томонидан қаттиқ зарбага учраши турган гап эди» (77-бет).

«Шу хилда йўл» тутини ҳамма томондан эътироф қилинган ва барча танқидот ишларида айтилиши керак бўлган зарурат ҳисобланарди. Бу «йўл»дан озгина бўлса ҳам чекиниш муаллифини «фалокат» жари ёқасига олиб келиб қўяр, адиб бошига тушган кулфатларнинг бир қисми тадқиқотчи бошига тушиши турган гап эди» (78-бет). Нима ҳам деймиз? Аччиқ ҳақиқат! «Осмон узок, ер қаттиқ». Аммо шу ўринда муаллифининг масалага ёндашуви хайрон қолдиради. Нега бир хил қолибда фикр юритган, бир хил хулосаларни илгари сурган мунаққидлардан бири қаттиқ танқид қилинади-ю, иккинчиси ҳақида авайлаб, силаб-сыйлаб гапирилади? Ҳақиқат талаби ҳаммага бир хилда эмасми?! Бу ерда танқидчининг ёндашувида ўзи доим рад этиб келган, кескин қораланган тарафнашлик бордек, холислик етишмаётгандек нохуш таассурот қолади.

С. Мирвалиев китобини Матёқуб ака ва А. Алиевдан кейин эълон қилган. «Катта гилдирак қаёққа юрса, кичик гилдирак ҳам шу ёққа боради», деган гап бор. Аҳмад ака ва муаллифининг ўзи «Китобим босилмай қолмасми», деб чўчиб, зўрма-зўраки танқидий фикрлар ўйлаб топганини кечирishi мумкин. Шу ишни С. Мирвалиев қилса, нега уни тўғри тушунаслигимиз керак? Мен бу мулоҳаза билан йўл қўйилган хатоларни анда-валаб, хашшўсламоқчи эмасман. Асло! Аммо ҳақиқат ҳаммага бирдек таваллуқли эканлигини эслашиб қўймоқчиман, холос.

М. Қўшонов «Ўзбекистон маданияти» газетасидаги баҳс материалларини анча ҳолис ва кескинлик билан таҳлил қилади. Баҳс давомида Қодирий ижодини Мукимийдан паст қўйишга уринган ёки яна «гоҳий чекланишлар»ни қуюқлаштириб, қайтадан

сийсий тамга ёпиштиришга интилган дидсиз танқидчиларни (жумладан, В. Имомов, Ҳ. Абдусаматов кабиларни) аяб ўтирмайди.

Қизгин баҳс-мунозараларга, тортишувларга тўла бу китобда яна бир қанча жиддий масалалар кўтарилган. Буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил тўхталиш имкони йўқ. Шунинг учун мен фақат биргина муаммага диққатингизни қаратишни лозим топдим. Юқорида айтиганимиздек, Қодирий ижоди ҳақида кейинги пайтларда Туркестон Россияга қўшиб олинишининг прогрессив моҳиятини тушуниб етмади, деган тавки латънатни (гоҳ кескин, гоҳ юмшатиб айтилади бу гап) ишлаб келдилар. Бу орада агар таъбир жоиз бўлса, энг катта рекордни филология фанлари доктори Вердиали Имомов қўйди, дейишимиз мумкин. У шундай ёзади: «Романда Урта Осийё Россияга қўшиб олиш муносабати хира ва ноаниқ қолади. Отабекнинг ўша давр учун прогрессив тарихий ҳодисага қарши жангга киришини қоралаш ўрнига бу орада А. Қодирийнинг лоқайд қолиши, ҳатто унга май билан қараш ёзувчи позицияси анча хато эканлиги яна бир бор исботлайди». (Мунаққид гап нишабини «Қодирий асли миллатчи эди», деган хулосага қараб тортиб кетаётганини сезаясимиз?)

Бу ўта адолатсизлик, дидсизлик билан билдирилган фикр. Олим (афсуски, фақат угина эмас) тарихни билмаслигини, ҳужжатлар ва рус босқинига доир беҳисоб адабиётлардан беҳабар эканлигини аққол қўраётиб қўйган. Очигини айтганда, чоризмнинг истилочилик сийосати тўғри баҳо бермасдан келингани ўзбек олимларининг фақат журъатсизлиги эмас, маълум даражада фожеваси деб очик айтиш керак. Қатагон даврида тиззаси қалтираб қолган илм ва адабиётнинг энг аянчли ва шармандали «хулоса»ларидан бири бу! Босқинни ўз номи билан очик айтиш ўрнига «прогрессив»лигини исботлаш эса, на илм, на ҳаёт, на тарих мантиқига тўғри келади.

Хуллас, М. Қўшоновнинг журъат ва эҳтирос билан битилган мазкур рисоласи бизни янги баҳсларга, тортишувларга чорлайди, дилимизда тугун бўлиб ётган юзлаб муаммоларни ечишга даъват этади. Чунки Абдулла Қодирий ижодини чинакамга тўғри йўналишда ўрганиш, унинг ноёб санъати сириларини, бадий маҳоратини тадқиқ этиш ишлари энди бошланмоқда. Умуман, 20—30-йиллар адабиёти, қолаверса, асримиз бошларидаги адабий жараён, эл ва юрт тақдир, эрки учун курашган, хилма-хил ижодий қиёфага эга бўлган ўнлаб санъаткорларнинг бадийат олами, нафосатини тадқиқ этиш галдаги муҳим вазифалардан саналади. Матёқуб Қўшоновнинг мазкур рисоласи бўлажак тадқиқотчиларни ҳушёр, тўғри сўз, ҳалол бўлишга, турли манфаатлар ва майда истакларга қул бўлиб қолмасликка, асл эътиқодга, маслакдан чекинмасликка ўргатади. Чунки «қингир ишининг қийини қирқ йилда чиқади», деганларидек, бадий ижодда ҳам, илмда ҳам фақат рост сўз, ҳақиқат яшайди. Сохта гаплар, омонат уйдирмалар бир кун бари бир барбод бўлади. Абдулла Қодирий ижоди ва адабиёти бунинг энг ёрқин исботидир. Матёқуб Қўшоновнинг ёрқини ўқиб, бунга яна бир қарра ишонч қосиб қилдим. Ноёб истеъдодлар, нодир асарларга фақат хайрхолик билан қарап, уларни ёвзозлаш, асраш лозимлигини дилдидан қайта ҳис этдим. Фикран теран, чўқур илмий мантиқ билан сўғорилган, мазмундор ва самимий ёзилган бу мўъжаз китобча адабиётшунослигимизда ўзига хос сезиларли ҳодиса бўлишига шубҳа йўқ.



Энг қаноатли диллар уйининг пойидаги мурид нафаслар вафо гултожини талаш-гувчилардир. Илоҳ нурига сунган ишқ аҳли учун бу ягона вафо тожи муборак бўлғай!

Умр гулининг энг кўркем яфроғи вафодир. Ислому зурриёти томирида вафо ўз оятини айтиб, мангу барқарордир. Синоатнинг анвойи ранг тоғларида бир кийик — умр кийиги елиб юрғай. Бу кийикнинг кўзлари қўрқув истеҳкомининг посбонлари кабидир. Вафо гултожини ўз бошига қадаган киши қаноат уммонини сузиб ўтишга ўзида куч топгувчидир. Зиё китобхонасида энг муқаддас руҳлар вафо гултожини талашғай.

Тили кесилган журнат қўлига камалак ёйини олиб, заминга гўзаллик ўқларини юборувчи элчидир. Уша элчи вафо тақсими-га сазовор бўлса, ўша иқлимга кўклам вафо қилғай. Ваҳор каштасида рангин гуллар ипаги дилинганга нур берса, ўзининг қайта туғилгандай ҳис қилғайсан, дарвеш. Сенга яна қайтадан туғилиш вафо қилғай.

Саховат гулбоғи сенга ғариблик чирогини узатса, ҳеч иккиланмай, унга қўл чўз, зеро бундай чирог ўқитувчи, билдирувчи чирогдир.

Бўйранинг устида ўлтирган бобонг ҳам ўз қаноатига вафо қилса, бўйрани меҳробга алишмағай. Бундай бўйранинг қиймати ҳар қандай меҳробдан юксалғай. Туфроқнинг бўйра суратига кирмаслиги учун душманлик оғусини ерга тўку биродарлик байроғини ўз иймон қасринга тик. Шунда сенга ватан ва арвоқлар ёди вафо қилғай.

Ерда вафо жавҳари ўта камёб бўлганидек, кўкда ҳам вафо юлдузи ягонадир. Вафо юлдузининг тўққиз буржи мавжуддир:

Виричи бурж — эътиқод-иймон нурига вафо қилган Ҳақ нурига тиз чўккан чоғида энг олий вафо жафҳарини кўлга киритғай.

Иккинчи бурж — бераҳм дунёнинг кўзусида ўз суратини кўраётган ўз камчиликларини кўради. Нуқсонлар тупроғини қолдириб, камолот сари кўйилган илк қадам — вафо қадамидир.

Вафо юлдузининг учинчи буржи — хиёнат жарлигидан ҳазар қилиб, кўкка интилган руҳ кабутарларининг илм оломқага элчилигидир. Илм ёғдуси руҳ кабутарларининг кўзига шуъла денгизини қўйғай. Бу шуълазор ичра сен бир қатим нурдан қалам топсанг, сенга машаққат ва ранж дунёси вафо қилмаганидай, сен ҳам билимсизлик зиндонхонасига вафо қилмағайсан.

Тўртинчи бурж — сув, ҳаво, туфроқ ва ўт усурларининг наботот оламига вафосизлигидир, улар вақт томирида абадийдир. Олов шайтанати ўз қизил дарсонасининг эшигини очиб, қонларни қизитса, дилнинг қалъасини забт этиб, унга ўз шайтанани раво кўрса, поклик суви уни бир зумда ўчирғай. Покизалик вақт томирида абадийлик вафо қилғай.

Бешинчи бурж — зийнатлаган дунё сенинг энг қадимий устозларингдир. Унинг тўрт мавсумда тўрт рангин матога вафо қилиши сени ўйга толдира, нечун ғамдан мотам рангидаги бошингни ерга эгасан. Даврон чарки қора матоларни охири оққа бўйяди-ку, сен зиё нурига талпину дунё устaxonасидан сабоқ ол. Унинг рангин мавсумлар сабоғидан тўрт мавсум учун тўрт эшик оч, шунда сен ҳам вақт бўёқчисига вафо қилғайсан. Ягона мотам либосингни ечиб, вафо либосини топғайсан. Бу либос кўкламдан қиш мавсумига сени хиёнат қароқчилари ўқидан омон асрагучи чидамли матодир.

Олтинчи бурж — ҳосиятли туфроқ қимёсидан вужудга келган тананг қаноат гавҳарига вафо қилғай. Унинг ой ёғдусидан тўқилган гуноҳли манзилгоҳи шайтанат муб-бачалари учун қирондир. Вафо нури кириб келган дил хонадонидан шайтанат васвасаси жой топмағай.

Шоира Севара Вафо жўшқин, пурмағно шеърлари билан адабиёт мухлисларининг эътиборини қозонган. Шоира ақинда «Руҳнома» деб номланган, инсоннинг азали ва абадий руҳияти сирларини очишга бағишланган асарини ёзиб турганди. Қўйида ушбу асардан бир бўлагини ойномамизда эълон қилаяпмиз.



Севара ВАФО

Руҳнома

Еттинчи бурж — шундай кумуш халқаким, унга етишмоқлик иймон жойномозидан нур топмоқлик билан баробардир. Бу халқдаги руҳлар пири муридлар нафасдан жон топган беморлардир. Уларнинг беморликлари макрли дунёнинг бевафолигидандир. Хазинадор риёкор дунё киши руҳини асир қилсаю мавсумлар отчопарида руҳ ва тани алдоганини ҳис қилса, тана туфроққа вафо қилғай. Руҳ комронликка интилган бўлса, тананинг туфроққа айланиши ҳеч бир фожиа гулини элмағай. Комрона руҳ абадийликка вафо қилғай.

Эй, сен — фоний дунёдан нолиган бемор, бир мурид нафасла ўзинга келсанг, ўз руҳинг кабутарларини вафо юлдузининг еттинчи буржида деб бил. У кумуш қанотлар салтанатида сенга ердаги фарёд вафо қилмағай.

Саккизинчи бурж — илтифот майини ичган дарвеш илтифот кўратган муслим гадодек, гуноҳ кўрғондан ҳайдалса, вафо канизлари янги садафларни яратғай. Уларнинг ғами сув ости қадар теран бўлса-да, балиқ каби сўзсиздирлар. Шу сўзликка покланган ва вафо нуридан баҳраманддирлар. Вафо қилгучи ғариб жафо тошига йўлиққан гадодир.

Итнинг вафоси инсон зурриётининг айрим маҳлуқотлари жабридан устундир. Сен итнинг юраги қадар вафо масканини учратсанг, ўз хунжўрлигинг ва риёкорлигинг қошида жимдирсан. Бу жимлик надомат майи билан тўлиқдирким, вафо юлдузининг саккизинчи буржи вафо қадахининг зарҳал ҳошиясига тенгдир. Ўз етмиш пушти қабининг арвоҳини ёд этган узлат гиламига чекинмай, эл орасида вафо шамларини ёқғай! Унинг ўзи вафо гултожининг намунасиридир. Хайру садақа улашгучи ер қоронғилигидан олислагучи ва вафо гулистонидан гул сайлагувчидир. Саккизинчи бурж — саккиз адолат садоси билан йўғрилган вафо хобгоҳидир.

Тўққизинчи бурж — Илоҳ нурига ташна ғариб зулматхонасиридир. Оллоҳ юзини бепарда кўришга камар боғлаган чин муслим йўлидир. Унинг ибодатхонасига қўнган қушлар муҳаббат базмига ногоҳ қадам ранжида қилган солиқларга ўхшайди. Хиёнатнинг кўркем ва ишвали келинига назар солмагучи чин солиқ тўққизинчи бурж нурига эришғай. Вафо гултожининг тўққизинчи буржига кўтарилмоқ сувга макон бўлган қудуқ остида ний чалғувчи ҳиндузодага менгзамоқ билан баробардир. Вафо юлдузининг ҳар тўққизинчи буржи сенинг бошинга соябон ташласа, сен матонат майдонидан ўтаётган донишманд ҳабига менгзайсан. Ғам-алам зиёфатхонасини тарк этгину, чин сўз садо-

қатининг божхонасига шошил! Сенинг ҳақ сўзинг вафо қадахда тўққизинчи бурж шуъласи билан сенга вафо қилғай! Садоқат майдонидан баҳраманд бўлган ранж-алам тузоғига тутқун бўлгучидир. Бу тузоқдан қутулмоқ учун яна унга онг чирोगи вафо қилса, тузоқ иллари кунпаякун бўлғай.

Эй, сен, дунё кутчасида ранж, алам гулларини ортиқ тергувчи, ўз ҳолингдан кулганинг яхшироқдир. Акс ҳолда сенинг нотавон жисминг гули устида кулгучилар топилай. Садоқат гулининг бўйи она бешигини химоя қилғай. Шу кўрихона пойида жон бермоқни ўзинга бахт деб билсанг, она фарзанд доғидан жафо гултожини тақмайдими?

Эй, сен, нодонлик майини ортиқ ичган, онангининг пойида вафо ибодатхонаси қад тиклагану, сен бунга кўрмайсан? Очик кўзларингни энди қандай жазога қўйгансан? Сенга вафо майини илк бор тутган Онанг сийнасига бош қўйгину, дунё бевафоликларини унут, зотан энг қадимий руҳлар ҳам аёл вафоси қошида ибрат дарсонасига йўл олганлар. Сен ўша чумолиларнинг бири бўлгину, Онанг юзидидаги чизиқ — ажинларни ҳаёт жафоҳонасининг тирозуларига солиб ўлчагучи, англагучи бўл! Вафо жамбулининг иси ўшандагина оламни тутғай!



ҲИКОЯТ

Қадимий кентларнинг бирисида бир ҳунарманд қора қозонини қайнатиб, эл қатори кун кечиргучи эрди. Унинг бир ити бўлиб, доимо занжирбанд эрди. Ҳунарманднинг хотини аслида ит зотидан жирканар, итни жини сўймас эрди. Шу жиҳатдан ҳунарманднинг ўзи — ночор оғир меҳнатидан сўнг ўз қарамидаги итни ҳам боқар, дастурхонда қолган нонларни итига ташлар эрди. Ва гоҳ-гоҳ унинг нон ейишини томоша қилиб: «Жонивор» деб ҳам кўярди. Ҳунарманд аксари ўз устaxonасида бўлар, меҳнат машаққатининг остида рангин дунё шодликларини деярли кўрмас, сополдан тайёрланган кўза ва лаганларига гўзал гуллар чизиб, завқланар, шундагина баҳрамандлик нурини топгандай эрди. Ҳунарманднинг аёли аслида енгил оёқ бўлиб, ишрат майини ичиб, кун ўтказувчи, айрим савдогарлар ҳаётини кўрсар, ўз ҳаётидан, ўз ёвго-

Бир рубойи ақоиди

нидан нолигани-нолиган эрди. Унинг бир савдогарбачча жазмани бўлиб, ҳунарманд қаро терга ботиб кўзалар бунёд этаётган, бунёд этиш зақидан баҳраманд бўлган кезлари ўшал йилги ила айш сураб, эвазига савдогарбачча бу суюқ аёлга мис ва жез узуклар тақдим айлар эрди. Олтинни мисдан фарқлай олмаган, жезни қумушдан фарқлай билмаган ақли қисқа ҳунарманднинг аёли бахтиёрлик нашидасини тортар, меҳнатга кўнгилсиз, ўзи аса ниҳоятда танноз эрди. Ҳамама бўлиб ўтаётган воқеалардан бохабар ит ўз кўжасига ачинар, ёстиқдошини ортиқ ёмон кўргани, ундан жиркангани учун туни билан улиб чиқар эрди. Ҳунарманд итининг ҳар тун улаберишида бир ҳосият ўқир эрди.

Кунларнинг бирида ҳунарманд аёли ўз жазмани ила вақт хазинасини ўғирлаб ўлтирган чоғларида у ортиқ зағабдан занжирини узди. Ул махлуқ бунга қирқ кечаю қирқ кундуз тайёргарлик кўрган, занжирларни тиши ила узмоқликка эришган эрди. Бу ит анча баҳайбат бўлиб тўсатдан ичкарига кириб, хиёнат майини ичаётган савдогарбаччага ташланади. Унинг юрагини узиб олади. Саросимада қолган ҳунарманд аёлининг қўлини ғажийди. Аёл фарёд кўтариб, етти маҳаллани қошига тўплайди. Воқеадан воқиф бўлган одамлар ҳунармандга хабар берадилар. Меҳнат ганжини кўлга кириштиб, дурдай тер тўкиб ўлтирган ҳунарманд ўз уйига боришдан, хиёнат мотамини ўз кўзи билан кўришдан бош тортади.

Йна эл-улус ичра ўша аёл: «Бу ит асли кутурган эрди, аудлик билан уни отинглар», деб уввос солар, одамларни ҳайрат денгизига солар, онгли одамлар туб моҳиятини англаб, аёлининг қонаган қўлларига нафрат билан қараб, чиқиб кетар эрдилар. Шунда маҳалланинг бир доғишманда шундай шарҳ беради: «Бу ит кўпдан бери ўз занжирини узишга тайёрланган ва муддаосига етган, тунлари мижжа қоқмай улиб чиқишининг боиси шундайди», дейди. Бу хабар элчилар орқали ҳунармандга етиб боради. Нафрат ва аламдан ҳунарманд ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб, қўлига пичоқ олиб, ўзини қатл қилмоқчи бўлиб турганида, боғия зийрак ит аудлик билан ҳунарманд устaxonасига отилиб қиради. Илгаригагина хос зийраклик билан ўз эгасини ўлим исканжасидан қутқариб, қўлидаги яроқни тишлаб тортиб олади ва ўшал ўткир яроғга ўз бағрини бериб, дарё-дарё қон узра ўз кўжаси қошида ҳалок бўлади.

Бу ҳодисотнинг жонли гувоҳи бўлган оломон итининг вафодорлигига, унинг адолат йўлида қон тўкишдан чекинмаслигига, айрим одамларнинг шу жирканч махлуқот қошида нақадар равиъ эканликларини ўйлаб, итга инсонлар ётган мазорнинг остонасига кўмадилар.

Суюқ оёқ савдогарбаччани кўммасликка фатво берадилар. Унинг ичи сугурилган танасини ёқиб юбормоқликка, ҳунарманднинг тентак ва жирканч аёлини ғажилдан қўларидан от думига боғлаб, чўли-биёбонларга юбормоқликни ҳукм айлайдилар.

Бу жонли ҳодисотни кўрган ва ундан сабоқ олган эл-улуснинг ҳукми эрди.

Ҳунарманд воқеаси жуذا кўп замон туманликлари ичра одамлар хотирасидан ўчмай, ҳанузгача адашган одамларга сабоқ бериб келмоқда.

ИБОДАТГА ОШИҚҚАН ГУЛЛАР

*Ибодат қилишга ошиққан гуллар
Пойидаги тўфроқ — ҳурларнинг кўзи,
Бир вақт осмон ситган синиқ кўнгишлар
Тубида тондаги азонлар сўзи.*

*Аллоҳу акбар деб турнам кўзи нам,
Каптарлар патидан тўқилгай ояғ,
Эзулик иқдими пойинда хуррам,
Оллоҳнинг уйдан оқди июлят.*

Мен, ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг ушбу рубойисини, майда дардларимнинг катта кўринишидай бир неча йилдан бери ёд қилиб юрар, бу ғусса мутлақо ўзга изтиробнинг тасвири эканлигини тушунолмас, қийналиб чигиринга тушоулмасдим.

Шунда инсон қалби нима ўзи, деган савол олдимда кўндаланг туриб қолардим. Мен ўзимни бир тушунча билан оқлардим: Инсон қалби — инсоният яралгандан буён яралишида ҳеч бир ўзгариш бўлмаган эса-да, инсон томонидан англашга доимо уринилган, аммо ҳеч қачон англаб етилмаган мавжудликдир. Қалб — илоҳники, инсонники эмас. Агар у бизники бўлганда, биз уни тушуниб етган ва изимизга бўйсундирган бўлардик. Виз онгсиз ҳолатда ҳам шундай сатрларни битишимиз мумкин: — «Илоҳий яралган кўнгулли, айирмоқ мумкинми Худодан».

Агар биз замин қонун-қоидалари ўлчови билан, рубойидаги маънони англамоқчи бўлсак, бу нарса, қоронгу тунда «шам ёқиб офтобни излаш»дай гап бўлар экан.

Хуллас, биз Навоий қалбидан шуъьалланган ушбу рубойининг асл маъносини тошмоқ учун, бу шуъьалланган қалб шуъьаллантиривчисининг Қуръони каримда айтганларини, ушбу рубойи мавзусига тааллуқлиларини топишга мажбурмиз. «Ёсланг (эй, Муҳаммад), фаришталарга Одамга таъзим қилинг дейишимиз билан саждага ёғилдилар. Фақат иблис кибр ва ор қилиб — кофирлардан бўлди. Ва айтдики: «Эй, одам, сиз жуфтингиз билан жаннатни маскан тутинг ва ундан хоҳлаган жойларингизда бемалол таомлангилар. Фақат майн бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қоласиз». Вас, уларни шайтон йўлдан оздириб, масканларидан чиқарди ва айтдики: «Тугингиз (жаннатдан ерга!) (Сизлар) Бирбирингизга душмансиз. Энди маълум вақтгача (ажалларингиз етгунча) ерда маскан тутиб ўшайсиз». Бақара сураси, 34—36-оятлар. Ал. Мансур тарж.

Шу нуқтага назардан қарасак, ҳазрат Навоий ўз рубойисидан бу дунёдан «хушлуқ» дамларни ахтараётганлигини эмас, бу фойий дунёни баҳолаётганларини кўрамыз. Бу рубойи — фойий дунёга берилган баҳодир. Яъни, шуъьаллантиривчи Оллоҳ таоло бу дунёни яратиб, унинг қай мавқеда эканлигини Қуръони каримда қандай баҳолаган бўлса, рубойи ўша баҳонинг шуъьласидир.

Шунингдек, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳи саломнинг «ватанин севмоқ йимондандир», ҳадиси шарифларини хотирлаганда, ватан — Оллоҳнинг даргоҳи, мусулмонлар эришмоғи шараф бўлган — жаннат тимсоли назарда тутилганлигини, ер юзини, бизлар чегара-чегара қилиб олган ватанин севмоқ — асл моҳиятга тесқари севгидир.

Ислоом динининг буюк намоёндаларидан, ҳатто улар ер шарининг бутун бир қитъасига ҳукмдорлик қилганларида ҳам, заминга ва ундаги фойий ҳаётга муҳаббат ҳеч қачон бўлган эмас:

*Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши
Шод этмас эмиш кўнгулли меҳнатда киши
Кўнгулум бу ғариблиқда шод йлмади, оҳ
Ғурбатта севинмас эмиш албатта киши.*

Агар биз Оллоҳ розилигини истаб, шу йўлда жиҳод қилган, нусрат қозонган Мирзо Бобур фаолиятга баҳо бериб, у Туркистон соғинчини баён этган эди десак, асл маъно-

*Ким кўрди экан жаҳонда аё хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар бир йўса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.*

дан четланган, ислом динининг буюк саркардаси фатҳларини инобатга олмаган ва бугунги кундаги мусулмон ҳинд халқининг ташаққурини менсимаган бўламаиз.

Мирзо Бобур Оллоҳ розилиғи учун курашди. Унинг дийдорини кўмсади, унинг жаннатидан, раҳматидан умидвор бўлди ва фойий кунлари ҳақида — «ғурбатта севинмас эмиш албатта киши», дея шоирона луфт қилди ва тожу тахт, шоҳлик, бойлик салтанатида, ғариб ғурбатдалигини билдирди. Шу ўринда Мирзо Бобурнинг, Амир Темури (Худо уларнинг ҳар иккисини раҳмат назарига олсин) зафарлари янглиғ қудратли сўгушларига мезон бўлган Оллоҳнинг ушбу каломини, келтириб ўтсак, муддаодан холи бўлмас керак:

«Албатта ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «Қандай ҳолда яшадингиз?», деганларида: «Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар) «Ҳижрат қилсангилар Оллоҳнинг ери кенг эди-ку?!» — дейишди. (Ниса сураси, 97-оят).

Биз ушбу оятлар, ислом динини ер юзи бўйлаб ёйишда хизмат қилган ҳар бир мужоҳиднинг шиори эканлигини, биқик бир «ҳовузда, тилла балиқча» бўлиб қолганларни, ҳижрат қилишга ундашлигини, Оллоҳнинг гуруҳиғина унинг учун курашганларига голиб эканлигини инкор қила олмаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, икки хил кураш усули бор экан: бири — Оллоҳ ва У орқали киши ўзи учун, иккинчиси — киши ўзи ва ўзгалар учун. Бу усулларни узоқ таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳар қандай кураш — Оллоҳ учун. У зот Қуръони каримда баён этганидай бўлмас экан — ботилдир, ҳатто бу кураш — Ватан ва миллат учун бўлган ҳолатда ҳам.

Тарихни ўрганар эканмиз, Қуръони мажид, миллатдошларимиз, яъни Ислоом аҳли учун, тақдир китоби — уларнинг тақдирини белгиловчи китоб, яъни барча кишиларнинг тақдир биланган — Лаъқул Маҳфузининг — фойий дунё ойнасида акс этган тасвири эканлигини, миллатдошларимиз Қуръонга қараб иш тутганлигининг гувоҳи бўламыз.

Зеро, бугунги кун ҳам тарих. Зеро, бугунги кунда ҳам Оллоҳ таоло бизга ўз ҳукмларини фарз қилиб турибди. Зеро, биз бугунги кун ҳам бугунги кунимиз машаққатларидан сўнгсиз азоблироқ бўлган жаҳаннам азобларини ўзимизга орттириб олмаслик учун муносиб яшамогимиз лозим. Фақат бу фойий дунё манфаатларигагина эришмоқ учун курашсак, Ҳазрат Навоий айтганларидай, бу жаҳоннинг ўзидан ҳеч қандай «хушлуқ» дамларни тополмаймиз.

Мана, Ҳазрат нима деяптилар:

*Ким кўрди экан жаҳонда аё хушлуқ,
То бир киши айлағай таманно хушлуқ,
Юз йилда агар бир йўса пайдо хушлуқ,
Омодадурур ёнида юз нохушлуқ.*

Биз ер юзида яхши яшашга интилар эканмиз, бунга ўз ақлимиз кўрсатган йўл билан эмас, Оллоҳ таоло кўрсатган йўл билан интилоғимиз ва ушбу оятларни диллимизга маҳкам жо айламоғимиз лозим бўлади:

«Эй, мўминлар, Оллоҳдан қўрқингиз ва Унга яқин бўлиш йўлини излангиз ҳамда Унинг йўлида жиҳод қилингиз, шунда шояд нажот топуриш!» (Моид сураси, 35-оят).

Bir kis,i bir tâbib qas,igâ barib:
 — Qarnim kop agrijdur, betaqâtdurmen.
 Birar ilac, etgil, — dedi.
 Tâbib dedikim:
 — Bugun ne tâam jegan eding?
 Ul kis,i dedi:
 — Kujuk nanni kop jedim.
 Tâbib gulamni caqirib dedi:
 — Koz daru keltirgin, kozigâ tamizgâjmiz.
 Kâsâl dedi:
 — Mening qarnim agrijdur, koz darusini
 nimâ qilâmân?
 Tâbib dedi:
 — Agâr kozing râvs,ân bolsâ erdi, kujgan
 nanni jemâs erding.
 Qissâdan hissâ: sihât tilâsang — kâm je.

КУЙҒОН НОН

Bir kishi bir tabib qoshiga borib:
 — Qornim kün ogrijdur, beqoqâtdurmen.
 Biror iloj etgil, — dedi.
 Tabib dedikim:
 — Bugun ne taam egan eding?
 Ul kishi dedi:
 — Kujuk nonni kün edim.
 Tabib gulomni caqirib dedi:
 — Küz doru keltirgin, küziga tomizgâj-
 miz.
 Kasal dedi:
 — Mening qornim ogrijdur, küz dorusini
 nima qilaman?
 Tabib dedi:
 — Agar küzing ravshan bülse erdi, küj-
 gon nonni emas erding.
 Qissadan xissa: sihat tilasang — kam e.

کویغان نان

بیر کیشی بیر طبیب قاشیغا باریب
 قازنیم کوپ آغرییدور بی طاقتورمن
 بیرار علاج ایگیل دیدی طبیب دیدیم
 بوگون نی طعام یگان ایدیگ اول کیشی
 دیدی کوپوک نان نی کوپ ییدیم
 طبیب غلامنی چاقیریب دیدی
 کوز دارو کیلتورگین کوزی گا تامیزگایمیز
 کسّل دیدی منینگ قازنیم آغرییدور کوز
 داروسنی نیمه قیلامن طبیب دیدی
 اگر کوزینگ روشن بولسا ایردی کویغان
 نان نی ییاس ایردیگ
 قصه ده حصه صحت تیلانگ کم یی

TUŞ TĀ'BIRI

Bir pads,ah tus, kordi. Tus,ida bärca tis,lâri tokildi. Bu tus,dan benihajâ xafâ bolub, ertâ bilân tâ'bir âjtuvcini caqirib, kor-gân tus,ini âjtib berdi. Tâ'birci dedikim, pads,ahning bärca balâlâri va xatunlâri, jaqinlâri olgusidirlâr.
 Pads,ahga bu tâ'bir c,udâ qâttiq korinib, bujurdikim, tâ'bircining bärca tis,lâri ambur bilân tartib adilar va tilini kesdilar. Song-râ bas,qâ bir tâ'bircini caqirib, tus,ini bunga hâm bâjan etdilar. İkinci tâ'birci c,udâ dana va xus,tâbiât erdi. Ul dedi:

Туркий савод

ЭСКИ
ЎЗБЕК ЁЗУВИ

— Ej pads,ah, bu tus,ingiz umringizning uzaqligigâ dälalâtdur. Tâ'biri budirkim: bärca balälaringiz, xatuningiz va jaqinlaringiz-dan sizning umringiz uzag bolguvsidir.
 Bu tâ'bir pads,ahgâ jaqib, ungâ at va kijim bilân ming tânga pul berdi va dedikim:
 — Agârci bu ikki tâ'biring mâzmunu bir-dur. Lekin birinci tâ'birci jâmân ibarât bilân sozlâb, ozini hâlakât cuqurigâ tâs-lâdi. İkinci tâ'birci esâ jums,âq soz bilân is,arâ qilib, dâvlât bâjragini kocdân as,irdi.

ТУШ ТАЪБИРИ

Bir podshoh tuş kürdi. Tuşida bärca tişlari tükildi. Bu tuşidan benihoja xafa bûlub, erga bilan tağbir aytuvchini caqirib, kürgan tuşini aytib berdi. Tağbirchi dedikim, podshohning bärca bolalari va хотунлари, яқинлари ўлгусидирлар.
 Подшоҳга бу тағбир жуда қаттиқ кўри-ниб, буюрдиким, тағбирчининг бәрча тиш-ларини омбур билан тортиб олдилар ва тили-ни кесдилар. Сўнгра бошқа бир тағбирчини чақириб, туşини бунга ҳам баён эддилар. Иккинчи тағбирчи жуда доно ва хуштабиат эрди. Ул dedi:

— Эй подшоҳ, бу туşингиз умрингизнинг узоқлигига далолатдур. Тағбири будирким: бәрча болаларингиз, хотунингиз ва яқин-ларингиздан сизнинг умрингиз узоқ бўлгусидир.
 Бу тағбир подшоҳга ёқиб, унга от ва қийим билан минг таंगा пул берди ва dedikim:
 — Агарчи бу икки тағбирнинг мазмуни бирдур. Лекин биринчи тағбирчи ёмон иб-рат билан сўзлаб, ўзини ҳалокат чуқурига ташлади. Иккинчи тағбирчи эса юмшоқ сўз билан ишора қилиб, давлат байроғини кўч-дан оширди.

توش تعبیری

بیر پادشاه توش کوردی توشی دا بارچہ
 تیشلاری توکیددی بو توش دن بی نهایت
 خفہ بولوب ایرتہ بیان تعبیر ایتوچی نی
 چاقیریب کوگان توشی نی ایتیب ایردی
 تعبیر چی دیدیکیم پادشاه نینگ بارچہ
 بالالاری و خاتون لاری یقین لاری اولگوسیدر

پادشاه گا بوتعبیر بوده تفتیق کورینیب
 بو یوردیکیم تعبیر چی نینگ بارچہ تیشلارینی
 آمبور بیلان تارتیب آردی لار و تیلینی
 کسیدی لار سونگره باشقہ بیر تعبیر چی
 چاقیریب اول توشنی بونگا هم بیان
 ایتدی لار ایکنینچی تعبیر چی جوده دانا
 و خوش طبیعت ایردی اول دیدی

KIM AJTDI?

Bir pads,ah bir hâkimni oz haligâ gojmâdi. Mâstligdân ândin behudâ sozlâr agzidân ci-gâ bas,lâdi va bema'ni sozlârni hâm kop ajtdi. Oziga kelgândan song mâlamât gildi-larkim:
 — Ne sozlârni sozlâding?
 Hâkim dedikim:
 — Men bu sozlârni âjtganim joq. Lekin s,arab icmâkkâ tâklif qilgan kis,i ajtdi.

КИМ АЙТДИ?

Bir podshoh bir hâkimni ўз ҳолига қўй-мади. Мастликдан андин беҳуда сўзлар оғзи-дан чиқа бошлади ва бемаъни сўзларни ҳам кўп айтди. Узига келгандан сўнг маломат қилдиларким:
 — Не сўзларни сўзладинг?
 Ҳақим dedikim:
 — Мен бу сўзларни айтганим йўқ. Лекин шароб ичмакка таклиф қилган киши айтди.

ای پادشاه بوتوشینگیز عمرینگیز نینگ
 اوزاقلیگی گا دلالت دور تعبیری بودور
 کیم بارچہ بالالارینگیز خاتونینگیز ویتین
 لارینگیز دن سیز نینگ عمرینگیز اوزاق
 بولغوسیدور بو تعبیر پادشاه گا یاقیب
 اونگا آت و کیم بیلان منگ تنگه پول

Бирди и دیدیکим اگرچی بو ایکی تعبیرنیڭ
 مضمونی بیر دور لیکن بیریچی تعبیری
 یامان عبارات بیلان سوزلاب اوزینی
 هلاکت چقوری گاتاشلادی .
 ایکنیچی تعبیری ایرسه یومشاق
 سوز بیلان اشاره قیلیب دولت
 بیرانی نی کوکت دن آشیردی .

KOKRĀKDĀ
 SĀQLĀNGĀN ĀJB

Bir nadan kis,i bir hâkimâ dedikim:
 — Ne ucun agzingdân jaman is kelâdur?
 Hâkim dedi:
 — Sâning âjblâringni kokrâgimdâ kop
 sâglâr erdim. Tanâmga tâ'sir gilîbdur.

Muâllim və hâttat
 filologijâ fânları namzadi
 Râhimbaj GUMĀNIJAZOV.

КУКРАКДА
 САҚЛАНГАН АЙБ

Bir nodon kishi bir hâkimga dedikim:
 — Ne ucun ogzingdân jemon is kelâdur?
 Hâkim dedi:
 — Sâning âjblâringni kûkrâgimdâ kûp
 sâqlâr erdim. Tanâmga tâ'sir qilibdur.


Muallim va hattot
 filologiya fanlari nomzodi
 Raĥimbaj ŽUMANIJEZOV

کیم ایتدی

بیر پادشاه بیر حکیم نی اوز حالی گما
 قویادی مستلیک دن انین بیسوده
 سوزلار آغزی دن چیتد باشلادی
 و بی معنی سوزلار نی هم کوپ ایتدی
 اوزی کا کیلغاندن سونگ ملامت
 قیلدی لار کیم نی سوزلار نی سوزلادیڭ
 حکیم دیدیکیم مین بو سوزلار نی ایتغانیم یوق
 لیکن مینی شراب ایچمک کا تکلیف
 قیلغان کیشی ایتدی .

کوکراکدا ساتلانغان عیب

بیر نادان کیشی بیر حکیم کا دیدی کیم نی اوچون
 آغزینگیلین یامان ایس کیلادور حکیم دیدی
 سنینگ عیبیلرینگی کوکراکیدا کوپ ساتلار
 ایردیم تنم کا تاثیر قیلیبدور .



АЗИЗ
 МУШТАРИЙЛАР

Күёшли юртимизда ажойиб кунлар кечаётир. Мустақилликнинг бир йиллигини байрам қилдик. Унглиши сари юз бураётган иқтисодиётимиз эртанги яхши кунлардан дарак бермоқда, заҳматқаш, азамат халқимиз ўз меҳнати, юртга садоқати билан фарвонликка эришишимиз, иншоолло шак-шубҳасиз. Маданиятимиз, беқиёс халқ мероси юзага чиқмоқда, дину иймон, она тилимиз камоли барқарор бўлмоқда. Адабиёт ва санъат арбоблари ҳам истиқлол шарафи ила меҳнат қилмоқдалар.

Азиз муштарийлар! 1993 йилда «Гулистон» ойнамаси ўз саҳифаларида сизни қизиқтирадиган мақолалар, тасвирий санъат намуналари, янги асарлардан эълон этади. Ойнамага муштарий бўлишни асло унутманглр. «Гулистон» Сизнинг йўлдошингиз. Ойнама ва рўномаларни дўконлардан қидириб юрмаслик учун унга барвақт муштарий бўлиб олсангиз, фақат ютасиз.

Самимий ҳурмат-эҳтиром билан,
 «ГУЛИСТОН» таҳририяти

Ф. СП—1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
 «ГУЛИСТОН» 75233

(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

ойномасига обуна

обуна сонин

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(исми-шарифи, фамилияси)

ОЙНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАЧАСИ

		75233
п.в.	жойи	(нашр кўрсаткичи)

«ГУЛИСТОН»

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сум	обуна сонин
янги ман- зилга юбориш	баҳоси	сум	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(манзил)

Кимга

(исми-шарифи, фамилияси)

Жарангласин давлат тили



«Ассалому алайкум, ҳурматли йўловчилар!... Кейинги бекат Улугбек».

Тошкент метросига тушиб, вагонларга чиққан йўловчиларнинг

фақат бир тилда — давлат тилида ширинсуханлик билан айтилган бу сўзлардан кайфиятлари кўтарилиб, диллари равшан тартади. «Ниҳоят», «хайрият», дей-

сиз беихтиёр. Метрочиларнинг дадиллигига, хайрли ишга ўз вақтида қўл урганлигига, давлат тилига бўлган ҳурматлигига тасаннолар айтасиз.

Метрода тўлиқ ўзбек тили қўлланилаётганлиги русий забонли биродарларимизни ҳам асло ранжитаётгани йўқ. Қайта улар ҳам хурсанд бўлиб: «Давлат тилида эшиттирилаётган эълолар бизнинг тезроқ давлат тилини ўрганишимизга кўмак беради», демоқдалар.

Лекин, афсуски, шаҳар транспортининг бошқа турларида (автобус, троллейбус ва трамвайларда ҳамон давлат тили тўлиқ қўлланилмайётганлиги кишиларни ранжитмоқда. Шунингдек, баъзи

транспорт ҳайдовчилари бекатларнинг янги номларини айтишни устай, аввалги номларини тўтидек такрорламоқдалар. Масалан, «Вобур» бекатини «Киров» деб, «Яккасарой савдо маркази»ни «Фрунзенский торговий центр», «Тўқимачилар»ни «Текстильный» деб айтишни афзал кўрмоқдалар.

Маълумки, ҳозир майда-чақа пулларнинг кескин камайиб кетганлиги туфайли шаҳар транспортда фойдаланиш учун ишлатиладиган бир марта фойдаланидиган чипталар кўплаб чиқарилаётир. Лекин бу чипталарда қайд қилинган ёзувлар фақат рус тилида эканлигига нима дейиш мумкин?!

Агар шаҳар транспорти мутасаддилари ҳам метрочилардан ўрناق олишганда эди, юқорида айтилган давлат тилини қўллаш масаласидаги камчилик ва нуқсонлар аллақачон барҳам топган бўлур эди.

Розикбой БОТИРОВ

ИККИ КИЛО МАЙИЗГА—БИР ЙИЛЛИК ОБУНА

Совхозимизда бўлиб ўтган бир суҳбатда «Гулистон» ойнومаси ҳақида гап очилди. Даврада ўтирган отахонлардан бир неча киши бу ойномада ҳамisha қизиқарли мақолалар, адабиёт асарлари ёритилишини сўзлаб қолишди. Ҳатто отахонлардан бири «Гулистон» ойномасини ўн беш йилдан бери йиғиб, ҳар йилгисини алоҳида тахлам қилиб қўяётганини айтди.

— Чунки бу ойнома тарихимизни ҳамisha тўғри ёритиб келади, — деди ўша отахон. — Тарихимизни яхши, ҳалол ўрганаман деган одам «Гулистон»га обуна бўлса ютқазмайди.

Худди ўша суҳбатда Ўзбекистон халқ-демократик партияси Олтинсой тумани кўмитасининг биринчи котибаси Саодат опа Қаюмова бор эдилар. Опа «Гулистон» ойномасини мактаб гапирган отахоннинг сўзларини қўллаб-қувватлади ва бу йил олтинсойликлар мазкур ойномага камида минг дондан кўпроқ обуна бўладилар, деб айтди.

Суриштириб қарасак, «Гулистон» ойномасининг ҳар бир сонининг нархи келгуси йили ўртача 10 сўмга тўғри келар экан, яъни бир йилга 120 сўм тўласак, йил бўйи «Гулистон» ойномасидан олиб турар эканмиз. Бозор иқтисодиёти муносабати билан ҳамма нарсанинг нархи баландлаб кетганини ҳисобга олганда, «Гулистон» ойномасига бемалол обуна бўлаверсак бўлади. Чунки 120 сўм дегани ҳозирги нархнаво бўйича унча баланд эмас-да. Сўзимни исботлашга ҳаракат қиламан. Бизнинг Олтинсой тумани асосан узумчиликка ихтисослашган жой. Давлат хўжаликлариди ҳам, хонадонларда ҳам узум етиштирилади. Яъни бизда майиз кўп. Бир кило майизнинг нархи эса, энг паст баҳода 60—70 сўм туради. Демак, икки кило майиз сотган одам «Гулистон» ойномасининг бир йиллик сонларини муттасил олиб ўқийверса бўлади.

Биз ана шу айтилганлардан хулоса чиқариб, давлат хўжалигимиз бўйича келгуси йил учун ойномага камида 200 кишини обуна қилдиришни мўлжаллаб қўйдик. Биз ишонамизки, «Гулистон» ойномаси онги-шууримизни оширади, тарихимизни яхшироқ ўрганишимизга ёрдам беради.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ХАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси»да расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг мухри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штампели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни кискартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, исми-шарифи, фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» ходимлари тўлғазди.

Муҳаммадамин ОМОНОВ,

Олтинсой туманидаги «Хўжасоат» давлат хўжалигининг директори



ТАДБИРКОР КУЛОЛ

Эртак

Бир ҳовлида бўзчи чол, хотини ва бўйи етган қизи яшар экан. Чол ишчан, меҳрибон; хотини ҳам хушфел, чакқон ва рўзгорда эрига таянч экан. Лекин... қизи «бўзчи-санлар», деб ота-онасини назари илмас, насиҳат қилсалар: «Ўзим биланман, манга хўжайин бўлмалинг!» деб жерқиб бераркан.

Бундай адабсизга гапириб обрў тополмаган, асаблари қақшаб, безор бўлган ота-она уни эрга бериб қутулишни ўйлашса-да, совчилар келаверишмас, келганлари ҳам таърифини эшитиб, келин қилмас эканлар. Охири, тақдири етган эканми, қули гул кулол йигит унга уйланиб, уни ўз ҳовлисига олиб кетибди. Тўй жуда тез бўлганидан, қиз эрининг кимлигидан аниқ хабардор бўла олмабди. Ҳар ҳолда унга: «Эринг бой йигит», деб айтишган экан. Қараса, эри оддий кулол эмиш. «Сенинг куллогингни бурнингдан чиқармасамми? Мендай подшошларга лойиқ қизни алдаб, ўзига хотин қилиб олибди-я. Ўзиндан кўр!» деб кулолга таъна тошларини ёғдира бошлабди қиз. Унинг ясаган лаган-товоқларини синдирибди, топташга бориб етибди. Фойдали иш, ҳалол меҳнат қилиш қаёқда, билгани зулм ўтказиш экан. Танг аҳволда қолган кулол йигит куйибди, тўлғонибди, бош қотириб, охири бир чора ўйлаб топибди. Кечаси хотинини қопга солиб, орқалаб бориб, даладаги сувсиз қудуққа тушириб қайтибди. «Шу ерда тавбангга таянмасан, овқат ейиш, кийим кийиш учун меҳнат қилиш кераклигини англаб етарсан!» деб жўнаб кетибди.

Бир-икки кун дили гаш бўлиб юрибди. Кейин яна раҳмдиллиги устун келиб: «Нима бўлса ҳам хотиним эди, аҳволдан хабар олай-чи», деб қудуқ сари кетибди. «Хотин, тавба қилиб улгургандирсан, ар-

гамчига ёпиш, тортиб олай!» деб арғамчи учини пастга ташлабди. Шунда бирдан арғамчи силкиниб, қудуқдан ранг-рўйи ўчган, кўзлари даҳшатли олайган, оёқ-қўли қалтираб, тишлари тарақлаган, муғизли, жундор бир махлуқ ташқарига отилиб чиқибди. Арғамчи учини кулолдан юлиб олиб, пастга улоқтирибди-да: «Уни қудуқдан чиқара кўрма!» деб бақирибди. Қўркувдан эхонаси чиқиб кетган кулол анграйиб қолибди.

— Қўркма, йигит, сенга яхшилик қиламан, — деб махлуқ ва қудуқ томонга баҳима-қўркув билан боқиб, кулолни четга бошлабди — Нарирок бораёйлик, унинг овози ҳам ханжардай ўтқир экан. Хўп мени вақтида кутқариб қолдинг-да, ошна! Умр бўйи бунақа шақилдоқ аёлга дуч келмаган эдим. Ўзинг биласан, биз жинларни, одамлар эски чор деворлар, кимсасиз тегиримонлар, ташландиқ қудуқларда умр кечиршига маҳкум қилган. Хотининг келиб менга бу қудуқ ҳам торлик қилди. Бақириб, қарғаб, жунларимни юлиб, бошимга муштлаб, мени ўлар холатга етказди! Яхшики, арғамчи ташлаган эдинг, мен чиқиб олдим! Бу ёрдамнинг учун мен ҳам сенга бир яхшилик қилмоқчиман. Шундайки, подшонинг қизи неча вақтдан буён касал ётибди. Уни ҳеч қайси табиб соғайтира олмади. Сенга даволаш йўлини ўргатаман, бориб даволаб, мукофот оласан.

Жин қандайдир ҳаракатлар қилиб, кулолга даволашдан таълим бера бошлабди. Охири тайинлабди:

— Сен фақат ўша подшонинг қизинигина соғайтир. Агар бошқа кимсани ҳам соғайтирмоқчи бўлсанг, сени ўлдираман!

У шундай дея сакраб-сакраб кўздан йўқолибди. Айтганларини си-

наб кўрай-чи, зора шоҳ қизи соғайса, деб ўйлабди-да, кулол йўлга тушибди. Шоҳ саройи дарвозаси олдида турган соқчиларга мақсадини айтган экан, улар масҳаралаб кулишибди:

— Шоҳ қизини соғайтира олмай, неча табибнинг боши кетди. Нима, сен ҳам бошингдан айрилмоқчимисан? Вақт борида жўнаб қол-чи. Лекин шу вақтда кимхоб чопон кийган, қорасоқол амалдор вазир чиқиб қолиб, йигитнинг сўзларини эшитгач, уни ичкарига бошлаб кирибди:

— Чиқмаган жондан умид, дейдилар. Қани, омадингни бир синаб кўр-чи...

Кулол қараса, шоҳ қизи тўшақда ранги заъфарон, кўзлари гирён, аянчли аҳволда ётганмиш. Кулол қизга ачиниш билан боқибди-да, ўрганган шифобахш куйини қуйлаб, қўлини қизнинг боши узра тебрата бошлабди ва уч марта юқорига кўтарибди. Мўъжиза юз берибди! Қизнинг юзига қизиллик югуриб, кўзлари қувончдан порлаб, соғайиб, ўрнидан турибди, кулолга таъзим қилибди:

— Эй, доно табиб, билимингиз олдида бош эгаман ва сизга беҳад ташаккурлар изҳор этаман. Сиздай зўр табиб дунёда бошқа топилмас. Кулол бу дабдабали сўзларни эшитиб, қизариб кетибди.

Шоҳ кулолга эгарлаган от, пул бериб жўнатибди. Лекин кулолнинг табиблик довуғи тез тарқалиб, бошқа касаллар ҳам ундан даво топиш мақсадида кела бошлабдилар. Кулол раҳмдиллик қилиб, яна бир-икки касални соғайтирган экан, даҳшатли қуюн кўтарилиб, унинг ичидан кўзлари ғазабдан қизариб, қўллари қалтираган жин пайдо бўлиб, кулолга дўк урибди:

— Аҳдимизни буздинг. Мен сенга фақат шоҳ қизини соғайтириб,

мукофотини ол, бойи, дегандим. Сен бошқаларни ҳам соғайтира бошлабсан?!

— Қўлимдан келса, нега ёрдам қилмай, нега соғайтирмай. Бу савоб иш-ку! Бахиллик қилайми?

— Худди ана шу савоб деган сўз билан чиқиса олмайман. Улимга тайёрлан. Манга арғамчи, сени осаман.

— Бу ўша... сени қутқарган арғамчига ўхшайди-ку, а?!

— Гапни чўзма. Керак бўлса, ана, арғамчи. Бешта... ўнта...

Кулол атрофга олазарак қараб, жинга аста: «Маслаҳатли иш бор, сабр қил, хотиним қудуқдан қутулиб чиқиб, сени қидириб юрганмиш. Энди нима қиламиз? Шундан гапир», дебди.

Бу сўзларни эшитиб жин сакраб тушибди, атрофга алаңлабди:

— А, қани у?!

Кулол бошига паранжи ёпиниб, шовилиб келаётган бир аёлни кўрсатибди.

— Ана, ўзини танитмаслик учун бошига паранжи ёпиниб олибди! Тўсатдан томогиндан бўғиб олса, нима қиласан? — деган экан, жин:

— Дод, у билан учрашувга тоқатим йўқ, ўзинг гаплашавер, — деб девор ошиб қочиб қолибди. Кулол эса жиннинг аҳволини мазак қилиб, қувонч ёшларини энги билан арта бошлабди. Шунчалик юрак олдириб қўйган экан бечора!

Шундай қилиб, кулол куллогини ҳам, табиблагини ҳам давом эттирибди. Хотини қаерда қолди, деб ўйларсиз балки? Айтишларича, шамолли, булутли кечаларда ўша бўш қудуқ остидан қарғиш товушлари ҳамон эшитилиб турар, эшитганлар икки қўллари билан кулоларини ёпиб, тезроқ кетишга ҳаркат қиларканлар.

ФАРДЛАР

Яшай десанг тинчу бехатар,
Содиқ дўсту лойиқ ёр ахтар.

Ширинсухан бўлса гар ёринг,
Эртаю кеч ёзар хуморинг.

Ҳамид ПАРДАЕВ

Тошкент



— Уз аравангни ўзинг торт деганлари шу бўлса керакда!

Оилада бўлди жанжал,
Эру хотин қилар жанг.
Хотин эрга қичқиради,
Эр ҳам бўш келмас — тажанг.
Чойнак, коса, ёстик, дазмол,
Тинмай ҳар ён учади.
Шўрлик кампир жон ҳолатда,
Набирасин кучади.
— Буви айтинг, ахир нега,
Уришишаркин доим?
Е дадамнинг даструмолин
Ювмадиларми ойм?
Набирага не деярин,

Билмайин кампир гаранг.
— Яна ўша қора мушук,
Утди, — деёлди аранг.
— Буви, мен-чи, шу мушукни.
Бир кун тутиб оламан.
Боплаб адабини бериб,
Уйдан ҳайдаб соламан.
Ана шунда ойм, дадам,
Уришишмас ҳеч қачон.
Шундагина сиз билан мен,
Тинч яшаймиз, бувижон!

Феруза ЖАЛИЛОВА


ЛАТИФА

Насриддин афандининг кўшниси бировнинг ҳақидан кўрқмайдиган, имонсизроқ одам экан. Бир кун афанди хотини ва болалари билан шаҳар айланаб келса, ўша кўшниси Насриддиннинг ҳовлисидаги ёнғоқ устига чиқиб, териб турган эмиш. Афанди ҳовлига кириб, унга салом берибди-да:


— Кечирасиз, адашиб бошқа ҳовлига кириб қолибмиз, — дебди.
— Йук, ўзингизнинг ҳовлингизку, мулла Насриддин, — дебди кўшниси ёнғоқ устидан туша туриб.
— Ахир, ёнғоқ меники бўлмагандан кейин ҳовли ҳам бировники бўлади-да, наҳотки шунга ҳам билмасангиз, — дебди афанди.

МУСАҲҲИҲ ДАФТАРИДАН

«Оила ва жамият» пайшанба тунлари (кунлари) чиқади.
Кўк тойни (чайни) қуюқ қилиб дамлади.
Товуқ (совуқ) баданини жунжитирди.
Пахтазор дардлар (мардлар) майдони.
Қишлоқда механизатор катта пуч (куч).
Биринчи ҳимоям (ҳикоям) босилди.



— Ҳа, повонлар! Ким зўр чиқса, совринга қора кўчқор!



ОЧҚИЧ:

1. Салжукий султонлар Маликшоҳ ва Санжарлар вазири бўлган XI аср йирик тарихшунос олими ва давлат арбоби — 22, 8, 19, 26, 21, 7, 3, 21, 7, 3, 18.
 2. Кузда тун билан кундуз тенглашадиган вақт, ҳосил байрами — 21, 4, 9, 20, 10, 26, 22.
 3. Диний ақидалар ва кўрсатмалар билан шугулланувчи фан — 8, 3, 26, 9, 8, 12, 27.
 4. Мударрис ёки касибнинг ёрдамчиси, — 17, 2, 3, 15, 2.
 5. Торли, камонли миллий мусиқа асбоби — 5, 1, 6, 8, 19.
 6. Мумтоз ўзбек шоири Дурбек дostonининг қахрамони — 16, 23, 7, 15.
 7. Давлатнинг хориждаги фавқулодда ва мухтор ваколатхонаси бошлиғи — 24, 3, 13, 8.
 8. Урта аср миниатюраси санъати маркази ҳисобланган Эрондаги қадимий шаҳар — 11, 19, 14.
 9. Манзарали ўсимлик — 25, 7, 3.
- Жавоблар асосида шаклдаги рақамларни тааллуқли ҳарфлар билан алмаштирсангиз, XI аср донишманд шоири Юсуф Хос Ҳожибнинг тўрт мисра ҳикмати авён бўлади.


Тузувчи
Фозилжон ОРИПОВ

7—8-СОНДА БОСИЛГАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

- ЭНИГА:** 6. Тароват. 8. Такатош. 11. Октош. 12. Пилта. 15. Писта. 16. Якдил. 23. Рупия. 24. Таноб. 27. Қатлама. 28. Одиллик.
БУЙИГА: 2. Сардоба. 5. Шоҳдара. 7. Ликоп. 9. Коший. 10. Нуқта. 18. Қорағат. 19. Анбар. 20. Итбалик. 21. Қисса. 22. Чалғи.
АЙЛАНАЛАР БУЙИЧА: 1. Мовароуннаҳр. 13. Туркманистон. 14. «Шайбонийнома». 17. Гултожиҳўроз. 29. Пирмуҳамедов (Раҳим).
БИЛАР БУЙИЧА: 3. Волида. 4. Рапида. 25. Қабила. 26. Манила.

Таҳририятга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ойномадан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Босмаҳонага туширилди 21.07.92 й. Босишга руҳсат этилди 12.08.92 й. Қоғоз бичими 70×108/в. Офсет усулда босилди. Қоғоз тури босма № 1.

Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. 39482 нусха чоп этилади. Вуяртма 797. Ваҳоси сотувда 3 сўм 60 т.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмаҳонаси, 700083, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.



Хушовоз хонанда Мухриддин Холиқов

Индекс 75233

Баҳоси: сотувда — 3 сўм 60 тийин

Энтикиб ошамиз тоғлардан...

